

# Самарқандлик ҳакимлар

3

Негматжон Ходжаев
Ахматжон Базаров



Негматжон Ходжаев
Ахматжон Базаров

# САМАРҚАНДЛИК ҲАКИМЛАР

Учинчи китоб

Sam DTI
axborot-resurs markazi

Тошкент – 2020

**УЎК 614.2(575.1)**
**КБК 51.1(5Ў)**
**Х 41**
**Ходжаев, Негматжон**
Самаркандлик ҳакимлар. III китоб. [Матн] / Н.Ходжаев, А.Базаров – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2020. – 416.
ISBN 978-9943-6286-8-7

Ушбу китоб Мустакиллик йилларида мамлакатимизда, шу жумладан, Самарканд вилоятида тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, ислоҳотларнинг илк нишонаси бўлмиш кишлок врачлик пунктлари (ҚВП) барпо килиниши, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши тўгрисида ўкувчига маълумот беради. ҚВПлари яратилиши тарихи билан бир каторда унга фаол иштирок этган соғликни саклаш ташкилотчилари, ҳозирги кунда ушбу муассасаларда ишлаётган ва уларни бошкариб келаётган тиббиёт ходимлари хаёти ва фаолияти ҳакида кизиқарли маълумотлар ҳам китобдан жой олган. Шунингдек, ушбу китобда хаёти ва фаолияти Самарканд билан боғлик тиббиётнинг турли соҳаларида хизмат килган ҳамда ҳозирги кунда ишлаб келаётган хакимлар тўгрисида маълумотлар хам киритилган.

**Такризчилар:**

**А.Х. Имомов** – Самарканд Давлат тиббиёт институти психиатрия кафедраси профессори;

**С.А. Аллазов** – Самарканд Давлат тиббиёт институти урология кафедраси профессори.

Ушбу рисола соғликни саклаш тизими ташкилотчилари, тиббиётнинг турли соҳалари врачлари, ҚВПлар раҳбарлари, умумий амалиёт шифокорлари ва тиббиёт тарихи билан кизикувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарканд вилоят бўлими Президиуми кенгашининг 2017 йил 15 мартдаги 2-сонли карори асосида ассоциациянинг 35 йиллиги муносабати билан чоп этишга тавсия килинган.

ISBN 978-9943-6286-8-7

© Негматжон Ходжаев, Ахматжон Базаров
© «Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2020 й.

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Муҳтарам китобхонлар томонидан тушган турфа таклиф, фикр ва мулоҳазаларни назарга олиб, қўлингиздаги ушбу «Самарқандлик ҳакимлар» китобининг учинчи қисмини нашр этишга журъат этдик. 2011 ва 2013 йилларда Тошкентдаги «Муҳаррир» нашриётида чоп этилган ушбу китобнинг биринчи ва иккинчи кисмларида ҳаёти ва фаолияти Самарқанд билан боғлиқ 500 нафарга яқин тиббиётнинг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилиб келган ва келаётган олиму фузалолар, тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари ва амалий шифокорларнинг меҳнат фаолияти ва ибрати ҳаёт йўллари ҳақида имкон қадар маълумотлар берилган эди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг ўтган 25 йили мобайнида олиб борилган туб ислоҳотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимида чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари содир бўлди. Республика соғлиқни сақлаш тизими таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилиб, жаҳон андозаларига мос келадиган янги ташкилий тартибга келтира бошланди. Вилоят бюджетидан фақат ижтимоий аҳамиятга молик бўлган беморларни даволашга мўлжалланган диспансерлар ва бир қатор муассасалар молиялаштирилиб борилялти. Вилоят марказидаги бошқа ихтисослаштирилган тиббий муассасаларни эса босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтказилди. Қишлоқ аҳолисига малакали врачлик ёрдамини кўрсатишни таъминлаш мақсадида собиқ иттифоқ соғлиқни сақлаш тизимидаги 3 босқичли тиббий ёрдам ўрнига 2 босқичли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилиб қишлоқ жойларида аҳоли саломатлигининг кафолати бўлмиш қишлоқ врачлик пункт (ҚВП)лари тармоқлари барпо қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта

ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган.

ҚВПларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизга ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПда 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва

оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган “Дори-дармон” АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди. 2016 йил декабрь ойида сайланган мамлакатимиз янги Президенти Ш.Мирзиёев аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасини амалга оширилган мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларда шак-шубҳасиз тиббиёт ходимларининг ҳам баҳоли қудрат ҳиссаси бор. Ана шуларни ҳисобга олиб ушбу китобда улар тўғрисида маълумотлар киритилди. Мамлакатимиз тиббиётида олиб борилган ислоҳотларнинг илк меваси ҳисобланмиш қишлоқ врачлик пунктлари ва унда фаолият олиб бораётган шифокорлар ҳамда барча турдаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган врачлар ҳақида нашр қилинаётган ушбу китоб камчиликлардан ҳоли эмас, албатта. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни чин кўнгилдан қабул қиламиз.

**Негматжон Ходжаев**



1949 йил 21 май куни Самарқанд шаҳар Қорабой-оқсоқол маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. 1957-1964 йиллар Самарқанд шаҳридаги А.С.Пушкин номли 21-ўрта мактабда тахсил олган ва уни «Олтин медал» билан битирган. 1967 йил Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. 1973 йилда ушбу институтни битириб даволовчи врач бўлди 1973-1974 йил интернатура ўтиб, врач терапевт мутахассислиги берилди. Иш фаолиятини 1969 йилда санитарликдан бошлаган. 1970-1973 йиллар тиббий биродар вазифасида ишлаган.

1973-1979 йиллар Самарқанд туман марказий шифохонаси терапия бўлимини врачи, Охунбобоев ҚУШ нинг участка врачи, даволовчи врачи, бош врачи вазифаларида хизмат қилди. 1979-1993 йиллар Самарқанд тумани Давлат санитария-эпидемилогия назорати бош врачи, туман Бош Давлат санитария врачи

лавозимларда ишлаб келди. 1993-1998 йиллар Самарқанд туман хокимининг ўринбосари, туман марказий шифохона бош врачи, 1998-2009 йиллар Самарканд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи, Самарқанд вилоят Бош Давлат санитария врачи, Самарқанд вилоят хокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди.

У олий тоифали умумий гигиена врачи ҳамда олий тоифали Соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ижтимоий саломатлик, Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва умумий гигиена кафедрасининг курс мудири.

Н.И.Ходжаев тиббиёт тарихи, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиётда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, мустақиллик даври тиббиёти ва ислоҳотларнинг янги даврида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган фидокорона ишларнинг ҳамда Самарқанд илму-амалиёти равнақига бағишланган "Самарқанд вилоят Давлат санитария назорати тарихи" (2006 йил), "Самарқанд тиббиёти тарихи 1-том" (2007 йил), "Самарқанд тиббиёти тарихи 2-том" (2007 йил), "Ходжаевлар сулоласи" (2009 йил), "Самарқанд тиббиёти тарихий босқичлари XI-XXI асрлар" (2010 йил), "Яхшиларга ёндошиб" (2010 йил), "Шифобахш маскан" (2010 йил), "Самарқанд тиббиёти равнақи" (2011 йил), "" "Самарқандлик хакимлар" (биринчи китоб 2011 йил ), "Акам хақида" (2012 йил), "Самарқандлик хакимлар" (иккинчи китоб 2013 йил ), "Юксак фазилат сохиби" (2013 йил), "Мехнатга бахшида умр" (2014 йил), "Самарқанд вилоят врачлар ассоциацияси қисқача тарихи" (2016 йил), "Ёднома" (2017 йил),"Развитие медицины Самарқанда в годы Независимости" (2017 йил), "Самарқанд тиббиёти Мустақиллик йилларида" (2018 йил), "Самарқандлик ҳакимлар 3-том" (2019 йил) каби китоблар муаллифи. Н.И.Ходжаевнинг 250 дан зиёд илмий, методик қўлланмалари ва оммабоп китоблари чоп этилган. 150 дан ортиқ мақолалари илмий журналлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган. 2017 йилда Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Турон Фанлар Академияси хақиқий аъзолигига

сайланган. 2019 йилда мазкур академиянинг Фахрий Профессори унвони берилган.

Н.И.Ходжаев «Ҳурмат белгиси» ордени, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони, «Мустақиллик», «Мустақилликнинг 5,10,15,25 йиллиги эсдалик нишонлари», Қизил ярим ой жамиятининг «Ҳурмат белгиси», «Пирогов» медаллари, вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг қатор фахрий ёрлиқлари ҳамда дипломлари билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди, 12 нафар набираси ва 5 нафар эвараси бор.



**Базаров Аҳматжон Базарович**

Аҳматжон Базарович 1951 йил 1 май куни Самарқанд вилояти, Пойариқ тумани Челак шаҳарчасида хизматчи оиласида туғилган. 1968 йилда Пойариқ туманидаги 25-ўрта мактабни аъло баҳоларда ўқиб "Олтин медал" билан тугатган. 1968-1974 йиллар Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил олган. 1974-1975 йиллар СамМИ клиникасининг факультатив терапия бўлимида интернатура ўтган. 1975-1976 йиллар Пойариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Димитров қишлоқ врачлик участкаси мудири, 1976-1978 йиллар туман марказий поликлиникасида терапия врачи бўлиб ишлаган. 1978-1980 йиллар Самарқанд давлат медицина институтининг госпитал терапия кафедрасида клиник ординатура ўтиб, илмий ишлар олиб борган.

Ревматизим, юрак ва қон-томир касалликлари бўйича Республика журналларида қатор илмий мақолалари чоп этилган.

Клиник ординатурани тугатгандан сўнг 1980-1983 йиллар 1-сон вилоят шифохонасида врач гемотолог, 2-сон терапия бўлимида врач-терапевт, 1983-1995 йилгача 2-сон терапия бўлими мудири лавозимида фаолият юритган. 1995-1996 йиллар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош терапевти вазифасида ишлаган. Хизмат юзасидан кўп йиллар мобайнида вилоят туманларига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатган. Юзлаб беморларни даволаб, оиласи қучоғига қайтарган моҳир врачлардан хисобланади.

1991-1996 йиллар Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлиги сайланган. 1996 йилда вилоят соғлиқни сақлаш бошқамаси марказий бирлашган шифохонасига бош врач этиб тайинланган.

А.Базаров раҳбарлиги даврида шифохона диспансер назоратида турган уруш қатнашчилари, ногиронлар, Чернобил фалокати иштирокчилари ва бошқа контингентларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилган.

1998 йили 1 сентябрь мустақиллик байрами арафасида шифохонанинг сув муолажалари бўлими қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бунда айланма душ, сувости массажи, сауна-бассейн, даволаш-физкультура хоналари мавжуд бўлиб, беморлар соғлиғини мустаҳкамлашда катта рол ўйнамоқда. Шифохонани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жонбозлик кўрсатган.

Аҳмаджон Базаров 2000-2002 йиллар ВССБ нинг умумий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган ва бу даврда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларини ҳамда вилоят ҳокимининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда фаол қатнашган.

2002 йилдан иккинчи маротаба вилоят марказий бирлашган шифохонасига бош врач этиб тайинланади. Шифохона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий-асбоб ускуналар (диагностика, УЗИ, эхоэнцефалоскоп, физиотерапия

аппаратлари) билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратган.

2009 йилдан ҳозирги кунга қадар вилоят ўсмирлар диспансери бош врачи лавозимида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда А.Б.Базаров асосий эътиборни олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талаба ёшларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш масалаларига қаратиб келмоқда. Диспансерда 2010 йилда 140 млн сўмлик кам нурланадиган Про Скан-2000 замонавий флюро аппарати ўрнатилиб ишга туширилди. Диспансер биноси жорий таъмирдан чиқарилди.

А.Б.Базаровнинг 50 дан зиёд илмий ишлари (журнал мақолалари, қўлланмалар ва рисолалар) чоп этилган. "Развитие медицины Самарқанда" (2016 йил), "Ўсмирларга тиббий хизматни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари" (2017 йил), "Развитие медицины Самарқанда в годы Независимости" (2017 йил), "Самарқанд вилоят Саломатлигини тиклаш шифохонаси" (2018 йил), "Самарқандлик ҳакимлар 3-том" (2019 йил) каби китоблар муаллифи.

Самарқанд тиббиёти илму амалиётига қўшган муносиб хизматлари эътиборга олиниб 2018 йилда Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Турон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзолигига сайланган.

А.Б.Базаров кўп йиллик, самарали меҳнатлари эвазига "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" нишони Республика ва вилоят раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

# ТИББИЁТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ИШЛАГАН ВА ҲОЗИРГИ КУНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН САМАРҚАНДЛИК ВРАЧЛАР ТЎҒРИСИДА

**Тиллябаев Раим**
**Сиёб тиббиёт коллежи хирургия фани ўқитувчиси**



Раим Тиллябаев 1937 йил 10 февраль Наманган вилояти, Учқўрғон тумани “7-Норин” совхозининг 4-бўлимида, ишчи оиласида туғилди. 27-сон тўлиқсиз ўрта мактабнинг 1-синфига 1945 йилда ўқишга борди ва мактабнинг 7- синф 3-чорагини тамомлаб 1952 йил март ойида Бухоро вилоятининг Кармана туманига кўчиб келади ва 7-синфни имтиёзли шаҳодатнома билан 1952 йилда тамомлаб, Самарқанд шаҳридаги К.Е.Ворошлов номидаги тиббиёт техникумининг санитария-фельдшерлик бўлимига ўқишга кирди. 1955 йил имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу йили Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига йўлланма асосида имтиҳон топшириб ўқишга кирди. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини 1961 йилда тугатди.

Иш фаолиятини 1961 йилнинг сентябр ойида бошлаган. 1-клиника касалхонасининг факультатив хирургия бўлимида жарроҳ ординатор лавозимида иш бошлади. Жарроҳ касбини эгаллашда ва илмий иш билан шуғулланишда ёрдам берган устозлари профессор Ғолуб Ф.М, Дудоров Н.Е, Ахмедов М.А, Рахмонов Х.Ж, Шокиров М.Ш, Клименко Л.А, Бритун А.И ва бошқаларни ҳалигача эслайди. 1963-1965 йиллар ичида факультатив хирургия кафедраси клиник ординатурани хирургия бўйича тамомлади ва 1968 йилгача факультатив хирургия бўлимида ва болалар жарроҳлик бўлимида ишлади. 1969 йил 15 сентябр ойидан бошлаб Самарқанд давлат тиббиёт институтининг умумий хирургия кафедрасига асисстент лавозимига ишга ўтди. Умумий хирургия кафедрасида 1969 йил сентябрдан, то 1997 йил июнгача ассистент ва катта ўқитувчи лавозимида ишлади. Иш жараёнида ўз устида кўп ишлашга тўғри келди. Амалиётни назария билан биргаликда олиб бориш, жарроҳлик касбини ҳам ушлаб туриш кераклигини унитгани

йўқ. Ўз устида кўп ишлади. 1970 йилдан профессорлар Бритун А.И. ва Абдуллахужаева М.С. ларнинг раҳбарлигида илмий иш бошлади. Илмий иш мавзуси "Гексохлоран билан сурункали захарланишини ўтказган ҳайвонларда (куёнларда) шикастланган периферик нерв толаларининг регенерацияси". 1975 йил 3 декабрда номзодлик дессертацияси муваффақият билан ҳимоя қилди. 1976 йил Олий Аттестация Комиссияси (ВАК) томонидан тасдиқланди ва номзодлик дипломини олди. Иш жараёнида бир неча марта ректоратнинг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Шаҳар ҳокимиятининг мақтов ёрлиги билан тақдирланган. 1992 йилда мустақиллигимизнинг 1 йиллигача бағишланган кўкрак нишони медали билан такдирланган. Иш жараёнида ўкитувчилик ва жарроҳлик касбини малакасини ошириш максадида 4 марта малака оширишда бўлган. 2 марта Ленинград давлат санитария-гигиена институтининг умумий хирургия кафедрасида, 1 марта Новосибирск тиббиёт институтининг умумий хирургия кафедрасида ва 4 марта Тошкент давлат тиббиёт институтининг умумий хирургия кафедрасида малака оширган. Ёш бўйича 1991 йилда нафақага чикди. Нафақа даврида тиббиёт коллежида ўқитувчи лавозимида ишлади. 2001-2003 йиллар давомида Вилоят болалар жарроҳлик клиникасида (проф. Шамсиев А.М. рахбарлигида) операцион бўлимида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 2003-2005 йиллар А.А.Рудакий маҳалласининг раиси лавозимида ишлади. 2006-2010 йилларда Сиёб тиббиёт коллежида хирургия фанидан ўқитувчи ламозимида ишлади. Иш даврида 2 марта мақтов ёрлмғи билан тақдирланган. Саломатлиги туфайли иш фаолиятини тўхтатди. Ҳозирда оила даврасида ширин ҳаёт кечирмокда. Фарзандлари ва набираларни тарбиясига ўз ҳиссасини кўшиб келмокда. Ширин ҳаёт кечириб яшаётганлиги учун шукроналар айтади.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Гадаева Зевар шифокор-педиатр. Қизи Нозимова Шохсанам шифокор, Перфект диагностик клиникасида аллерголог, ўғли Тиллябаев Алишер

Вилоят юкумли касалликлар шифохонасида инфекционист-реаниматолог, олий тоифали шифокор, куёви Низомов Анвар Равшанович Вилоят кардиология диспансерида кардиореаниматолог, олий тоифали врач, келини Йўлдошева Нигора Кўп тармоқли болалар шифохонасида шифокор, диетолог, олий тоифали шифокор.

## Саломов Иноят
## Самарқанд вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт маркази профессор-маслаҳатчиси



И.Саломов 1939 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент тиббиёт институти педиатрия факультетига ўқишга кирди. У 1963 йил ўқишни тугаллаб, илк меҳнат фаолиятини йўлланма асосида Бухоро вилояти Қизилтепа туман касалхонаси болалар бўлими мудири сифатида бошлади. 1964 йилдан Бухоро шаҳар 2-болалар поликлиникаси, кейинчалик туғруқхонада чақалоқлар бўлими мудири вазифасида ишлади.

У киши 1968 йилда собиқ Иттифоқнинг Россия Республикаси Ростов-Дон шаҳридаги Давлат тиббиёт институти болалар касалликлари кафедрасида аспирантурага кирди. Ўқиди, изланди ва 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига, 1985 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаб, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Кейинчалик унга профессор илмий унвони берилди.

И.Саломов 1971 йилдан Самарқанд тиббиёт институти факультатив педиатрия кафедрасида ассистент, доцент, болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси мудири, кейинчалик Бухоро тиббиёт институти болалар касалликлари кафедраси мудири, проректор лавозимларида фаолият кўрсатди. Чуқур билим

соҳиби ва меҳрибон устоз ҳамкасблари, шогирдлари ва халқ орасида катта ҳурмат қозонди.

И.Саломов 2002 йилдан бошлаб яна Самарқандга қайтиб келиб Самарқанд тиббиёт институтида меҳнат қила бошлади ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида профессор-маслаҳатчи сифатида ишлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарордан руҳланган ҳам олим, ҳам амалиётчи врач И.Саломов вилоятда оналик ва боланикни муҳофаза қилиш тадбирларида фаол иштирок этди. Айниқса, вилоятнинг олис туманларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни диспансеризация қилиш ва саломатлигини тиклаш борасида самарали иш олиб борди.

И.Саломов фаолияти давомида 300 дан ортиқ илмий ишларни амалга оширди. 50 га яқин услубий қўлланма, 10 дан зиёд монография ва дарсликлар чоп эттирди, юзлаб шогирдлар тайёрлади. У кишининг Самарқанд тиббиёти илму амалиёти равнақи борасидаги хизматлари бениҳоядир.

## Бўрибоев Хўжамкул Бўрибоевич
## (1940-2007)
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти Социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедраси доценти



Х.Б.Бўрибоев 1940 йил 10 март куни Навоий вилояти Нурота туманида таваллуд топди. У 1967 йил Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетини битирган. 1967-1977 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти Социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида (ҳозир Самарқанд Давлат тиббиёт институти ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси деб номланади) ассистент, 1977-1983 йиллар катта ўқитувчи, 1984-2002 йиллар доцент бўлиб фаолият юритди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони кабул қилинди.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Фармондан руҳланган моҳир ва билимдон педагог 1998–2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясинининг мазмун-моҳиятини ўқитувчи-педагоглар ва тиббиёт олийгоҳи талабалари ўртасида кенг ёритишда жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, Фармонда кўзда тутилган бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-



Sam DTI
axborot-resurs markazi

профилактика муассасалари, босқичма-босқич пуллик тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари, 2001–2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, шифокор кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, 1999–2005 йилларда тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурлари каби вазифаларни моҳиятини олийгоҳ талабаларига чуқур тушунтиришга катта эътибор қаратди.

Шунингдек, 1999–2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртларининг даволаш факультетлари ҳузурида ўрта тиббий маълумот негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган олий малакали тиббиёт ҳамширалари (реаниматологлар, анестезистлар, жарроҳлик ҳамши-ралари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш бўлимларини очиш ва унинг ишини ташкил қилиш тадбирларида фаол қатнашди.

У «Ўзбекистонда безгак касалини тугатиш тарихи» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига ва доцент илмий унвонига эришган.

Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жамоат саломатлигини сақлашнинг долзарб масалаларига доир 80 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

## Исмаилов Кубай
## Самарқанд вилоят Қўшработ туман кўптармоқли марказий поликлиникасига қарашли стоматолигия поликлиникаси мудири



К.Исмоилов 1940 йил 15 март куни Самарқанд вилоят Қўшработ туманида таваллуд топган. У Ўрта мактабни битириб тиббиёт техникумида таҳсил олди ва тиш врачи мутахассислигини олди. 1962-1963 йилларда Қўшработ туман марказий шифохонаси тиш врачи, 1966-1967 йилларда эса Қўшработ туман марказий шифохонасига қарашли Бойтуп фельдшер-акушерлик пункти мудири вазифаларида ишлаб амалий кўникмаларга эга бўлди.

Тиббиёт техникумида олган билимларини янада бойитиш мақсадида 1967 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология куллиётига ўқишга кирди. Олийгоҳни 1972 йилда битириб, Қўшработ туман марказий шифохонаси врач стоматологи вазифасида илк врачлик фаолиятини бошлади.

1978-1990 йилларда Қўшработ туман марказий шифохонаси бош стоматологи этиб тайинланди. Бу лавозимда 12 йил давомида самарали меҳнат қилиб, туманда стоматология хизматини янада равнақ топишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини К.Исмоилов Қўшработ туман кўптармоқли марказий поликлиникасига қарашли Стоматология поликлиникаси раҳбари сифатида кутиб олди ва мана 26 йилдирки уни бошқариб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида оз мунча меҳнат қилмадими. Қўшработ тумани тиббиёти тизимида, бутун мамлакатимиз тиббиётида амалга оширган ва амалга оширилиб келаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун тинмай ишлади. Айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Қўшработ туманида аҳолига стоматология хизмати кўрсатишни ривожлантиришда катта ҳисса қўшган К.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги

“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652 сонли Қарорини кўтаринки руҳда қабул қилди. Чунки, карорда замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт кадрларига эга хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш талабларини ошириш кўзда тутилган эди.

Тажрибали мутахассис, моҳир ташкилотчи К.Исмоилов ҳозирги кунда янги ислоҳотлар даврида тиббиётда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни кўриб, кувониб яна улкан ишларни амалга оширишни кўзда тутиб келмоқда.

Оилали, 4 ўғил ва 2 қизи бор. 5 нафар фарзанди ота касбини танлаб тиббиёт соҳасида фаолият юритмоқда. Ўғиллари Исмоилов Азамат ва Исмоилов Ғайратлар стоматология поликлиникасида, Исмоилов Акбар эса Қўшработ касб-ҳунар коллежида тиш врачи, Исмоилов Шавкат Қўшработ туман тез тиббий ёрдам станцияси фельдшери, қизи Исмоилова Дилафрўз Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси сил касалликлари бўлимида ҳамшира бўлиб ўз бурчларини самарали бажариб келмоқдалар. Кенжа қизи Исмоилова Дилноз эса шарафли касб педагогликни танлаган ва шу туман мактабларидан бирида дарс беради.

## Гадаева Зевар Каримовна
## Самарқанд шаҳар 1-сон поликлиникаси врач педиатри, меҳнат фахрийси



З.К.Гадаева 1940 йил 14 апрель куни Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилган. У 1957-1964 йиллар мобайнида Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг педиатрия куллиётида таҳсил олган. 1964-2012 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳар 1-сон поликлиникасида врач-педиатр бўлиб

беминнат ишлаб келди. 2012 йилдан нафақага чиқди. Қарийб 50 йилга яқин умрини халқ саломатлиги йўлида бағишлади. Врач-педиатр сифатида айникса, болаларнинг саломатлигини сақлашдаги хизматлари бениҳоя.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони мавжуд соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур фармон асосида Самарқанд вилоятида соғликни саклаш тизимининг янги таркиби қисқа муддатларда шакллантирилди. Шу жумладан, Самарқанд шаҳар 1-сон поликлиникасида ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Қарордан руҳланган З.К.Гадаева Соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича самарали меҳнат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва

тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўрсатилган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш масалалари З.К.Гадаеванинг диққат эътиборидаги долзарб вазифаларга айланди. Тажрибали шифокор ўзига беркитилган ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб ижобий натижаларга эришди.

Кўпйиллик самарали ва беминнат хизматлари зое кетмади. Аҳоли ва тиббиёт жамоатчилиги ўртасида обрў-эътибор қозонди. У вилоят ва шаҳар раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

## Эшқобилов Жонхўроз
## (1941-2015 й.й)
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультети госпитал педиатрия кафедраси профессори, Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи



Ж.Эшқобилов 1941 йил Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида таваллуд топди. У Ўрта мактабни битириб, 1960 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни битириб, 1966 йилда илк меҳнат фаолиятини Самарқанд вилояти

Ғаллаорол туман (1973 йилдан бошлаб ушбу туман Жиззах вилояти таркибига кирган) марказий шифохонасида педиатр-шифокор сифатида бошлади. Билим салоҳиятини янада бойитиш мақсадида 1967 йилдан Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари кафедрасида клиник ординатурада таҳсил ола бошлади. У 1971 йилда номзодлик диссертациясини, 1982 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1997 йилда унга профессор илмий унвони берилди.

Ж.Эшқобилов институтда даволаш ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича декан вазифасида ишлаб, жамоат ишларида фаол иштирок этди. 1969 йилдан Самарқанд Давлат тиббиёт институти госпитал педиатрия кафедрасида ассистент, доцент, кафедра мудири, 2012 йилдан кафедра профессори лавозимларида фаолият кўрсатиб, ёш мутахассисларни тарбиялаш ва етук кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. 1995-1997 ларда Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарордан руҳланган педиатр олим Ж.Эшқобилов вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларида фаол иштирок этди. Айниқса, вилоятнинг олис туманларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни диспансеризация қилиш ва саломатлигини тиклаш борасида

самарали иш олиб борди. Шу билан бир қаторда мазкур қарорларнинг мазмун-моҳиятини профессор-ўқитувчилар ва олийгоҳ талабалари ўртасида кенг муҳокама қилди.

Меҳрибон мураббий, тажрибали педагог-ўқитувчи қаерда ишламасин доимо ишга масъулият билан ёндашар, ҳар қандай ёш мутахассисни тайёрлашда унинг самарали меҳнатини инобатга оларди. Фаолияти давомида 270 дан зиёд илмий ишлар, шу жумладан, 5 дарслик ва монографиялар, илмий мақолалар, услубий ва ўқув қўлланмалар чоп эттирди. Унинг раҳбарлигида 3 та докторлик ва 13 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Ж.Эшқобилов меҳнатлари муносиб тақдирланган. У Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг қатор фахрий ёрлиқлари ва дипломлари билан тақдирланган.

## Қаршиев Турдиқул
## Пастдарғом туман шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи



Турдиқул Қаршиев 1944 йил 20 март куни Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Тоз-Қумлон маҳалласида таваллуд топган. У 1951-1957 йиллар 5-сон етти йиллик мактабда, 1958-1961 йиллар Ленин номидаги 1-сонли ўрта мактабнинг 10 синфида сабоқ олди. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, 1963-1969 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олди.

Илк меҳнат фаолиятини олийгоҳни тугатиб, 1969 йил Қашқадарё вилоятининг Гузар туманидаги Кавчиқ қишлоқ участка шифохонасида бош врач сифатида бошлади ва 1975 йилгача шу лавозимда ишлаб келди. 1975-1976 йиллар Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари, 1976-1981 йиллар Яккабоғ туман марказий шифохонаси бош врачи

вазифасида меҳнат қилди. 1984-1986 йиллар Ингичка кон-металлургия тиббий-санитария қисмида бош врач, 1985-1986 йиллар Самарқанд вилоят Гўзалкент туман марказий шифохонаси бош врачи бўлиб ишлади. 1985-1986 йиллар Самарқанд вилоят касалхонасида ташкилий-услубий ишлар бўйича бош врач ўринбосари, 1986-1988 йиллар "Абу Али ибн Сино сиҳатгоҳи" бош врач ўринбосари бўлиб фаолият юритди. 2001-2003 йиллар Гўзалкент туман шифохонаси бош врачи, 2003-2005 йиллар Пастдарғом туман шифохонаси бош врачи вазифасида ишлади. 2005-2006 йилларда Пастдарғом туман шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди.

Турдикул ака институтни тугатгандан бошлаб дейарли 40 йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимининг турли поғоналарида раҳбарлик лавозимида ишлаб жуда катта тажриба орттирди. Доимо ўз устида ишлайди, изланади. Бир неча бор Тошкент шаҳрида ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтида малакасини оширди. Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг 1991 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти топшириғига биноан бир ой давомида тажриба алмашиш ва иш ўрганиш мақсадида Хитой халқ республикасида сафарда бўлди. Олий тоифали соғлиқни сақлаш ташкилотчиси малакасига эришди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларнинг барчасида тубислоҳотлар амалга ошириш кўзда тутилди. Шу жумладан, собиқ иттифоқ давридаги соғлиқни саклаш тизимини ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартириш зарурати туғилди. Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши энг аввало Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Республикада соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши учун том маънода мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий

хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги баён этилган. Фуқароларнинг мазкур Конституциявий ҳуқуқларини амалда таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг катор Қонунлари, Республикамиз Президентининг Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

1996 йил 29 августда "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кабул килинди. Қонунда фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фукароларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Буни яхши тушунган етук мутахассис Т.Қаршиев ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини авваламбор тиббиёт ходимларига, қолаверса аҳолига ҳам етказди.

Қишлоқнинг иктисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун кулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўгрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу карор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигига 1996 йил мобайнида фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бошка муассасаларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш ҳисобига қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳокимликлар билан биргаликда уларни малакали врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш ва 1996 йил 10 июнгача бўлган муддатда қишлоқ даволаш пунктлари фаолиятини ташкил этиш вазифаси топширилди.

Билимдон шифокор, моҳир раҳбар Т.Қаршиев Мустақиллик йилларида қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ва ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосига айланган Республика Президентининг қатор Фармон ва Қарорларини амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатди. Хусусан, Гўзалкент ва Пастдарғом туманларида қишлоқ врачлик пунктларининг барпо қилишда кўп ишлашга тўғри келди.

Т.Қаршиев шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармонини ҳаётга татбиқ этишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, мазкур Фармонда белгиланган даволаш-профилактика муассасаларида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказиш, 2001–2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор берди ва бу соҳада Гўзалкент туман бирлашган шифохонасида салмоқли натижаларга эришди.

Т.Қаршиевнинг кўпйиллик самарали меҳнатлари инобатга олиниб СССР "Соғлиқни сақлаш аълочиси", "Пугачов" ва Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медаллари ҳамда вилоят ва туман раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқлари ва дипломлари билан тақдирланган. Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 4 марта халқ депутатлари туман кенгашига ва 2 марта вилоят Кенгашига

депутат, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани фирқа қўмитаси бюро аъзоси этиб сайланган. Унинг Самарқанд вилоят соғликни сақлаш тизимининг равнақига қўшган ҳиссаси салмоклидир.

Оилали, 7 нафар фарзанди бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Катта ўғли Қаршиев Алишер 1970 йилда туғилган, катта қизи Қаршиева Умидабону 1973 йилда туғилган, ота касбини олиб шифокор бўлиб етишган.

## Қурбонова Ражаббиби
## (1946-2015 й.й)



Р.Қурбонова 1946 йил Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилди. У ўрта мактабни битиргач, 1964 йил Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кирди. Тиришқоқ ва билимга чанқоқ талаба 3-курсни битиргандан сўнг Самарқанд Давлат тиббиёт институти клиникаси 1-терапия бўлимида навбатчи ҳамшира вазифасида дастлабки меҳнат фаолиятини бошлади.

Р.Қурбонованинг беморларга меҳрибонлиги, касбига масъулияти каби ижобий хислатларини эътиборга олган олийгоҳ раҳбарияти уни шифохонада қолдиришга қарор қилди. Жумладан, у 1970 йил институтни тугатгач, клиниканинг терапия бўлимида врач-ординатор вазифасида иш бошлади.

Р.Қурбонова ушбу вазифада қарийб эллик йил давомида узлуксиз ва самарали меҳнат қилиб келди. Йиллар давомида олий тоифали врач-терапевт даражасига эришди. Ўз касбини мукаммал эгаллаган мутахассис меҳрибонлиги ва камтарлиги боис жамоа ҳамда халқ орасида чуқур ҳурмат қозонди.

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ, давлатимиз томонидан инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига катта эътибор қаратилиб, бу борада самарали фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимининг миллий модули

яратилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тубдан яхшиланди.

Айникса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилган тадбирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги халқимиз орасида касалликни эрта аниқлаш, олдини олиш ҳамда кўрсаткичларини камайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келди.

Аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармонининг қабул қилинди. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Фармондан руҳланган моҳир ва билимдон олий тоифали врач-терапевт 1998–2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясинининг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг ёритишда жонбозлик кўрсатган.

У ўзининг чуқур назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ишга солган ҳолда тиббиётда ислоҳотларни амалга оширишнинг фаол иштирокчиларидан бири сифатида танилган. Унинг кўпйиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланган. Самарқанд вилояти тиббиёти равнақига қўшган ҳиссаси каттадир.

**Маҳмудова Захра Мамедовна**
**Самарқанд вилоят "Она ва бола" скрининг маркази врач лаборанти**



З.М.Маҳмудова 1948 йил 8 февраль куни Туркманистон Республикаси Мари шаҳрида таваллуд топган. У Туркманистон Давлат Университетининг биология факультетини тамомлаган. Олийгоҳни тамомлаб врач-лаборант мутахассислигини олган. Илк меҳнат фаолиятини 1967 йил Туркманистоннинг Мари шаҳридаги 6-сон дорихонасида фармацевтликдан бошлаган. 1969-1970 йиллар 8-сон дорихонада ассистент, 1970-1971 йилларда Мари вилоят Давлат санитария-эпидемиология станцияси химик-лаборанти, 1975-1976 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси биоорганик химия бўлими инженери, 1976-1979 йилларда Мари вилоят Давлат санитария-эпидемиология станциясида врач-лаборант, 1980-1988 йилларда Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқхонаси реанимация бўлимида лаборант, 1988-1989 йилларда Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқхонасида врач-цитолог, 1989-1992 йилларда Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқхонасида врач-лаборант, 1992-1999 йилларда Самарқанд шаҳар 4-сон туғрукхонасида тиббий генетика бўлимида врач-лаборант, 1999-2005 йилларда Самарқанд вилоят скрининг марказида врач-лаборант бўлиб ишлади. 2005 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят "Она ва бола" скрининг маркази врач-цитогенетик мутахассислиги бўйича самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни

камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли “2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, сурункали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилини ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли “Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг юқорида кўрсатилган ҳуқуқий асосларидан руҳланган малакали мутахассис З.М.Маҳмудова уларни ҳаётда тадбиқ қилиш борасида самарали иш олиб бормоқда.

**Турдибеков Тўйчи Байдуллаевич**
**Самарқанд вилоят Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси врачлик маслаҳат комиссияси раиси**



Т.Б.Турдибеков 1948 йил 23 февраль куни Самарқанд вилоят Қўшработ туманида таваллуд топган. У ўрта мактабни битириб 1965-1971 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. Кейинчалик Самарқанд Давлат институтига ўқишни давом эттириб 1972 йили уни тамомлаган.

1972-1973 йиллар Самарканд вилояти Жиззах (1973 йилда Жиззах Самарқанд вилоятидан ажралиб чиқиб алоҳида вилоят мақомига эга бўлган) бирлашган шифохонасида интернатура ўтаган.

1975-1980 йилларда Самарқанд вилояти Нурота туман (ҳозир Навоий вилояти таркибида) Қўшработ кишлоқ участка шифохонаси врач-педиатри, 1980-1988 йўллари Қўшработ туман марказий шифохонаси бош врачининг меҳнат экспертизаси бўйича ўринбосари, 1988 йилда болалар бўлими мудири, 1989-1996 йиллар давомида Қўшработ туман марказий шифохонаси бош врачи лавозимларида ишлаган.

1996 йилдан ҳозирги вақтгача Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси врачлик маслаҳат комиссияси раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48 сонли Қарорлари қабул қилинганлиги мамлакатимиздаги барча тиббиёт ходимлари қатори, Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси ходимларини шулар қатори

Т.Б.Турдибековни ҳам кувонтирди. Фармон ва Қарорларда кўзда тутилган вазифаларни бажариш борасида самарали меҳнат қилди. Ҳозирги вақтда, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги даврида Президентимиз Фармон ва Қарорларининиг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда ва шулар асосида ўз фаолиятини ташкил қилиб келмоқда.

Оилали, 7 нафар фарзанди бор. 3 ўғил ва 4 қиз.

**Болғаев Абсодиқ Болғаевич**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкилаштириш ва умумий гигиена кафедраси профессор ўқитувчиси, тиббиёт фанлари доктори**



Болғаев Абсодиқ 1949 йил 26 май куни Самарқанд вилоят Қўшработ тумани Жўш қишлоғтда туғилган. 1956-1966 йилларда Қўшработ туман Халқ талиъмига қарашли Жўш қишлоғидаги 20 ўрта мактабда сабоқ олган. 1966-1972 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш куллиётида таҳсил олган. Институтни битириб икки йил мобайнида Қўшработ туман Жўш кишлоқ участка шифохонасида даволовчи врач бўлиб ишлаган.

1974 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Файзулла Хўжаев номли клиник шифохонаси нейрохирургия бўлимига врач-ординатор сифатида қабул қилинган. Кейинчалик Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг нейрохирургия курсининг ассистенти бўлиб ишлаш билан бир вақтда, илмий изланувчи сифатида иш юритди.

Кўп йиллик амалий педагогик фаолияти ва илмий изланишлари беҳуда ўтмади. Иқтидорли изланувчи олим илмий тадқиқотларининг натижаларини номзодлик диссертайиясида мужассамлаштирди ва 1983 йилда Украина Респупликаси пойтахти

Киев шаҳридаги Нейрохирургия илмий текшириш институтида, “Эпилепсияни даволашнинг комплекс усули” мавзусида номзодлик диссуртациясини муваффақиятли ёқлади. Унга 1984 йилда Собиқ иттифоқ Олий аттестация Комиссияси томонидан тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1986-1990 йилларда Ўзбекистон травматология-ортепедия илмий текшириш институти Умутқа поғонаси патологияси бўлимида катта илмий ходим бўлиб ишлади ва илмий изланишларини давом эттирди.

Тўрт йиллик илмий изланишлари натижасида 1990 йилда Украина Респупликаси пойтахти Киев шаҳридаги травматалогия-ортопедия илмий текшириш институтида “Бел умуртқаларининг синишини даволаш усуллари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришди. Собиқ иттифоқ Олий аттестация Комиссияси томонидан 1990 йилда унга тиббиёт фанлари доктори даражаси берилди. Шундан кейин самарқанга қайтиб келиб Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида болалар нейрохируогияси бўлимини ташкил қилди ва унга раҳбарлик қилди.

1997 йилдан бошлаб Қозоғистон Республикаси Туркистон шаҳрида очилган Қозоқ-турк университетининг медицина факультети хирургия кафедрасига конкурс асосида ишга ўтиб, кафедра мудири, профессори бўлиб фаолият кўрсатиб келди.

Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Қозоқ-Турк университети медицина факультети, хирургия кафедрасида ишлаш жараёнида қозоқ, ўзбек ёшларига илмий жиҳатдан изланишларига катта ёрдам берди. Бир нечта илмий ходимлар етиштириб чиқарди. Бир неча ўнлаб халқаро илмий конференцияларда қатнашиб маърузалар қилган. 100га яқин илмий мақолалар ва тавсияномалар чоп эттирган. Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия, Украина, Туркия, Америка нейрохирурглари, нейротравматологлари ассоциясининг аъзоси. Шунингдек, Қозоғистон ва Ўзбекистон халқ табобатчилари уюшмасига ҳам аъзо.

Профессор Абсодик Болгаевнинг, айникса, Халкаро илмий журналлар ва конференция тўпламларида чоп этилган, тиббиётнинг долзарб муаммоларига багишланган "К профилактике травматизма" ( материалы международной конференции. Туркистон 2000г.159-110 стр), "Использование естественнорекрационных ресурсов Самаркандского и Туристанского регионов для оздоровительный и туристической цели. Сервис и туризм управление и развития" (Международная конференция. Самарканд 2007 г. С 110-112 стр), "Тактика лечения дорожно-транспортных травм в условиях экологически неблагоприятных зонах" (Материалы международной конференции посвященной развитию транспорта. Казан 2009г. 154-156 стр), "К вопросу лечения спинальных травм" (Материалы международной конференции невропатологов и нейрохирургов. Шымкент. 2010 том 3. 69-71 стр), "Костно-пластическая ламин эктомия нее обосновсение. The osteplastic of lamietomy and TS substansion" (Материалы международной конференции нейрохирургов США, Ню-Йорк. 2012г. 41-43 стр), "Применение озонотерапии при лечении осложненных переломах позвоночника" (Материалы международной конференции нейрохирургов США. 2013г. 72-75 стр) каби илмий ишлари диккатга сазовор.

Ҳозирги пайтда, ёши 70дан ошганда карамасдан, профессор А.Б.Болгаев илмий изланишлар юритишда, фаол равишда илм ва билимга чанкок ёшларга ўз куч ва билимини аямасдан ёрдам ва маслаҳатлар бериб келмокда. Бу ҳакда у киши шундай ёзади:

Содиқий илм излаб дунёни кезди,
Сен берган меҳрни топа олмади,
Сендан олган илму билимларимни
Халкимизга бера олсам мен бахтиёрман,
Она шаҳрим, шоним, жоним, Самарканд!

"Ёшларга кандай маслаҳатлар берасиз?" деган саволга домла шундай жавоб бердилар: "Мен ёшларга ўз она тилини билиш билан

биргаликда инглиз, рус, хитой тилларини ҳам ўрганишларини истардим. Ахир халқимизнинг ажойиб мақолини яъни "тил билсанг, дил биласан", деган мақолини эсдан чиқармаслик керак. Хозирги пайтда ёшларга бу соҳада кенг имкониятлар яратилган, бундан ёшлар унумли фойдаланишлари керак", дейди домла.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда олийгоҳ талабаларини янги интерактив технологиялар асосида ўқитишни олиб бормоқда.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

**Эргашев Турди Норкулович**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон шифохона худудий поликлиникаси врач терапевт-инфекционисти**



Т.Н.Эргашев 1950 йил 10 март куни Самарқанд вилоят Ургут туманида таваллуд топган. У 1967-1968 йилларда Самарқанд Давлат университети қошидаги тайёрлов курси абитуриенти. 1968-1974 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 1974-1989 йилларда Жиззах вилояти Пахтакор туман марказий шифоханасига қарашли туман юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи, 1989-1990 йилларда Самарқанд туман марказий шифохонасига қарашли туман юқумли касалликлар шифохонаси бош врач ўринбосари, 1990-1993 йиллар Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бош инфекционисти, 1993-1994 йиллар Тайлоқ туман марказий шифохонаси бош врачи даволаш ишлари бўйича ўринбосари, 1995-2007 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Жартепа шифохонаси бош врач ўринбосари, 2007-2011 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Жартепа шифохонаси поликлиникаси мудири, 2011-2014 йилларда Ургут туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ички касалликлар бўлими мудири вазифаларида меҳнат қилган. 2014 йилдан буён Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон шифохонаси ҳудудий поликлиникаси врач терапевт-инфекционисти бўлиб ишлаб келмокда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофик ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқукларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иктисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш

тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида¨ ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Т.Эргашев Фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўзининг жамоаси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борди ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, Фармонда кўзда тутилган бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари, босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари, 2001–2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, шифокор кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, 1999–2005 йилларда тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурлари каби вазифаларни моҳиятини аҳолига чуқур тушунтиришга катта эътибор қаратди. Кўпйиллик самарали меҳнати натижасида тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида ҳурмат топди. Туман раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирланган.

Т.Н.Эргашев доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари” мавзусида малакасини оширди.

Оилали , 5 нафар фарзанди бор, 3 ўғил ва 2 қиз.

**Мурадов Умиркул**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири**



У.Мурадов 1951 йил 1 январь куни Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани Эсабой қишлоғида туғилган. У 1958-1965 йиллар Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли ўрта мактабда 8-синфгача, 1966-1967 йиллар Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 31-сонли ўрта мактабда ўқишни давом эттирди ва 10 синфини тугатди. 1968-1974 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетида таҳсил олди.

Иш фаолиятини 1974 йил Жиззах вилоят Бахмал туман санитария-эпидемиология станцияси эпидемиология бўлими мудирлигидан бошлади ва шу вазифада 1977 йилгача ишлади. 1977-1981 йилларда Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи, 1981-1989 йилларда Пастдарғом туман хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси бош врачи, 1993-2003 йилларда Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиологи бўлиб меҳнат қилди. 2003-2011 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири, 2011-2017 йиллар вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ташкилий-услубий бўлимида эпидемиолог бўлиб фаолият кўрсатди. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги “2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар орасида гельминтозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 9-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган ҳолда харид қилиши учун 600 млн. сўмдан ортиқ ажратиладиган

маблағлари ҳисобидан антигельминт препаратлари сотиб олиниши ва йилда 2 маротаба республиканинг барча 2-6 ёшли ва 7-10 ёшли болалар орасида дегельминтизация тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган. Қарорда белгиланган вазифаларни бажаришда Самарқанд вилоятида бир мунча ишлар амалга оширилган. Самарқакд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг паразитология бўлими мудири сифатида У.Мурадов шаҳар ва туман тиббиёт муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда ушбу долзарб масалаларни ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Мактабгача тарбия, мактаб ўқувчилари орасида гижжа касалликлари пайдо бўлиши ва тарқалишининг профилактикаси соҳасида тинмай тушунтириш ишларини олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маъданиятини янада ошириш бўйича Ўзбекистонда катта ишларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Экология масалалари, касалликларнинг олдини олиш, аҳолига соғлом турмуш ва ишлаб чиқариш шароитини яратиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш профилактиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда, юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий хизмат билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ана шулардан руҳланган тажрибали мутахассис сифатида у ҳозирги кунда ўз фаолиятини астойдил юритиб келмоқда.

I тоифали врач-эпидемиолог У.Мурадов малака ошириш мақсадида 1990 йил Украина Республикаси Харьков шаҳрида 1 ойлик малака оширган. Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 5 нафар фарзанди ва 11 нафар набираси бор.

**Зайниддинов Абдулло**
**Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси Қўшработ қишлоқ врачлик пункти мудири**



А.Зайниддинов 1951 йил 5 март куни Самарқанд вилоят Қўшработ туман Қовунчи маҳалласи Холбой қишлоғида таваллуд топган. У 1959-1968 йилларда Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 62-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1969 йил Самарқанд тиббиёт олийгоҳига ўқишга кириб, 1975 йил уни муваффақиятли тугатди. Илк меҳнат фаолиятини Каттақўрғон шаҳрида 1975 йилда бошлади. 1976-1983 йиллар давомида Қўшработ туман поликлиникаси мудири сифатида фаолият юритди. 1984-1995 йилларда Қўшработ туман марказий шифохонасига қарашли О.Қодиров Қишлоқ участка шифохонаси бош врачи, 1995-2002 йилларда Қўшработ туман марказий шифохонаси бош врачи, 2009-2011 йилларда Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимларида ишлади. Иш фаолияти давомида қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифат ва самарадорлигини янада яхшилашга интилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий

хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

А.Зайниддинов мазкур Фармон асосида туманда шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини ташкил қилиш, қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилиш, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ва саводхонлигини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда астойдил киришди. Тумандаги тиббиёт муассасалари моддий техника негизини мустаҳкамлашда диққат эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48 сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек,

тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва кайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

А.Зайниддинов, айниқса, ушбу Фармон ва Қарорни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида Қўшработ туманидаги даволаш-профилактика муассасаларини хатловдан ўтказиш, уларнинг айримларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, айримларини бузиб қайтадан қуриш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлашда фаол қатнашди. Ҳозирги кунда эса Қўшработ туман тиббиёт муассасалари замонавий тарзда таъмирланиб, зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Мунтазам равишда ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир неча бор ўз малакасини оширди. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2017 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Абдулло Зайниддинов 2011 йилдан ҳозиргача Қўшработ қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг тиббиёт соҳасидаги астойдил хизматлари зое кетмади. Тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида обрў-эътибор топди. 1983 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари сайловида Қўшработ ва Иштихон туманлари бўйича ташкил қилинган 127-сон сайлов участкаси комиссиясига киритилди. 1996-1999 йилларда халқ депутатлари Қўшработ туман Кенгаши депутати этиб сайланди. Туман ва вилоят раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирланди. Унинг кўкрагини "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" нишони безаб туради.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Турдиев Шавкат Турдиевич
## Самарқанд вилоят Пойарик туман Челак шаҳар шифохонаси бош врачи ўринбосари



Ш.Т.Турдиев 1951 йил 26 октябрь куни Пойарик тумани Челак шаҳрида таваллуд топган. 1958-1968 йилларда А.М.Горький номидаги 25-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. 1968-1974 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш куллиётида таҳсил олган. Олийгоҳни аъло баҳолар билан битириб, интернатура ўтаган.

1976-1979 йилларда Пойарик туман Ўрта Сайров қишлоқ участка шифохонасида даволовчи врач, 1979-1981 йилларда собиқ Челак туман марказий шифохонасига қарашли врачлик амбулаториясида участка терапевти, кейинчалик амбулатория мудири бўлиб ишлади. 1981-1991 йилларда Пойарик туман санитария-эпидемиология станцияси бош врачи, 1991-1997 йиллар Челак туман марказий шифохонаси реанимация-анестезиология бўлими мудири, 1997-2008 йилларда Челак туман марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари, 2008 йилдан бошлаб умрининг охиригача Пойариқ туман Челак шаҳар шифохонаси бош врачи ўринбосари лавозимларида фаолият юритди.

Ш.Т.Турдиев раҳбарлик даврида СЭС биноси қайта таъмирланиб, 8 та қўшимча хона, автосарой ва омборхона қурилди, кадрлар таркиби яхшиланди. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг катта қисми олий ва 1 тоифага эга бўлдилар. Ишчилар учун шароитлар яратилди. Фаолият кўрсатаётган санитария-гигиена, бактериология, паразитология лабораториялари қайта таъмирдан чиқарилиб, қўшимча асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди. Тумандаги назорат остида олинган болалар боғчалари ва мактаблар, овқатланиш, коммунал ҳамда саноат корхоналари каби объектларнинг санитария ҳолати анча яхшиланди. Аҳолини тоза водопровод ичимлик суви билан таъминлашда эътибор кучайди. Умуман тумандаги барча

ташкилотлар ва муассасалар устидан Давлат санитария назорати кучайтирилди.

Ш.Т.Турдиев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини жуда хурсандчилик билан кутиб олди. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармон ва қарорларини бажаришда жонбозлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Давлат дастурида 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, 2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, шифокор кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёжлар ҳамда 1999-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш киради. Ушбу фармондан руҳланган Ш.Т.Турдиев ўзи фаолият кўрсатиб турган Челак туман марказий шифохонаси жамоаси ва туман аҳолиси ўртасида фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиб берди. Челак туманида аҳолига

кўрсатилаётган малакали тиббий ёрдам сифати самарадорлиги анча ошди. Аҳоли саломатлиги кўрсатгичи яхшиланишига эришилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарор қабул қилди. Фаол жамоатчи Ш.Т.Турдиев мазкур қарорни моҳиятини аҳоли ўртасида ва шифохона жамоаси орасида кенг тарғибот ишларини олиб борди.

Қарорда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиши зарурлиги қайд этилган. Ушбу қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда Челак туман марказий шифохона бош врачи ўринбосари сифатида фаол иштирок этди.

Ш.Т.Турдиев қайси лавозимда ишламасин жамоат ишлари ва туман ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этди. Унинг ташаббуси билан ва ташкилотчилигида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Унинг тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланган. У "Халқ аълочиси" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг медали, туман ва вилоят тиббиёт ҳамда ҳокимият раҳбарлари томонидан қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирларган.

**Джуманов Бахтияр Джуманович**
**Самарқанд таянч тиббиёт коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари, Нуронийлар кенгаши раиси**



Бахтияр Джуманович 1953 йил 9 май куни Самарқанд вилояти Жомбой туманида ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Собиқ Иттифоқ Қуролли Кучлари сафида хизмат қилди. Шундан сўнг Каттақўрғон тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, уни фельдшер мутахассислиги бўйича тугатди.

1976 йилда Самарқанд шаҳри 1-сон шифохонасига қарашли тез ёрдам бўлимида фелдьшер вазифасидан бошлаган, 1976 йилда Самарқанд Давлат университети талабаси, 1977-1978 йилларда Вилоят санитария маорифи уйи инструктори, 1982-1984 йилларда Вилоят кардиология дисрпансери фелдьшери, 1984-1987 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юрти ётоқхона мудири, 1987-1992 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юрти ўқитувчиси, 1992-2000 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юртида ижтимоий фанлар кафедраси мудири, 2000 йилдан 2015 йилгача Самарқанд таянч тиббиёт коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари, 2015 йилдан то ҳозирги кунга қадар Самарқанд таянч тиббиёт коллежининг Нуронийлар кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли

“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Уларга 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, 2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, шифокор кадрлар ва бўлган қўшимча эҳтиёжлар ҳамда 1999-2005 йилларда киради. Мазкур фармон асосида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурларини амалга оширишда Бахтияр Джуманович фаол иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айникса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарор қабул қилди.

Қарорда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиши зарурлиги қайд этилган. Ушбу қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда Самарқанд таянч тиббиёт коллежининг

маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари сифатида фаол иштирок этди.

Кексаларни қўллаб-кувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий хаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Нуроний" жамғармасининг кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ – 2705-сон қарори қабул қилинди.

Фармон ва Қарорда кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилиши кексалар ва фахрийларни ёшларни тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятга жалб этишга, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, кекса ёшдаги одамлар, имконияти чекланган шахслар ва ёлғиз кексаларнинг турмуш шароитлари ва сифатини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини кенгайтиришга ёрдам беради. Мазкур фармон ва қарор асосида коллеж Нуронийлар кенгаши раиси сифатида Бахтияр Джуманович фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори Маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг

билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Қарорда амалга оширилиши зарур бўлган миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш каби вазифаларни коллежнинг маънавият ва маърифат бўйича етакчи мутахассиси Бахтияр Джуманович ўз фаолиятида дастуриламал қилиб олди ва шу борада астойдил иш олиб бормоқда.

Иш фаолияти даврида маънавий-маърифий ишлар соҳасида 33 ортиқ мақолалар шаҳар, вилоят ва республика матбуотларида чоп этилган, 10 ортиқ ҳаммуаллифликларда яратган услубий қўлланмалар, унинг раҳбарлиги остида 170 дан ортиқ тўгараклар ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони ва “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 6 нафар невараси бор.

## Ганиева Майре Газиевна
## Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлимида санитария врачи



М.Г.Ганиева 1953 йил 25 август куни Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғонида туғилган. У ўрта мактабни тугатиб, 1971-1973 йиллар Каттақўрғон тиббиёт коллежида ўқиди. 1973-1979 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-профилактика факультетида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 1979 йил Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачи бўлиб бошлаган ва ҳозирги кунгача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш микронутриент етишмаслигининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш юзасидан 2014 йилда вилоят бўйича 2 марта ташкил этилган “Соғлом бола ҳафталиклари” давомида 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болалар орасида витамин А саплементациясининг 22-23-турлари ўтказилди ва ҳар бир турда 991 мингдан ортиқ (99%) болаларга витамин А капсуласи берилди. 2015 йилда витамин А самплементациясининг 24-25 турларини ўтказиш учун ЮНИСЕФ томонидан ҳайрия йўли билан 5,3 млн. сўмлик 995 боғлам витамин А препаратлари ҳудудларга тақсимланди. У олий тоифали врач сифатида ана шу муҳим ва долзарб тадбирда фаол қатнашди.

Олиб борилаётган тадбирлар натижасида болаларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари яхшиланди, масалан кам вазнли болаларнинг фоизи 19 дан 5 га камайган. Миллий текширувлар таҳлили туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охирги 12 йилда камқонликнинг фоизи 60 дан 33,5 гача камайганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли “2015 – 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофик 2015–2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва 2015–2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдикланди. Ушбу қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун Самарқанд вилоятида ҳам чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Дастурни тузиш ва уни амалга ошириш ишларида М.Г.Ганиеванинг фаол иштироки бор. Ҳозирги кунда етук мутахассис, овқатланиш гигиенасининг билимдони сифатида у аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланишнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олишда олиб бораётган ишлари вилоят аҳолисининг соғлиғини муҳофаза илишда муҳим рол ўйнамоқда.

Олий тоифали врач М.Г.Ганиева доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани” мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 2 нафар фарзанди ва 3 нафар набираси бор.

**Абаев Ахмат Толгатович**
**Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи**



А.Т.Абаев 1953 йил Самарқанд вилоят Жомбой туман Газира қишлоғида туғилган. У 1976 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетини тугатган. Ўз меҳнат фаолиятини 1976-1978 йилларда Жиззах 1-сонли касалхонасида врач интерна сифатида бошлаган. Сўнгра хирург-анестезиолог бўлиб жарроҳлик бўлимида ишлаган. 1978-1981 йилларда Тошкент медицина институти 2-сон клиникаси 1-хирургия бўлимида хирург-ординатор бўлиб ишлаб ўз малакасини оширган.

1981 йил октябрь ойидан бошлаб Самарқанд вилоят Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлимида иш бошлаган. 1982 йилда шу бўлим мудири вазифасига тайинланган. 1983 йилда А.Т.Абаев Москва шаҳридаги А.А.Вишневский номли хирургия институтида малака оширган. 2011 йилдан янги ташкил қилинган шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, 2002 йилдан шошилинч тиббий ёрдам бўйича бош врач муовини вазифасига ўтказилган.

2003-2010 йилларда Самарқанд вилоят тиббий меҳнат экспертиза (ТМЭК) хизмати 10-сон туманлараро (Жомбой-Булунғур) ТМЭКида эксперт-жарроҳ вазифасида ишлаган. 2010 йилдан Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлимида жарроҳ бўлиб ишлаб келмоқда.

1983 йилда 1-тоифали, 1987 йилдан ҳозиргача олий тоифали жарроҳ. У кўп вақтини ва кучини малакали ёш кадрлар тайёрлашга бағишлади. Унинг раҳбарлиги ва ёрдамида учта олий тоифали жарроҳ етишиб чиқди. Ҳозир ҳам ёш кадрларга малакали устозлик қилмоқда.

А.Т.Абаев ва у бошчилик қилган жарроҳлик бўлими кўп қиррали меҳнат фаолиятини вилоятда намунали тиббий хизмат кўрсаткичлари Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва

тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Жомбой туман ҳокимияти томонидан кўп марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

А.Т.Абаев Тошкент врачлар малака ошириш институтида уч марта Самарқанд медицина институти врачлар малакасини ошириш факультетида беш марта малака оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширган.

## Жаматов Артикбой Умрзақович
## Самарқанд вилоят Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири



Артикбой Умрзақович Жаматов 1954 йилда Самарқанл вилоят Булунғур туманида туғилган. 1976-1982 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Даволаш факультетида таҳсил олган. 1982-1983 йилларда Самарқанд вилоят шифохонасида интернатура ўтаган. 1983-1988 йилларда Булунғур туман собиқ Красногвардейск совхози ҳудудида жойлашган қишлоқ участка шифохонаси амбулаториясида хирург, 1988-2000 йилларда Булунғур туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими врач-жарроҳи, 2000-2019 йилларда Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи бўлиб ишлаган. 2019 йилдан бошлаб ҳ.в.гача Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш даврида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилиб, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги анча ошди. Республика шошилинч тиббий ёрдам

марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ғоят катта маблағлар йўналтирилаётганига қарамасдан, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорти парки етарлича ташкил этилмаган. Айрим вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари томонидан ихтисослаштирилган автотранспортдан ноокилона ва мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, гараж хўжалиги ва транспортга техник хизмат кўрсатиш тизимлари суст ташкил этилган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд ихтисослаштирилган автотранспорт паркидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан жойлардаги соғлиқни сақлаш тизими ҳамда давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг жавобгарлигини тубдан ошириш, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 21 майдаги ПҚ-1114-сонли "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Артикбой Умрзақович ўз иш фаолиятида ушбу Қарорни дастуриламал қилиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган Ш.М.Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди. Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлиги, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва

ундан келиб чиқадиган вазифаларни тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилишда Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири сифатида Артикбой Умрзақович самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Артикбой Умрзақович иш фаолияти давомида ўзининг ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти ва ходимларини ўзига эргаштира олиш каби хислатларини тўла намоён этиб келмоқда. Қайси вазифада ишламасин, ўзининг билими ҳамда теран фикрлаш қобилияти билан аҳоли саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш жараёнларини тўғри ва самарали ташкил этиш борасида тиббиёт соҳасида ўзига хос мактаб яратди. У ўз касбига нисбатан талабчан, беморларга нисбатан ширинсўз. Одамларни тинглаб, доимо тўғри хулоса чиқаради. Жамоат ишларига фаол қатнашади.

Самарали меҳнатлари туфайли туман ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш раҳбарияти томонидан қатор фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланган.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор.

**Турсунқулов Раббимқул**
**Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Олқортепа қишлоқ врачлик пункти мудири**



Раббимкул Турсункулов 1954 йил 18 январь куни Самарқанд вилоят Булунғур туман Улуғбек жамоа хўжалиги Урохли қишлоғида тугилган. У 1961-1971 йиллар Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 8-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1971-1975 йиллар Самарқанд тиббиёт техникумида таҳсил олди. 1972-1974 йиллар собиқ иттифоқ армияси сафида ҳарбий хизматни ўтди. 1976-1982 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ўқиб, 1983-йилдан Булунғур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Улуғбек қишлоқ врачлик амбулаториясида бош шифокор

лавозимида ишлади. 1992-2005 йиллар Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосари, 2005-2009 йиллар Булунғур туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи лавозимларида фаолият юритди. 2014 йилдан бошлаб Булунғур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Олқортепа қишлоқ врачлик пункти мудири этиб тайинланди ва ҳозиргача ишлаб келмоқда.

Раббимқул Турсунқулов Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган вақтларида аҳоли ўртасида ичтерлама касаллиги бўйича эпидемиологик ҳолат бир мунча нохуш бўлди. Сабаби 1995 йилдан бошлаб қўшни Тожикистон Республикасининг Панжакент вилоятида ичтерлама (брюшной тиф) юқумли касаллиги аҳоли ўртасида кенг тарқалди. Асосий сабаби иттифоқ тарқалгандан сўнг ҳар хил уруш ва низолар туфайли иқтисоднинг пасайиши оқибатида халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар оқова сувларини зарарсизлантирмасдан, биологик тозаламасдан Зарафшон дарёсига оқизиши бўлди. Аҳолининг тоза водопровод суви билан таъминланмаган қатлами ичимлик ва хўжалик эҳтиёжи учун очиқ сув ҳавзаси Зарафшон дарёсидан фойдаланишга мажбур бўлди. Бу ўз навбатида аҳоли ўртасида юқумли ичак касалликларининг кенг тарқалишига олиб келди.

Ичтерлама касаллиги 1996-1998 йилларда Самарқанд вилоятининг аҳолиси ўртасида ҳам қайд қила бошланди. Сабаби Зарафшон дарёсининг Панжакент вилояти корхоналари томонидан ифлосланиши бўлди. Касаллик вилоятнинг Ургут, Самарқанд, Тайлоқ, Жомбой, Оқдарё, Пойариқ, Пастдарғом, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари, Самарқанд шаҳри аҳолиси ўртасида тарқалди. Айниқса Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган, тоза ичимлик суви билан таъминланмаган Булунғур тумани аҳолиси кўпроқ зиён кўрди.

Эпидемиологик ҳолат зудлик билан вилоят ва Булунғур туман фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясида кўриб чиқилди ва штаб ташкил қилинди. Туман тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликка гумон қилинган шахсларни аниқлаш, зарур бўлганда

шифохонага ётқизиш, касаллик олдини олиш учун бактериофаглар тарқатиш, аҳоли турар жойларининг санитария ҳолатини назорат қилиш ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш мавзусида турли хил санитария ташвиқот ишларини олиб бориш каби тадбирларни тезкор равишда олиб бордилар.

Шу билан бирга Булунғур туманининг Зарафшон дарёси қирғоғига яқин жойлашган, тоза ичимлик суви билан таъминланмаган аҳоли турар жойларида 10 дан зиёд артезиан қудуғи ковланиб, водопровод трубалари тортилди. 30 мингга яқин Булунғур туман аҳолиси ичтерламага қарши tifumVi вакцинаси билан эмланди. Вакцина самараси ҳамда олиб борилган ташкилий, хўжалик, тиббий ва санитария-эпидемиологик тадбирлар натижасида аҳоли ўртасида ичтерлама билан касалланиш так-тук тўхтади. Тажрибали шифокор ва моҳир ташкилотчи Раббимқул Турсунқулов ҳам ана шу тадбирларни ўтказишда фаол қатнашди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги 48 сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Раббимқул Турсунқулов туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

сифатида туманда соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича янгитдан ташкил қилишда фаол қатнашди. Юқоридаги фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ишида жонбозлик кўрсатди. Раббимкул Турсунқулов қайси лавозимда ишламасин тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида ўрнак бўлиб ишлади ва соҳа равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

I тоифали врач Раббимкул Турсунқулов мунтазам равишда ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир неча бор ўз малакасини оширди. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Булунғур туман кенгаши депутати этиб сайланган. Мустақилликнинг ўн йиллиги кўкрак нишони ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Оилали, 8 нафар фарзанди бор.

## Фармонов Эркин Эшбекович
## Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси ташкилий-услубий бўлими мудири



Эркин Фармонов 1954 йил 10 сентябрь куни Самарқанд вилоят Жомбой тумани Наймантепа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қозон қишлоғида таваллуд топган. У 1973-1979 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш куллиётида таҳсил олган. 1979-1980 йилларда

Самарканд Давлат тиббиёт институти 2-сон клиникасида интернатура ўтаган. Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Жомбой туман А.Қурбонов қишлоқ врачлик амбулаториясида врач-терапевт вазифасида бошлаган. 1982-1985 йилларда Жомбой туман Москва қишлоқ врачлик амбулаториясида мудир лавозимида, 1985-1987 йилларда "Правда" қишлоқ участка шифохонасида бош врач лавозимида, 1987-2002 йилларда Жомбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман поликлиникасида врач-терапевт вазифасида ишлаган.

2002 йилдан ҳозиргача Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси ташкилий-услубий бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлардан руҳланган Э.Фармонов туман тиббиёт бирлашмаси ташкилий-услубий бўлимининг раҳбари сифатида туманда соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича янгитдан ташкил қилишда фаол қатнашди. Юқоридаги фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини

тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ишида жонбозлик кўрсатди.

Эркин Фармонов қайси лавозимда ишламасин тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатиб ишлади ва соҳа равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди. Ҳозирги кунда тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлардан руҳланиб ташкилотчи раҳбар тиббиётнинг актуал муаммоларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. У туман раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Мавланов Тоштемир Мавлонович**
**Самарқанд вилояти Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси Саломатлик маркази врачи**



Т.М.Мавланов 1954 йил 23 октябрь куни Самарқанд вилоят Иштихон туман А.Навоий номли жамоа хўжалиги Каттакангли қишлоғида таваллуд топган. У 1974-1980 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш куллиётида таҳсил олган. 1980-1981 йилларда Каттақўрғон шаҳар шифохонаси жарроҳлик бўлимида интернатура ўтаган. 1981-1988 йилларда Иштихон туман марказий катталар поликлиникаси офтальмолог врачи, 1988-1990 йилларда Иштихон туман марказий шифохонаси кўз касалликлари бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади.

1990 йилда Иштихон туман марказий шифохонаси бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинланди. 1994 йилдан бошлаб яна шифохона кўз касалликлари бўлимига раҳбарлик қила бошлади.Самарали меҳнатларини ҳисобга олиб туман ва вилоят раҳбарияти уни Иштихон туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи лавозимига тайинлашди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий

тузилмани шакллантириш, касалликлар таркалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги карори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари кабул килинди. Иштихон туман тиббиёт бирлашмасининг раҳбари сифатида ушбу қарорни амалга ошириш учун самарали меҳнат қилди.

Тоштемир Мавлонович 2013 йилдан ҳозирги вақтгача Иштихон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Саломатлик марказида фаолиятини давом эттириб келмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарканд вилоят бўлимининг Иштихон туман бўйича бошланғич ташкилоти раиси вазифасини жамоатчилик асосида бажариб келмоқда. У 2016 йилда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Конференцияси делегатлигига Самарқанд вилоятидан сайланган.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор. 3 ўғил ва 3 қиз. 3 нафар фарзанди ота изидан бориб тиббиёт соҳасини танлаган. Қизи Гулнора Тоштемировна Маланова Иштихон туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира, ўғли Аслиддин Тоштемирович Мавлонов офтальмолог врач, қизи Рухсора Тоштемировна Мавланова ҳамшира бўлиб халққа беминнат хизмат қилиб келмоқдалар.

**Муродкосимов Саидолим Муродқосимович**
**Самарқанд вилоят ОИТСга қарши кураш маркази**
**эпидемиология бўлими мудири**



С.М.Миркосимов 1955 йил 15 январь куни Самарқанд вилояти Иштихон тумани Зарбанд жамоа хўжалиги Бойтуби қишлоғида таваллуд топган. У 1972-1978 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетида таҳсил олди ва врач-эпидемиолог мутахассислигини олди. 1978-1979 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология станциясида (ҳозир Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази-ДСЭНМ) врач-эпидемиолог бўлиб ишлади.

1979-2010 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтида фаолият кўрсатди. 30 йилдан зиёд вақт мобайнида педагогик фаолият билан шуғулланиб аввал ассистент, кейинчалик доцент лавозимига сазовор бўлди. 1990 йил "Аммофос ўғити ишлаб чиқаришдаги зарарли газларнинг болалар организмига таъсири ва профилактика" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади ва тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эришди. 1995 йилда эса унга доцент илмий унвони берилди. Олийгоҳнинг "Гигиена ва экология" кафедрасида ишлаб 30 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди.

2004 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят ОИТС (Орттирилган иммун танқислиги синдроми)га қарши кураш маркази эпидемиология бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Айни вақтда ер юзидаги барча давлатларни ташвишга солаётган ОИВ/ОИТС муаммоси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти аср вабоси деб аталмиш ушбу офатга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш учун қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Шулар қаторида ОИВ/ОИТСга қарши кураш

тадбирларининг ҳуқуқий асосини яратиш ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1023 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ инфекциясига қарши кураш стратегик дастури, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 10 сентябрдаги "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги "2014–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори каби муҳим ҳужжатлар киради.

Бугунги кунда дунёни ларзага солаётган ОИТС (Орттирилган Иммун Танқислиги Синдроми) ўзининг кенг тарқалиши билан Соғлиқни сақлаш соҳасининг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти)нинг маълумотига кўра, дунёда 34 миллиондан ортиқ киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, хар йили уларнинг сафига 2,7 миллион одамлар қўшилади ва 2 миллионга яқини бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Ушбу ҳужжатлар ва "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги 2013 йил 23 сентябрдаги 353-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2013–2017 йилларда ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича стратегик дастур қабул қилингани бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Вилоят ОИТС маркази ходимлари қатори марказнинг эпидемиология бўлими мудири, хам олим, ҳам мутахассис врач сифатида С.М.Муродқосимовнинг ҳам хизматлари талайгина.

Оилали, 4 нафар ўғил фарзанди бор. Ўғли Муродқосимов Шерзод Сайдолимович ота изидан бориб тиббиёт

мутахассислигини танлади. Ҳозирда Самарқанд вилоят кўптармоқли болалар шифохонаси поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишламоқда.

## Рахимов Юсуп Турсунович
## Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маскани овқатланиш гигиенаси бўлими мудири



Ю.Т.Рахимов 1955 йил 10 февраль куни Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод маҳалласи Қатағон қишлоғида туғилган. У 1963-1973 йилларда Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 55-сонли ўрта мактабда сабоқ олди. 1973-1979 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетида ўқиди. 1979-1980 йилларда олийгоҳдан кейинги интернатурани ўтаб, амалий кўникма ва назарий билимларини янада бойитди.

1980 йилдан бошлаб врач-эпидемиолог, врач-паразитолог, 1983 йилдан бошлаб эса санитария врачи бўлиб меҳнат қилди. 1996 йилдан бошлаб Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири сифатида фаолият олиб бормоқда. У малакали санитария врачи сифатида кўпйиллик тажрибага эга. Вилоят аҳолиси ўртасида овқатдан заҳарланишлар ва турли хил юқумли ва ўта юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олишда кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Назорат остидаги умумий овқатланиш ва савдо объектларида Давлат санитария меъёр ва қоидаларига амал қилишни доимо қаттиқ назорат қилиб боради. Ушбу соҳа ходимларининг тиббий ва профилактик саводхонлигини оширишда доимо жонбозлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг Олий мажлис томонидан 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

қабул қилинди. Мазкур қонун жами 6 бўлим ва 32 банддан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бандлари муайян масалаларга бағишланган. Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, Давлат санитария назорати бу – санитария ва эпидемиология хизмати томонидан санитария қонунчилигини бузишнинг олдини олиш, бузиш ҳолларини аниқлаш, огоҳлантириш билан боғлиқ фаолият бўлиб, ушбу қонун воситасида тартибга солиб борилади. Ю.Т.Рахимов Қонуннинг ушбу талаблари мазмун-моҳиятини бобма-боб вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари ва назорат остидаги объектларда ишловчи ходимларга тушунтириб, улар билан бир неча ўқув-амалий семинарлар ўтказди.

Ўзининг назарий билимларини ва амалий кўникмаларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтида малакасини оширди. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани” мавзусида малакасини оширди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган талаба ёшларнинг “Универсиада-2004” республика миқёсидаги спорт мусобақалари ҳамда 1997, 1999, 2001, 2003, 2005, 2007, 2009, 2011, 2013, 2015, 2017 йилларда Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа Фестивалининг минглаб иштирокчиларининг санитария-эпидемиологик хотиржамлиги таъминлашда Ю.Т.Рахимовнинг ҳам муносиб хизматлари бор. Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши

учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, жойларда фаолият юритаётган санитария назорати пунктлари томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизими бажарилаётир. Албатта, бу тадбирларни амалга оширишда Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси масъул ходими Ю.Т.Рахимовнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Кўпйиллик ва самарали меҳнати эвазига вилоят раҳбариятининг қатор фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор.

## Расулов Сайдулла
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори



Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия кафедраси доценти, тиббиёт фанлар доктори Сайдулла Расулов ўзининг қирқ йилдан ортиқ фаолиятини болаларда микроэлементозлар муаммосини республика миқёсида ўрганиш орқали уни илмий жиҳатдан тарғиб қилиб келишга бағишлаган олимлардан биридир.

Олимнинг яни бир хусусияти шундаки, у тиббиёт соҳасида эришган барча амалий ва илмий ютуқларини бевосита қишлоқда яшаб қўлга киритди. Мухими, С.Расулов томорқасида етиштирилган мева ва сабзавотларнинг микронутриентлар

шакллантириш, турли хил касалликларнинг, айниқса, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни ўтказишда жонбозлик кўрсатди.

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари, олийгоҳ ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг кийиниш одоби ва муомала маданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ва "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 апрелдаги соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг бошқарув аппарати, вазирлик тасарруфидаги тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ташкилот, корхона ходим ва талабаларининг "Одоб-ахлоқ қоидалари" тасдиқланди. Коллеж директори Эркин Омонтошевич биринчилар қаторида ушбу қоидаларнинг мазмун-моҳиятини коллеж талабалари ва педагогик жамоа ўртасида тушунтириш ишларини бошлади ва ҳозирги кунда фаоллик билан давом эттирмоқда.

Ҳозирги кунда талабаларга дарс бериш жараёнида, ислоҳотларнинг янги даврининг ҳуқуқий асоси саналмиш соҳага оид Президент Фармон, Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган дастурлардан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш

кабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иктисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган максадли дастурларини жорий этиш, тармокларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Иқтидорли педагог Х.Х.Ҳакимова ҳозирги вақтда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш ушбу қарорлар асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Айниқса, талабаларга дарс бериш жараёнида интерактив технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим беришни йўлга қўйган.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. 6 марта малака оширишда бўлган. Охирги марта 2017 йил январь-февраль ойларида Тошкент Тиббиёт Академияси қошида ташкил қилинган махсус педагогларни малакасини ошириш марказида малака оширди. Юқоридаги қарорлардан руҳланган билимдон педагог талабаларни янги технологиялар асосида ўқитишни олиб бормоқда.

У фаолияти даврида 70 дан зиёд илмий мақола ва 20 дан ортиқ илмий-услубий тавсияномалар тайёрлади ва чоп эттирди.

2011 йилда ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Самарқанд вилоят ҳокимининг ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг жамоатчилик ишларида фаол қатнашганлиги учун фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланган. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарканд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан мукофотланган.

Оилали, бир нафар фарзанди ва бир нафар набираси бор.

институти педиатрия факультетида таҳсил олган. 1979-1980 йиллар Самарқанд вилоят касалхонасида интернатура ўтади.

1981-1986 йиллар 1-шаҳар шифохонасида врач-ординатор бўлиб ишлади. 1986-1992 йиллар Самарканд Давлат тиббиёт институтида ассистент, катта ассистент. 1992-2013 йиллар олийгоҳнинг Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири бўлиб меҳнат қилди. 2014 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд Давлат тиббиёт институти Врачлар малакасини ошириш факультети курс мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

2015-2018 йилларда юқумли касалликлар фани бўйича ўқув дастурлар, ишчи дастурлар, ишчи ўқув режалар яратди ва 200га яқин презентациялар ва очиқ дарслар видеороликларини яратишга муваффақ бўлди. Билимдон, малакали педагог, ҳам врач, ҳам олим сифатида танилган М.Қ.Ярмуҳамедова 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи ҳисобланади. Тиббиётнинг турли долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

Ҳозирги кунда талабаларга дарс бериш жараёнида, ислоҳотларнинг янги даврининг ҳуқуқий асоси саналмиш соҳага оид Президент Фармон, Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган дастурлардан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, М.Қ.Ярмуҳамедова давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сонли "Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини мамнуният билан қабул қилиб ўз педагогик фаолиятини мазкур Қарорлар асосида олиб бормоқда.

М.Қ.Ярмуҳамедова иш юзасидан Туркия давлати, Россия давлатининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида конференцияларда қатнашган. У илмий ишларини тўплаб

номзодлик диссертациясини ёқлади ва унга Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси ҳамда доцентлик илмий унвони берилди.

Узоқ йиллик самарали ва беминнат меҳнатлари сабабли Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлими "Ассоциация фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 6 нафар набираси бор.

## Намозов Шухрат Гайбуллаевич
## Самарқанд вилоят Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Болалар бўлими шифокори



Ш.Г.Намозов 1955 йил 30 апрель куни Самарқанд вилояти Булунғур туманида зиёлилар оиласида таваллуд топган.

1972-1978 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Педиатрия факультетида таҳсил олган. 1978-1979 йилларда Самарқанд вилоят шифохонаси Педиатрия бўлимида интернатура ўтаган. 1979-1980 йилларда Самарқанд вилоят Булунғур туман марказий шифохонасига қарашли Болалар поликлиникаси иммунолог врачи, 1980-2014 йилларда Самарқанд вилояти Булунғур туман Тиббиёт бирлашмаси Болалар бўлими мудири. 2014 йилдан ҳ.в.гача Самарқанд вилоят Булунғур туман Тиббиёт бирлашмаси Болалар бўлими шифокори бўлиб ишлаб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ш.Г.Намозов ушбу қарор асосида соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш бўйича самарали меҳнат қилди.

Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ш.Г.Намозов Қарорда кўрсатилган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш масалаларини долзарб вазифалар қаторига қўйиб, ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантирди. Малакали шифокор ўзига бириктирилган ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, самарали натижаларга эришди.

Юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда белгиланган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Ноинфекцион касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-кувввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Ш.Г.Намозов малакали шифокор сифатида Булунғур туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида фаол ишлаб келмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Опалари: Утушова Максуда

Россия давлати Москва шаҳридаги Педиатрия шифохонасида педиатр бўлиб ишламоқда; Хакимжанова Венера Гайбуллаевна Пенсияда (Самарканд шаҳри 3-сон поликлиникаси врачи бўлиб ишлаган); Намазова Феруза Гайбуллаевна 2018 йил вафот этган (Тошкент шаҳри 3-сон поликлиникаси мудири бўлиб ишлаган).

**Алимов Ибодулло Гайбуллаевич**
**Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси режали жарроҳлик бўлими мудири**



И.Г.Алимов 1955 йил 17 декабрь куни Самарканд вилояти Каттакўрғон туманида туғилган. У ўрта мактабни тугатиб, 1973 йил ушбу олийгоҳнинг даволаш куллиётини тамомлади. 1980-1981 йилларда Жиззах вилояти Ғаллаорол туман поликлиникаси жарроҳи, 1981-1982 йиллар мазкур туман болалар поликлиникаси мудири бўлиб меҳнат килди.

1982 йил Самарқандга қайтиб келиб, Каттақўрғон туман бирлашган шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими врачи, кейинчалик 1983-2001 йиллар мобайнида Каттақўрғон туман бирлашган шифохонаси хирургия бўлимининг хирург-врачи, 2001-2013 йилларда Каттақўрғон туман бирлашган шифохонаси (2008 йилдан бошлаб Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси) шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими хирурги бўлиб ишлаб келди. 2013 йилда Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси режали жарроҳлик бўлими мудири этиб тайинланди ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият олиб бормоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ғоят катта маблағлар йўналтирилаётганига қарамасдан, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорти парки етарлича ташкил этилмаган.

Маълумки, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 21 майдаги ПҚ-1114-сонли "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Моҳир жарроҳ И.Г.Алимов шошилинч тез тиббий ёрдам ходими сифатида ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилди ва ўз фаолиятини ана шу асосида ташкил этди.

Оилали. 5 нафар фарзанди бор: 2 ўғил ва 3 қиз. Турмуш ўртоғи Алимова Жамила Абулқосимовна Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўптармоқли поликлиникаси врач акушер-гинекологи. Қизи Алимова Дилфуза Ибодуллаевна ота касбини эгаллаб Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлими акушери. Ўғли Алимов Жўрабек Ибодуллаевич ҳам ота изидан бориб врачлик касбини танлаган.

**Тоғаев Мамир Сатторович**
**Самарқанд вилоят Булунғур туман**
**тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири**



М.С.Тоғаев 1956 йил 6 февраль куни Самарқанд вилоят Булунғур туманида туғилган. 1975-1981 йиллар Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтида таҳсил олган. Талабалик чоғида назарий билимларини амалиёт билан бойитиш мақсадида Тошкент шаҳар 5-сон болалар шифохонасида тиббиёт биродар (медбрат) бўлиб ишлаган. 1981-1982 йиллар Самарқанд вилоят шифохонасида интернатура ўтаган. 1982-1990 йиллар Самарқанд вилоят Булунғур туман Марказий шифохонаси оналик ва болаликни мухофаза қилиш бўйича бош врач ўринбосари, 1991-1998 йиллар мазкур муассаса раҳбарининг даволаш ишлари бўйича муовини лавозимида фаолият кўрсатган. 1998-2002 йилларда Булунғур туман Марказий шифохонасининг

ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли карорлари соғликни саклаш соҳасида ислоҳотларни янада чукурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар таркалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш максадида қабул қилинди.

Қарорда соғликни саклаш тизимини ислох килишни янада чукурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга ҳамда ўрта тиббиёт ходимларига нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш белгилаб қўйилган. Ахмаджон Нуъмонович ушбу қарорни бажариш борасида астойдил фаолият олиб борди.

Унинг таълим тарбиявий маънавий-маърифий ишларидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг "Фахрий ёрлиғи" ва Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг «Фидойи мураббий» кўкрак нишони, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари ҳамда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи маъмуриятининг қатор «Фахрий ёрлиқ»лари ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

Оилали, 1 нафар фарзанди ва 4 нафар невараси бор.

У 70 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Фақат 2018 йилнинг ўзида мамлакатимизда тиббиёт соҳасида янги ислоҳотлар даврида "Самарқанд вилоятида фармацевтика соҳасида янги ислоҳотлар", "Шошилинч тиббий ёрдам соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даври" ва "Маънавий-маърифий ишлар янги ислоҳотлар даврида" мавзуларида услубий қўлланмалар чоп-эттирди.

Айни вақтда «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида соғлиқни сақлашнинг равнақи» мавзусида диссертация ишини курс мудири т.ф.н., Н.И.Ходжаев раҳбарлигида олиб бормоқда. Самарқанд вилоят тиббиёти илму амалиёти ривожига қўшган муносиб ҳиссаси эътиборга олиниб, вилоят ҳокимлиги ва институт рахбариятининг Фахрий ёрлиғи ҳамда Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан тақдирланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор: бир ўғил, бир қиз.

**Раджабов Хўжамберди Ўсарович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири**



Х.Ў.Раджабов 1959 йил 1 март куни Самарқанд вилоят Ургут туманида таваллуд топган. У 1978-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1985-2003 йиллар Абу Али ибн Сино амбулаторияси участка врачи, 2003-2006 йиллар Ургут туман 3-сонли шифохонаси болалар бўлими мудири вазифасида ишлади. 2006-2016 йиллар Ургут туман 3-сонли шифохонаси терапия бўлими мудири бўлиб хизмат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

М.С.Тоғаев малакали шифокор сифатида Булунғур туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида фаол ишлаб келмоқда.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

**Наимова Зайнаб Саттаровна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси "Умумий гигиена ва экология" курси мудири**



З.С.Наимова 1956 йил 7 мартда Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Дўстлик жамоа хўжалиги худудидаги Чордара қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. У 1963-1973 йиллар мобайнида Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли Мирзо Улуғбек номидаги 2-сон ўрта мактабда сабоқ олди. Мактабни олтин медал билан тугатиб, 1973 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1979-1981 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти гигиена кафедрасида стажер-тадқиқотчи бўлди.

1981-1990 йилларда шу кафедрада ассистенти, 1990 йилдан то ҳозирга қадар эса катта ўқитувчи-курс мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У институтнинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келади. (Турли илмий кенгашлар котибаси, педиатрия факультети хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари, ўқув бўлимида услубчи бўлиб ишлаган). Ҳозирги пайтда гигиеник фан йўналиши бўйича

тармоқ илмий-услубий кенгаши (ТИУК), институт марказий илмий-услубий кенгаши (МИУК) котибаси саналади.

“Ижтимоий саломатлик ва умумий гигиена ”кафедраси катта ўқитувчи З.С.Наимова “Гигиена ва экология”, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш асослари”, “Тиббий профлактика асослари”фанларидан сабоқ-маърузалар, амалий машғулотларни даволаш (корея талабалари гуруҳи), педиатрия, тиббий педагогика, олий ҳамширалик иши, стоматология факультетлари талабаларига ўзбек ва рус тилларида олиб бормоқда. Гигиена фан йўналиши бўйича ўқув услубий тавсияномалар, мажмуалар яратишда, институтда замонавий модулли ўқитиш тизимида фаол қатнашмоқда, “Гигиена ва экология” фанидан модератор.

“Ижтимоий саломатлик ва умумий гигиена” кафедрасида, институтнинг жамоат ишларида, ижтимоий ҳаётида 1979 йилдан бошлаб фаол иштирок этиб келади. Жумладан, бир неча йиллар давомида педиатрия, стоматология факультетлари хотин-қизлар қўмитаси раиси, қабул комиссиясида, давлат якуний атестацияда техник ходим, “Узлуксиз таълимда барқарор экологик тарбия” дастурида ишчи гуруҳ аъзоси, педиатрия факультети илмий кенгаши, марказий илмий услубий кенгаши – МИУК котибаси, ўқув бўлими услубчиси бўлиб фаолият кўрсатди.

«Мактаб ёшдаги болаларнинг турли экологик шароитида жисмоний ривожланиш даражаси ва иммунологик кўрсаткичлари» мавзусида номзодлик диссертация ишини олиб бормоқда. Ушбу мавзу бўйича 6 та мақола чоп эттирган.

Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўтказилган 10дан зиёд халқаро илмий-амалий конференцияларга қатнашган. Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Ленинград (ҳозир Санкт-Петербург), Тошкент шаҳарларида 7 марта малака оширди.

З.С.Наимова жами 100дан зиёд илмий ишлар муаллифи, шундан 33та ўқув-услубий қўлланма ва тавсиянома, 30та мақоласи чоп этилган, шундан 11 таси Республика аҳамиятига моликдир.

Самарканд тиббиёти илму амалиёти равнакига муносиб хисса қўшганлиги эътиборга олиниб вилоят ҳокимлиги ва институт раҳбарияти томонидан Фахрий ёрликлар билан ҳамда Ўзбекистон врачлар ассоцияцияси Самарканд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан такдирланган.

**Нурбаев Эркин Омонтошевич**
**Самарканд вилоят Пахтачи тиббиёт коллежи директори**



Нурбаев Эркин Омонтошевич 1956 йил 5 сентябрда Самарканд вилояти Пахтачи туманида колхозчи оиласида туғилди. 1963 йил Пахтачи туман халк таълими бўлимига карашли 11-ўрта мактабга ўқишга бориб, шу мактабни 1973 йилда аъло баҳоларга тугатди.

1973 йилда Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Медицина Педиатрия институтига ўкишга кабул килиниб, шу институтни 1979 йилда врач педиатр мутахассислиги бўйича тамомлади. Интернатурани мутахассислиги бўйича Тошкент шаҳрида ўтади.

Талабалик даврида (1976-1979) Тошкент шаҳридаги 17-клиник шифохонаси реанимация бўлими анестезист-фельдшери бўлиб ишлади. Интернатурани тугатиб, яна Самарқанд шаҳрига қайтиб келди. 1981-1983 йилларда Самарканд вилояти 1-сон бирлашган шифохонаси реанимация ва анестезология бўлими врач анестезологи,1983-1991 йилларда Самарқанд вилояти 1-сон бирлашган шифохонаси касалхонаси қон-томирлар жарроҳлиги бўлими мудири, 1991-1999 йилларда Самарқанд вилояти 1-сон бирлашган шифохонаси микрожарроҳлик бўлими мудири, 1999-2000 йилларда Самарқанд вилояти саломатлик маркази бош шифокори ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди.

Амалиётчи врач сифатида етарли даражада кўникмаларга эга бўлган моҳир шифокор Эркин Омонтошевич даволаш ишларини педагогик фаолият билан бирга олиб бориш мақсадида 2000-2007 йилларда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд

вилоят филиали қон-томирлар жарроҳи, Самарқанд Давлат Тиббиёт институти госпитал хирургия кафедраси ассистенти, 2007-2014 йилларда Самарқанд Давлат Тиббиёт институти 6–7-курслар Хирургик касалликлар ва урология кафедраси ассистенти бўлиб ишлади.

Ўқиш ва иш фаолиятида зарур назарий билим ва кўникмаларга эга бўлган Эркин Омонтошевични Республика ва вилоят раҳбарияти 2014 йилда Самарқанд вилоят Пахтачи тиббиёт коллежи директори лавозимига тайинлашди ва у ушбу лавозимда ҳозирги вақтгача фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун, айниқса, аҳолига кўрсатилаётган малакали тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида тиним билмай меҳнат қилди. 1999-2000 йиллар Республикада Саломатлик институти, шу жумладан, Самарқанд вилоятида унинг филиали, шаҳар ва туманларда эса саломатлик марказлари ташкил қилинди. Вилоят саломатлик маркази бош врачи ўринбосари сифатида Эркин Омонтошевич Республика Саломатлик институти Самарқанд вилоят филиалини ташкил этишда баҳоли қудрат хизмат қилди.

Вилоят шифохонаси жарроҳи сифатида юзлаб беморларга операциялар ўтказиб, уларни дардидан фориғ этиб оиласи қучоғига қайтарди. Самарқанд вилояти саломатлик маркази бош шифокори ўринбосари сифатида эса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини

шакллантириш, турли хил касалликларнинг, айниқса, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни ўтказишда жонбозлик кўрсатди.

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари, олийгоҳ ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг кийиниш одоби ва муомала маданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ва "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 апрелдаги соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг бошқарув аппарати, вазирлик тасарруфидаги тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ташкилот, корхона ходим ва талабаларининг "Одоб-ахлоқ қоидалари" тасдиқланди. Коллеж директори Эркин Омонтошевич биринчилар қаторида ушбу қоидаларнинг мазмун-моҳиятини коллеж талабалари ва педагогик жамоа ўртасида тушунтириш ишларини бошлади ва ҳозирги кунда фаоллик билан давом эттирмоқда.

Ҳозирги кунда талабаларга дарс бериш жараёнида, ислоҳотларнинг янги даврининг ҳуқуқий асоси саналмиш соҳага оид Президент Фармон, Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган дастурлардан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш

мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сонли “Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини мамнуният билан қабул қилиб ўз педагогик фаолиятини мазкур Қарорлар асосида олиб бормоқда.

Хирургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган бир неча Халқаро анжуманларга ҳамда Республика микёсидаги конференция ва семинарларга қатнашган ва маъруза қилган. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада ошириш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малака ошириш курсларини ўтаган.

Эркин Омонтошевичнинг тиббиёт соҳасида қилган ишлари зое кетмади. У Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилоят хокимлиги томонидан қатор фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди: 2 ўғли ва1 қизи бор.

## Холиқов Нарзулло
## Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Чангал қишлоқ врачлик пункти мудири



Холиқов Нарзулло 1956 йил 10 октябрь куни Самарқанд вилоят Булунғур туман Ҳамид Олимжон жамоа хўжалиги Чангал маҳалласида таваллуд топган. У 1963-1973 йиллар Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1984 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини битириб, Самарқанд Далат тиббиёт институти клиникаси болалар бўлимида интернатура ўтди. 1985-2009 йиллар Булунғур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Алишер Навоий номли қишлоқ врачлик

амбулаторияси кейинчалик қишлоқ врачлик пунктида фаолият кўрсатди. 2010 йил Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Чангал қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимига тайинланди ва ҳозиргача меҳнат қилиб келмоқда.

Мамлакатамиз Мустақилликка эришгандан сўнг, тиббиёт тизимини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан ўзгартириш масаласи кун тартибида турар эди. Ана шуни назарга олиб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қатор Фармон ва Қарорлари чиқди. Уларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Н.Ҳолиқов қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи ҚВПларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4-4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли,

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишдир. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпрогига тўгри келишини яхши тушунган Чангал қишлоқ врачлик пункти мудири Н.Холиқов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришни ўз фаолиятининг асосий мезони деб билиб келмоқда.

У мунтазам равишда ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўкув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини бойитди.

2010 йилда Чангал қишлоқ врачлик пункти қурилишида ва фойдаланишга топширишига хизмат қилган. 2012 йил Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Чангал қишлоқ врачлик пункти энг намунали қишлоқ врачлик пункти деб эътироф этилган.

II тоифали умумий амалиёт шифокори. Халқ демократик партияси аъзоси.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Хакимова Хонбуви Хакимовна

### Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси катта ўқитувчиси



Х.Х.Хакимова 1957 йил 4 февралда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани «Қизилравот» кишлоғида зиёли оилада туғилган. У Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 6-сон ўрта таълим мактабида 1964-1974 йиллар мобайнида сабоқ олди ва "Аъло ўқиши ва намунали хулқи учун" нишони билан тақдирланди. 1974-1980 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таъсил олди ва муваффакиятли тугатди. 1981-1999 йилларда Пастдарғом туман марказий шифохонасида врач акушер-гинеколог бўлиб фаолият кўрсатди. 1999 йилдан Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг «Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена» кафедрасида ассистент, 2006 йилдан катта ўқитувчи бўлиб ҳозиргача ишлаб келмоқда.

2000-2005 йилларда институт маънавият ва маърифат бўлими назоратчиси ва бўлим бошлиғи лавозимида ишлади, бир пайтнинг ўзида 2005 йилдан ҳозиргача институт «Олий ҳамширалик иши» факультетининг назоратчиси сифатида ишлаб келмоқда. У «Олий маълумотли ҳамширалар иш фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш чоралари» мавзусида номзодлик диссертацияси устида ишламоқда. 2014, 2017 йиллар Халқаро талабалар конференцияси иштирокчиси. У тайёрлаган талабалар конференцияда муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018-ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга

қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Иқтидорли педагог Х.Х.Ҳакимова ҳозирги вақтда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш ушбу қарорлар асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Айниқса, талабаларга дарс бериш жараёнида интерактив технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим беришни йўлга қўйиган.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. 6 марта малака оширишда бўлган. Охирги марта 2017 йил январь-февраль ойларида Тошкент Тиббиёт Академияси қошида ташкил қилинган махсус педагогларни малакасини ошириш марказида малака оширди. Юқоридаги қарорлардан руҳланган билимдон педагог талабаларни янги технологиялар асосида ўқитишни олиб бормоқда.

У фаолияти даврида 70 дан зиёд илмий мақола ва 20 дан ортиқ илмий-услубий тавсияномалар тайёрлади ва чоп эттирди.

2011 йилда ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Самарқанд вилоят ҳокимининг ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг жамоатчилик ишларида фаол қатнашганлиги учун фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланган. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан мукофотланган.

Оилали, бир нафар фарзанди ва бир нафар набираси бор.

**Низомов Ахмаджон Нуъмонович**
**Самарқанд таянч тиббиёт коллежи терапия фани ўқитувчиси**



Ахмаджон Нуъмонович 1957 йил 15 октябрь куни Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Мотрид маҳалласида зиёли оиласида таваллуд топган.

1966-1975 йилларда Самарқанд туманидаги 27 мактабни тугатиб, 1975-1981 йилларда Самарқанд тиббиёт институти талабаси, 1981-1982 йилларда Самарқанд шаҳри 1-сон шаҳар шифохонасида врач интерна, 1982-1998 йилларда Самарқанд тиббиёт коллежида терапия фани ўқитувчиси, 1998-2012 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи Ҳамширалик иши бўлими бошлиғи, 2012 йилдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар терапия фани ўқитувчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Республика Мустақилликка эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимининг собиқ Иттифоқ тузуми даврида шакллантирилган мавжуд таркиби ва вазифалари, унинг моддий-техника асосини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси кун тартибида турар эди.

Ҳукуматимиз мазкур масалани босқичма-босқич амалга ошира бориб, 1996 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури ҳақида"ги қарорини қабул қилади.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1995-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 1996 йил мобайнида фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бошқа муассасаларини қишлоқ даволаш

пунктларига айлантириш ҳисобига қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳокимликлар билан биргаликда уларни малакали врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш ва 1996 йил 10 июнгача бўлган муддатда қишлоқ даволаш пунктлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган. Ушбу қарор тиббиёт олийгоҳи ва ўрта тиббиёт билим юртлари раҳбарияти ва ўқитувчилари зиммасига чуқур билимли, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва муолажа аппаратлари билан моҳирона ишлай оладиган кадрларни тайёрлашдек масъулиятли вазифаларни юклаган. Буни яхши тушунган тажрибали педагог Ахмаджон Нуъмонович талабаларга ва жамоадошларига қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда ҳамда ўқув жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда жонбозлик кўрсатди.

Малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштиришга муҳтождир. Тиббиёт коллежларида кадрлар тайёрлаш сифати жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда, ана шу коллежларни замонавий ўқув-услубий ва лаборатория ускуналари билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Илмий-тиббиёт мактаби анча заифлашди, илмий тадқиқотлар ҳамда уларни даволаш-диагностика амалиётига татбиқ этиш ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Кўпгина республика тиббиёт муассасаларининг барпо этилган юқори технологик моддий ва илмий базасидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишда суст фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг

ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга ҳамда ўрта тиббиёт ходимларига нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш белгилаб қўйилган. Ахмаджон Нуъмонович ушбу қарорни бажариш борасида астойдил фаолият олиб борди.

Унинг таълим тарбиявий маънавий-маърифий ишларидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг "Фахрий ёрлиғи" ва Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг «Фидойи мураббий» кўкрак нишони, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари ҳамда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи маъмуриятининг қатор «Фахрий ёрлиқ»лари ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

Оилали, 1 нафар фарзанди ва 4 нафар невараси бор.

**Ҳакимова Назира Ғафуровна**
**Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Хумор қишлоқ врачлик пункти мудираси**



Назира Ғафуровна 1958 йил 9 май куни Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Қўйтош қўрғончасида таваллуд топган. У 1965-1975 йиллар мобайнида Жиззах вилоят Ғаллаорол халқ таълими бўлимига қарашли 60-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1975 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, 1981 йил мазкур олийгоҳнинг даволаш факультетини битирди.

Дастлабки иш фаолиятини Каттақўрғон шаҳар касалхонасида бошлади. 1981-1982 йилларда интернатура ўтиб олийгоҳда олган назарий билимларини амалий кўникмалар билан янада бойитди. 1982-1986 йилларда Пахтачи туман тиббиеёт бирлашмаси Хумор санаторий-профилакториясида врач-терапевт, 2011 йилдан бошлаб Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Хумор қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлади. 2013 йилдан ҳозиргача ушбу қишлоқ врачлик пунктининг мудираси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Карорда 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза килиш бўйича Давлат дастури маъкулланди. Дастурнинг асосий максади этиб аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғликни сақлаш тизимининг барча боскичларида оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза килиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, нонормал ривожланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация килиш сифатини ошириш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлаконли катнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда аҳолини оналар, чакалоклар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал килиш, соғлом ва аҳил оила куриш афзалликларини тарғиб қилиш каби тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Ана шу вазифаларни бажаришнинг салмокли ҳиссаси тиббиётнинг бирламчи муассасалари (кишлок врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва б.лар) зиммасига юклатилган. Белгиланган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида Назира Ғафуровна ҳам туман тиббиёт ходимлари катори самарали меҳнат килди.

Ҳозирги вактда тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Республика Президенти томонидан чикарилган Фармон ва Қарорларни амалга оширишда катта эътибор бермокда.

2011-2012 йилларда Самарканд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. II тоифали умумий амалиёт шифокори Н.Ф.Ҳакимова 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғликни саклашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини

ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

2015 йил Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Ҳакимов Шоназар Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битирган, врач.

## Раҳимова Шафоат Ҳакимовна
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси "Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" курси ўқитувчиси



Ш.Ҳ.Раҳимова 1958 йил 22 августда Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. У 1965-1975 йилларда Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 14-сон ўрта мактабда ўқиди. 1975-1981 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди ва уни 1981 йилда тугатди. 1981 йилдан 1982 йилгача Самарқанд вилоят сил касалликлари касалхонасида интернатура ўтади. 1983 йилдан 1997 йилгача Самарқанд шаҳар 1-сонли тиббиёт коллежида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1997 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасига дастлаб ассистент, кейинчалик эса катта ўқитувчи вазифасида иш бошлади ва то ҳозирга қадар ишлаб келмоқда.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференцияларда иштирок этди. ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг Самарқанд шаҳрида ўтказган конференцияси иштирокчиси. Моҳир ва билимдон педагок Ш.Рахимова ўз назарий

билимлари ва амалий кўникмалари янада бойитиш максадида бир неча бор Самарканд ва Тошкент шахарларида малака оширди.

У педагогик фаолият билан бир каторда институтнинг жамоат ишларида хам фаол катнашиб келмокда. Самарканд Давлат тиббиёт институтининг ижтимоий саломатлик, соғликни саклашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси касаба уюшмаси бошланғич ташкилотиниг раиси, институтниг педиатрия факультети хотин-кизлар кўмитасининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Маълумки, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иктисодиёт ва ижтимоий соҳа тармокларини юкори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган максадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорлари қабул қилинди. Иқтидорли педагог Ш.Ҳ.Рахимова ҳозирги вақтда юқоридаги карорлар асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил қилиш ишларини астойдил олиб бормоқда. Айникса, олийгоҳ талабалари ва тингловчиларга дарс бериш жараёнида янги инновацион технологияларни қўллашни жорий қилишда астойдил меҳнат қилмокда.

У 70 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Фақат 2018 йилнинг ўзида мамлакатимизда тиббиёт соҳасида янги ислоҳотлар даврида "Самарқанд вилоятида фармацевтика соҳасида янги ислоҳотлар", "Шошилинч тиббий ёрдам соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даври" ва "Маънавий-маърифий ишлар янги ислоҳотлар даврида" мавзуларида услубий қўлланмалар чоп-эттирди.

Айни вақтда «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида соғлиқни сақлашнинг равнақи» мавзусида диссертация ишини курс мудири т.ф.н., Н.И.Ходжаев раҳбарлигида олиб бормоқда. Самарқанд вилоят тиббиёти илму амалиёти ривожига қўшган муносиб ҳиссаси эътиборга олиниб, вилоят ҳокимлиги ва институт раҳбариятининг Фахрий ёрлиғи ҳамда Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан тақдирланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор: бир ўғил, бир қиз.

**Раджабов Хўжамберди Ўсарович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири**



Х.Ў.Раджабов 1959 йил 1 март куни Самарқанд вилоят Ургут туманида таваллуд топган. У 1978-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1985-2003 йиллар Абу Али ибн Сино амбулаторияси участка врачи, 2003-2006 йиллар Ургут туман 3-сонли шифохонаси болалар бўлими мудири вазифасида ишлади. 2006-2016 йиллар Ургут туман 3-сонли шифохонаси терапия бўлими мудири бўлиб хизмат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат

Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ургут туман 3-сонли шифохонаси терапия бўлим мудири сифатида тиббиёт тизимидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш ушбу Фармон ва Қарорларни амалга оширишда фаол қатнашди. Стационарда ётиб даволанувчи беморларга шарт-шароит яратиш, уларни ўз вақтида функционал ва лаборатория текширувидан ўтказиш ҳамда даволашнинг сифатли ва самарали услубларини қўллаган ҳолда олиб борди. Юзлаб терапевтик беморларни даволаб оиласи қучоғига жўнатди.

I тоифали врач Х.Ў.Раджабов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 6 нафар набираси бор.

**Рустамова Мамлакат Исомиддиновна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



М.И.Рустамова 1959 йил 26 апрелда Самарқанд вилоят Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчасида хизматчи оиласида дунёга келган. 1975 йилда ўрта мактабни битириб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олди. 1981-1982 йилларда интернатура ўтади. 1982-1985 йилларда Самарқанд шаҳар болалар поликлиникасида участка педиатри, 1985-1992 йилларда 1-сон Самарқанд шаҳар касалхонасида врач-ординатор бўлиб ишлади. 1992-1997 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедрасида ассистент бўлиб фаолият кўрсатди. 2004 йил декабр ойидан Самарқанд Давлат тиббиёт институти Врачлар малакасини ошириш факультетининг «Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни бошқариш» курсида, 2009 йилдан Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб келмоқда.

Маълумки, Республикада олий тиббий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида самарали тизим яратилди. 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тиббиёт соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. 7 та олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокор тайёрланиши таъминланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини амалга ошириш концепциясини аниқ белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимининг халқаро

икки босқичли тизимга ўтишига замин яратди. Олий тиббий таълим муассасалари биринчи – бакалавриат босқичида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга йўналтирилди. Иккинчи босқич бўлган 2-3 йиллик магистратура таълимида ихтисослашган тиббиёт марказлари, тиббиёт таълим ва илмий муассасаларида фаолият кўрсатиш учун 46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди.

Ёш педагог М.И.Рустамова ўзининг фаолиятини ана шу Қонун ва Фармон асосида олиб борди ва талабаларга таълим бериш ҳамда уларнинг тарбияси соҳасида маълум ишларни амалга оширди ва ижобий натижаларга эришди.

У «Соғлом турмуш тарзини такомиллаштириш йўллари» мавзусида номзодлик диссертация ишларини олиб борган.

20 та илмий мақоланинг муаллифи ҳисобланади.

## Шарипов Муҳиддин Абдухолиқович
## Самарқанд вилоят Оқдарё туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врачи



М.А.Шарипов 1959 йил 28 май куни Самарқанд вилоят Иштихон тумани Сўгот маҳалласи, Гуржиравот қишлоғида таваллуд топган. У 1978-1980 йилларда Собиқ Иттифоқ ҳарбий қўшинларининг Ярослав округида хизмат бурчини ўтаган. 1981-1987 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена куллиётида таҳсил олган. Институтни тамомлаб Оқдарё туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказига ишга кирди ва ҳозирги вақтгача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки йилларданоқ давлат санитария назорати соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Энг аввало, республика, вилоят ва туманларда эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиялари ташкил

этилди. Уларнинг карор ва кўрсатмаларини бажариш мулкчилик шаклидан катъи назар, барча учун мажбурий қилиб белгиланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул килди. Бу ўз навбатида Давлат санитария-эпидемиология хизмати тизимини жойларда конуний тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, аҳолининг соғлом турмуш тарзини юзага келтириш, ўз ҳудуди озодалигини сақлаш масъулиятини кучайтириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг аҳоли ўртасида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 2 мартдаги "Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги соҳани юқори поғонага кўтарди. Иш фаолиятини маълум қисмини собиқ Иттифоқ даврида ўтказган М.А.Шарипов Мустақилликни ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Фармон ва Қарорларини ҳамда давлатимизнинг соҳага дахлдор Қонунларини катта мамнуният билан қабул қилди ва ўзининг фаолиятини ана шулар асосида ташкил қилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича тавсиялар бериш, тоза ичимлик суви билан таъминланмаган қишлоқларнинг аҳолисига сифатли ичимлик сувлари ташиб беришни ташкил қилиш, аҳоли турар-жойларини тозалаш ва ободонлаштириш тадбирларини доимий тарзда олиб бориш ҳамда уларни санитария-гигиена қоидалари ва шахсий гигиенага риоя қилишлари бўйича жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари билан ҳамкорликда кенг қамровли ишларни амалга оширди.

Оилали, 1 ўғли ва 2 нафар қизи бор.

**Исмоилова Феруза Рахматовна**
**Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси Қўлбоипоён қишлоқ врачлик пункти мудираси**



Феруза Исмоилова 1959 йил 17 август куни Самарқанд вилоят Самарқанд туман Қўлба қишлоғида туғилган. У 1966-1976 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 39-сонли умумтаълим мактабида таълим олди. 1976-1882 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олди. 1982-1983 йиллар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида интернатура ўтди. 1983-1988 йиллар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қўлбаипоён ҳудудий поликлиникасида врач-педиатр. 1989-1991 йиллар Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳридаги 2-сон касалхонасида педиатр. 1992-1994 йилларда Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида педиатр, 1994-2005 йиллар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман юқумли касалликлар шифохонаси врач-инфекционист вазифаларида фаолият кўрсатди. 2005 йил Қўлбаипоён қишлоқ врачлик пункти мудири этиб тайинланди ва ҳозиргача шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда. 2005-2006 йилларда янги ҚВПни реконструкция қилишда ҳисса қўшган. 2010 йил республика танловида қатнашиб намунавий қишлоқ врачлик пункти дипломини олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2857-сонли қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда

тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган “Дори-дармон” АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда биринчилар қатори қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида малакали врач Феруза Исмоилова фаол иштирок этди.

У ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланишини яхши тушунган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. I тоифали умумий амалиёт шифокори Феруза Исмоилова 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Дўстов Мадикул Рўзикулович
## Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза қишлоқ врачлик пункти мудири



М.Р.Дўстов 1959 йил 1 ноябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ғиждувон маҳалла фуқаролар йиғинида туғилган. У 1967-1977 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. 1983-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олди. 1991-1993 йиллар Ургут шаҳар болалар шифохонаси врач-педиатри бўлиб меҳнат қилди. 1993 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон

Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман микёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ана шу карорни бажариш борасида вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари катори Ургут туман Ҳамза қишлоқ врачлик пунктида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуна ва янги жиҳозлар билан таъминланди. Бу борадаги ишларда малакали врач М.Р.Дўстов ҳам катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда у олис қишлокларда истиқомат қиладиган аҳолига ташкил килинадиган тиббий хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириш, аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аникланган беморларни диспансер ҳисобига олиб саломатлигини қайта тиклаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғибот қилиш каби тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, ўкийди, изланади. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. I тоифали шифокор М.Р.Дўстов 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштирди.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Р.М.Эшқобилова Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлайди.

**Шаропов Махмут Ғиёсович**
**Самарқанд вилоят Ургут туман поликлиникаси участка терапевти**



М.Ғ.Шаропов 1959 йил 8 декабрь куни Самарқанд вилоят Ургут шаҳрида таваллуд топган. У 1967-1977 йиллар Ургут шаҳар халк таълими бўлимига қарашли 3-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1977-1983 йиллар Самарканд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1984 йил Ургут туман поликлиникаси участка терапевти вазифасидан бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда. Россия ва Словения каби давлатларда иш юзасидан конференцияларда қатнашган.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан сўнг тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иктисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Унга кўра, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари ва босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати тасдиқланди.

Шу билан бир қаторда фармонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ўртасидаги тафовутни бартараф этиш, айниқса, олис қишлокларда истиқомат қиладиган аҳолига ташкил қилинадиган тиббий хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. М.Ғ.Шаропов ушбу Фармондан руҳланиб, участка шифокори сифатида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган беморларни диспансер ҳисобига олиб саломатлигини қайта тиклаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғибот қилиш каби тадбирларни ўтказишда фаол қатнашиб келмоқда.

М.Ғ.Шаропов "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Олий тоифали терапевт.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 9 нафар набираси бор.

## Норқулов Сайфиддин Сайитқулович
## Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Навоий қишлоқ участка шифохонаси врач-педиатри



С.Норқулов 1959 йил 21 декабрь куни Самарқанд вилоят Ургут тумани Нисбат маҳалласида дунёга келган. У 1967-1977 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 82-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1978-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1986 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Навоий қишлоқ участка шифохонаси врач-педиатри бўлиб бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият юритиб келмоқда.

Аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармонининг кабул қилинди. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Фармондан руҳланган олий тоифали врач-педиатр С.С.Норкулов 1998–2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясининнинг мазмун-моҳиятини Ургут туман тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда жонбозлик кўрсатган.

Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Тошкент ва Самарканд шаҳарларида ўқиган. Охирги марта 2017 йил Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малака оширди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Қарордан руҳланган С.С.Норкулов Соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича самарали меҳнат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўрсатилган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш масалалари С.Норқуловнинг диққат эътиборидаги долзарб вазифаларга айланди. Тажрибали шифокор ўзига беркитилган ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб ижобий натижаларга эришди.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 6 нафар набираси бор.

**Боботов Содиқ Нортожиевич**
**Самарқанд вилоят Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи**



С.Н.Боботов 1960 йил 5 февраль куни Самарқанд вилоят Пастдарғом туман Умарчи маҳалла фуқаролар йиғинида туғилган. У 1967-1977 йил Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 103-сонли ўрта мактабни ўқиб тугатди. 1978-1984 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетида таҳсил

олди. Меҳнат фаолиятини 1984 йил бошлаган. 2013 йилдан ҳозирги вактгача Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Халкимизнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоялаш максадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул килинди.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза килиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун кулай турмуш шароитини яратишга каратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Буни яхши тушунган малакали мутахассис, олий тоифали врач С.Н.Боботов Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада ривожлантириш ишида астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

**Бердиева Назокат Шаминовна**
**Самарқанд вилоят Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси фтизиатри**



Н.Ш.Бердиева 1960 йил 18 февраль куни Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани Сарикул маҳалласида туғилган. У 1968-1977 йиллар туман халқ таълими бўлимига карашли 9-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1981-1983 йиллар Самарқанд тиббиёт коллежида таҳсил олган. Коллежни тугатиб, 1983-1989 йиллар Нуробод туман марказий шифохонаси операция ҳамшираси бўлиб

ишлаган. 1989-1996 йиллар мобайнида Тошкент Давлат Педиатрия институтида таҳсил олган. У ўзининг амалий кўникмаларини назарий билимлар билан янада ошириш мақсадида 1989 йилдан бошлаб, бир вақтнинг ўзида Тошкент Давлат Педиатрия институтининг клиникасида операция ҳамшираси бўлиб ишлаган. Олийгоҳни тамомлаб 1997 йилдан то ҳозиргача Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси фтизиатри бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Сил касаллиги билан касалланишни камайтириш ва унинг олдини олиш дастури амалга оширилиши кейинги беш йилда касалланиш кўрсаткичини 38 фоизга, аҳолининг сил касаллиги туфайли ўлимини – 45 фоизга камайтиришни таъминлади.

Шу билан бирга, сил касаллигига қарши муассасалар фаолиятида профилактика даражасини ошириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати билан боғлиқ ҳал этилмаган масалалар ҳануз сақланиб қолмоқда. Сил касаллигига қарши муассасаларнинг аксарияти мукаммал таъмирлашни, реконструкция қилишни ва замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашни талаб қилади, ярмидан кўпи кам қувватли ва мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган. Кўпчилик муассасалар фтизиатр врачлар, айниқса тор ихтисосли мутахассислик врачлари билан етарлича таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги 62-сонли "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Сил касаллиги профилактикаси ва уни даволаш ишларини янада такомиллаштириш, сил касаллигига қарши хизматнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, республиканинг сил касаллигига қарши муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Сил касаллиги ижтимоий хавфи юкори хасталиклар тоифасига киради. Мамлакатимизда бундай беморлар давлат мухофазасига олинган. Уларга барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади, дори-дармон бепул берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 5 мартда кабул килинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги карори бу борада мухим дастуриламал бўлмокда.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари, жумладан, вилоятлардаги шифохоналар хам касалликни аниклаш ва ташхис кўйиш бўйича замонавий аппаратлар билан таъминланган. Касаллик профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишлари замонавий йўлга кўйилган. Бу жараёнда жахон тиббиётининг илғор усулларидан самарали фойдаланилмокда. Хусусан, тиббий текширувларнинг бактериологик асосда ташкил этилаётгани хасталикни эрта аниклаш, халкаро стандартлар асосида даволаш имконини бермокда.

Самарканд вилоятида 24 март – Бутунжахон сил касаллигига карши кураш куни муносабати билан Журналистларни кайта тайёрлаш маркази хамда Халкаро ташкилотлар хамкорлигида ташкил этилган семинарда вилоят силга карши кураш диспансери ходимлари, шифокор-фтизиатрлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мазкур касалликнинг олдини олиш, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, зарур дори воситалари билан ўз вактида таъминлашга алохида эътибор каратилмокда. Шунингдек, чакалок ва болаларни махсус вакциналар билан эмлаш ишлари тизимли йўлга кўйилган.

Олий тоифали врач Н.Ш.Бердиева мазкур карорни хаётга татбик этиш борасида катор йиллардан бери ахолига малакали беғараз тиббий ёрдам кўрсатиб келмокда. У айникса, ахоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришда алохида жонбозлик кўрсатиб келмокда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Маматова Шоира Давроновна**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-лаборанти**



Ш.Д.Маматова 1960 йил 23 февраль куни Самарқанд вилоят Самарқанд туманида туғилган. У 1967-1977 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 36-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1977-1982 йиллар Самарқанд Давлат Университети Кимё факультетида таҳсил олган. 1983-1987 йиллар Самарқанд туман санитария-эпидемиология станциясида врач-лаборант, лаборатория мудири лавозимларида ишлаган. 1987 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида врач-лаборант вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Нуфузли конференция ва анжуманларда қатнашган. У охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани” мавзусида малака оширди.

Олий тоифали врач Ш.Д.Маматова вилоят бўйича жуда кўп озиқ-овқат ва савдо, мактабгача болалар муассасалари, меҳнат корхоналари ва бошқа назорат остидаги объектлардан олинган анализларни сифатли ўтказиб, Давлат стандарти талабларига жавоб беришини аниқлашда ўрнатилган. тартиб-тамойилларга асосланиб ишлайди. Бу ўз йўлида аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишига, шунингдек, аҳоли ўртасида турли хил овқатдан заҳарланишлар ва юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олади.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1992 йил 3 июлда “Давлат санитария назорати

тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бу эса хизмат тизимини жойларда қонуний тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Санитария қонунлари бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони чиқди. Бу муҳим ҳужжат аҳолининг соғлом турмуш тарзини юзага келтириш, ўз ҳудуди озодалигини сақлаш масъулиятини кучайтиришга хизмат қилди.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунлардан руҳланган Ш.Д.Маматова унда белгиланган тадбирларни бажаришда фаол қатнашди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди. Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу қонунни барча вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари қатори Ш.Д.Маматова ҳам дастуриламал қилиб олган ва шу асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 7 нафар набираси бор.

**Шомуродов Ғулом Саидович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Сариқтепа қишлоқ врачлик пункти мудири**



Ғ.С.Шомуродов 1960 йил 12 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут туман Сариқтепа қишлоғида туғилган. 1967-1977 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 48-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1977-1983 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1983-1984 йиллар Хатирчи туман (ҳозирда Навоий вилоятига қарашли) тиббиёт бирлашмасида интернатура ўтаб, амалий кўникма ва назарий билимларини янада бойитган. 1984-1987 йиллар Жданов номли қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири, 1987-1993 йиллар Хўжайдук қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири бўлиб меҳнат қилган. 1993 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Сариқтепа қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ана шу қарорни бажариш борасида вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари қатори Ургут туман Сариқтепа қишлоқ врачлик пунктида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуна ва янги жиҳозлар билан таъминланди. Бу борадаги ишларда малакали врач Ғ.С.Шомуродов ҳам катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда у олис қишлоқларда истиқомат қиладиган аҳолига ташкил қилинадиган тиббий хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириш, участка шифокори сифатида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган беморларни диспансер ҳисобига олиб саломатлигини қайта тиклаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғибот қилиш каби тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. Олий тоифали шифокор Ғ.С.Шомуродов 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини

ташкил қилиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштирди.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор.

**Юсупова Шохиста Абулқосимовна**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси таҳлилхона бўлим мудири**



Ш.А.Юсупова 1960 йил 4 май куни Самарқанд вилоят Самарқанд туманида дунёга келган. У ўрта мактабни битириб 1978 йил Самарқанд Давлат Университети биология факультетига ўқишга кирган ва мазкур олийгоҳни 1982 йилда битирган. 1982-1994 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сонли оилавий поликлиникаси врач-лаборанти бўлиб меҳнат қилди. 1994 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд шаҳар 1-сонли оилавий поликлиникаси таҳлилхона бўлим мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳамма вақт ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Нуфузли семинар ва анжуманларда қатнашган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Унга кўра, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва даволаш-профилактика муассасалари диагностика лабораториялари моддий-техник ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Олий тоифали врач Ш.А.Юсупова ушбу фармондан руҳланиб ўз фаолиятининг сифат ва самарадорлигини янада оширишга ҳаракат қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Маматқулов Камолидин Суярович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ангар қишлоқ врачлик пункти мудири**

К.С.Маматқулов 1960 йил 15 сентябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ангар маҳалласида туғилган. У 1968-1978 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1981-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1989-1990 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қарашли 2-сонли клиникада интернатура ўтди. 1990-1997 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида навбатчи врач вазифасида хизмат қилди. 1997 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Ангар қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишга кирди ва ҳозирги вақтгача шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда. К.С.Маматқулов 2009-2014 йилларда Ургут туман кенгаши аъзоси бўлиб хизмат қилган.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини

ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда

тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган "Дори-дармон" АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш. ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб. 101 та ҚВП бинолари. ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда биринчилар қатори қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида малакали врач К.С.Маматқулов фаол иштирок этди.

У ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланишини яхши тушунган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. I тоифали умумий амалиёт шифокори К.С.Маматқулов 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Рахматов Комил Асадович**
**Самарқанд таянч тиббиёт коллежи хирургия фани ўқитувчиси**



Комил Асадович 1960 йил 22 сентябрь куни Самарқанд вилояти Самарқанд туманида ишчи оиласида туғилган. 1967-1977 йилларда Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 20-сон ўрта мактабда сабоқ олган.

1977-1983 йилларда Самарқанд тиббиёт институти талабаси, 1983-1984 йилларда Самарқанд 1-сон вилоят шифохонасида врач интерна, 1984 йил июль-декабрь ойларида Самарқанд тумани марказий касалхонаси тез тиббий ёрдам бўлими врачи, 1984-1993 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юртида хирургия фани ўқитувчиси, 1993-1997 йилларда тиббиёт билим юрти "Ҳамширалик иши" кечки бўлими мудири, 1997-1998 йилларда тиббиёт билим юрти директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари, 1998-2000 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари, 2016 йилдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар Хирургия фани ўқитувчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарор қабул қилди.

Қарорда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мазкур қарорни амалга ошириш мақсадида Самарқанд тиббиёт билим юрти директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Комил Асадович ўқитувчилар ва талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни жонлантирди, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" (2008 й.) ва "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" (2011 й.) номли китобларини тарғибот-ташвиқот қилишдаги фаолияти диққатга сазовордир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф

туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фидокорона хизматларини давом эттириб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янги даврга олиб чиқмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни янада ишларни янада юқори погонага чиқаришга хизмат қилади. Қарордан руҳланган Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Комил Асадович уни ўз фаолиятида дастуруламал қилиб ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли қарорига мувофиқ, ҳозирги замон талабларига мос, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий қадриятларимизни таълим тизимига татбиқ эта оладиган ўқитувчидан эндиликда миллий дастур талабларига хос янгича ёндашув, методика ҳамда янгича касб маҳорати талаб қилинади. Барча соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу борада тажрибали

ва малакали ўқитувчи-педагоглар тингловчиларга касбий ҳамда педагогик малакаларини оширишда сабоқ бериб келишмоқда.

Республикамизнинг турли тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини кўтариш учун марказ раҳбарияти ҳамда малака оширишга масъул барча кафедраларда тингловчилар учун намунали шароит яратилган бўлиб, уларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш, ахборот технологияларини мукаммал ўзлаштириши, шунингдек, чет тилларни ўрганиш борасидаги билимларини бойитишга кенг эътибор қаратилган. Жумладан, яқинда республикамизнинг турли шу жумладан, Самарқанд тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўз касбий ва педагогик маҳоратларини оширишди. Улар марказда "Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари", "Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар", "Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг қонун ҳужжатлари", "Қонун ости ҳужжатлари" каби мавзулари бўйича қизиқарли маърузалар тингладилар.

"Тиббий таълимда ахборот технологиялари", "Амалий хорижий тил", "Мутахассислик йўналиши", "Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш" модулларида эса марказнинг масъулиятли профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим этилган тиббиётнинг сўнгги ютуқларига оид маърузалар ҳамда амалий машғулотлар орқали режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, ўқув-техник, компьютер, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш жараёни билан бевосита танишдилар. Глобаллашув даврида компьютер саводхонлигини янада ошириш, таълим тизимига илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштиришга катта имконият яратилди. Ушбу қарорларни амалга ошириш мақсадида Комил Асадович ўз меҳнат жамоаси билан кенг

қамровли ташкилий, маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий тадбирларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

К.А Раҳматовнинг таълим тарбиявий маънавий-маърифий ишларидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, ҳамда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи маъмуриятининг қатор «Фахрий ёрлиқ»лари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 6 нафар невараси бор.

**Эшмуродов Пардамурод**
**Самарқанд вилоят Пастдарғом туман "Умиджон фарм гиёҳлари" хусусий тиббиёт маркази бош врачи**



Пардамурод Эшмуродов 1960 йил Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Туркманчандир қишлоғида зиёлилар оиласида дунёга келди.

Отаси Эшмурод бобо зиёли инсон бўлган. Самарқанд давлат университети ўзбек тили ва адабиёти куллиётида таҳсил олган. Тумандаги умумтаълим мактабида ўқитувчи, ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, директор лавозимларида фидокорона меҳнат қилган. Ёш авлодга таълим бериб, тарбия бериб педагогик жамоада ва халқ ичига обрў-иззат топган. Самарали меҳнатлари зое кетмаган. "Жасорат" медали билан ва раҳбариятнинг қатор фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирланди. Онаси Ўғилширин Сафарова билан 15 нафар ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказишган. Айни пайтда 72 нафар невара, 174 нафар чевара, 7 нафар эваралари бобо-бувиси берган ўгитлар билан таълим олишяпти, меҳнат қилишяпти.

П.Эшмуродов 1977-1983 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил олди. 1983-1984 йилларда Самарқанд вилоят ортопедо-травматология (ҳозир вилоят шикастланишлар ва ортопедия шифохонаси) шифохонасида

интернатура ўтаган. Кейин мазкур шифохона реанимация бўлими врачи, анестезиолог-реаниматолог вазифаларида ишлади.

Сўнг Пастдаргом туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Чархин қишлоқ участка касалхонасида, вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази директори ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Саъй-ҳаракатларига одамийлик, камтарлик, масъулият ҳисси, бурч ва касбига садоқат туйғусини пайваста этди.

2017 йилда травматологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференциясида ҳамда Россияда ортопед-травматологларнинг III Халқаро съездида қатнашиб, махсус сертификат олди. Россия давлатининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган врачлар конференциясида иштирок этди ва "Умуртқа поғонаси жарроҳлиги" мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистонлик ҳаким П. Эшмуродовнинг назарий ва амалий билимларининг маҳсули бўлган ушбу маърузаси кўпчилик анжуман иштирокчиларининг эътиборини тортди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли, сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари белгиланди:

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини

такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш;

- хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий юқори технологияли усулларни кенг қўллаган ҳолда, кенг аҳоли қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган хизматлар кўлами ва турларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;
- хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, махсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш;
- қулай кредит ва лизинг механизмларини фаол жалб этиш орқали хусусий тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами ва ҳажмини тубдан ошириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш, етакчи хорижий клиника ҳамда тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда даволаш-ташхис муассасаларини ташкил этиш;
- тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга сифатли ва арзон маслаҳат-ташхис, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантириш;
- илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, хусусий тиббиёт соҳасида тиббий таълимнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш асосида хусусий тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида сифатли ва самарали тизимни

шакллантириш, хусусий тиббиёт муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Мазкур қарордан руҳланган П.Эшмуродов соғликни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган йўналишлар бўйича серқиррали фаолиятини янада жадал суръатлар билан олиб борди.

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулокот қилишнинг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

- телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолмоқда, мобиль алоқа ва Интернет тармоғининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмаяпти;
- давлат бошқаруви тизимига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувнинг самарали амалга оширилмаганлиги сабабли идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари алоҳида-алоҳида жорий қилинмоқда, бунинг оқибатида уларни ягона ахборот маконига интеграциялаш жараёни мураккаблашмоқда;
- электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда;

- давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан рухсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфийлигини бузиш имкониятини оширмоқда;
- кўплаб давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти;
- почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш, почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир таъсирчан чоралар кўрилмаяпти;
- ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмаяпти, шунингдек, таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш имконини бермаяпти;
- электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими, уларнинг шаффофлиги ва очиқлиги, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланишида анча илгарилаб кетган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва жорий этиш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, электрон давлат

хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5349-сонли Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5349-сонли Фармонини амалга ошириш мақсадида 2018 йилда "Тиббиётда инновацион технологияларни қўллаш" мавзусидаги Халқаро конференция ташкил қилинди. П.Эшмуродов ушбу анжуманга қатнашиб, сертификат соҳиби бўлди.

Сўнгги йилларда соғлиқни саклаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табобати йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табобатининг замонавий тиббиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзага келмоқда, хусусан:

- халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилмаган, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмаяпти;

- халқ табобати усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг мижозлар соғлигига зарар етказганлик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табобати вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;
- касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмлари мавжуд эмас;
- халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табобати бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида:

халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар;

тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

Халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш:

халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгилаш;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ табобатининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

Халқ табобати соҳасида буюк аллома ва донишманд табиб Абу Али Ибн Сино таълимотини чуқур ўрганиш ва амалиётга қўллашни мақсад қилиб олган халқ табобатининг билимдони П.Эшмуродов ушбу қарорни дастуриламал қилиб, ўз серқирра фаолиятини янада жонлантириб келмоқда.

Мустақиллик йилларида тиббиётда олиб борилаётган ислоҳотларни катта мамнуният билан қабул қилиб, унинг ҳуқуқий асоси саналмиш Президентимизнинг фармон ва қарорларини чуқур ўрганиб ҳаётга тадбиқ этиш соҳасида иш олиб бормоқда.

Айниқса, тиббиётда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги даврида қабул қилинган ва 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли фармони ҳамда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сонли "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуvвватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининиг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тиббиёт ходимлари ўртасида тушунтириш ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган

касалликларнинг олдини олиш ва уларга карши курашиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш П.Эшмуродов фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Моҳир шифокор, малакали ҳаким П. Эшмуродов эл қўллаган инсон элни ҳам қўллаши керак қабилида иш тутади. У телеканалларда янги қўшиклари билан мухлислари эътиборини қозонган ёш хонанда Дилхуш Юсупов муваффақиятларида, Чандиробод Жомеъ масжидини қайта таъмирлаш, тумандаги 3-сон мактабгача таълим муассасаси, 32-сон мактаб ободонлиги ишларида, 125-сон умумтаълим мактабини овоз кучайтиргич мосламаси билан таъминлашга бевосита ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг медали билан тақдирланган.

## Азимов Қайим Қозоқович
## Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси Реанимация бўлими мудири



Қ.Қ.Азимов 1961 йил 25 январда Каттақўрғон туман Қизил қуёш қишлоғида таваллуд топган. 1978-1984 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти Педиатрия факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни тугатиб, 1985 йилда болалар жарроҳлиги ихтисоси бўйича Самарқанд тиббиёт институтининг 1-сон клиникасида интернатура ўтади.

1985 йил Нуробод туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳ, 1987-1988 йиллар Самарқанд вилоят 1-сон шифохонасида борт жарроҳ, 1989-1994 йиллар Нуробод туман тиббиёт бирлашмасида врач анестизиолог-реанематолог, 1994-2000 йилларда анестезиология-реанимация бўлими мудири, 2000-2003 йиллар Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлим мудири, 2003-2004 йиллар бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, 2004-2010 йиллар Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи, 2010-201 йилларда

Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими мудири вазифаларида меҳнат қилган. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси Реанимация бўлим мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Қ.Қ.Азимовнинг ташкилотчилик қобилияти айниқса, Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи лавозимига тайинлангандан сўнг намоён бўлди. Туманда бирламчи тиббий ёрдам бўғини саналмиш қишлоқ врачлик пункитлари қурилиши, мавжудларини таъмирлаш ва қайта таъмирлаш, уларни тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиши анча яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури туғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида Қ.Қ.Азимов самарали меҳнат қилди.

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва

назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Қ.Қ.Азимов малакали шифокор сифатида Нуробот туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида фаол ишлаб келмоқда.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор.

**Ҳамидова Мохиба Мардоновна**
**Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси Жумабозор қишлоқ врачлик пункти мудири**



Мохиба Мардоновна 1961 йил 3 февраль куни Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Жумабозор қишлоғида дунёга келган. 1968-1978 йиллар мобайнида Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 65-сонли ўрта таълим мактабида ўқиди. 1979-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ўқиди. 1985-1987 йиллар Самарқанд шаҳар 4-сон поликлиникасида, 1987-1989 йиллар Оқдарё туман шифохонасида, 1989-1991 йиллар Ургут туман шифохонасида врач-педиатр бўлиб ишлаган. 1992 йилдан ҳозиргача Тайлоқ туман Жумабозор қишлоқ участка шифохонаси мудираси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Олий тоифали врач Мохиба Мардоновна доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, малакасини оширади. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш

тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли Қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 136 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган "Дори-дармон" АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пунктлари қатори Жумабозор қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида малакали врач Мохиба Мардоновна фаол иштирок этди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Ғафуров Илҳом Исломович**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими қон банки врачи**

И.И.Ғафуров 1961 йил 15 февраль куни Самарқанд вилоят Ургут туманида таваллуд топган. У 1968-1987 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 74-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1982-1988 йиллар Тошкентдаги Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтида таҳсил олган. 1988-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қарашли 1-сонли клиникасида интернатура ўтаган. Иш фаолиятини 1989 йил Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими врачи бўлиб бошлади ва 2014 йилгача шу вазифада хизмат қилди. 2014 йилдан ҳозиргача реанимация бўлими қон банки врачи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 ноябрдаги "Осиё" тараққиёт банки иштирокида "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан туғруқ ва қон қуйиш муассасаларини такомиллаштириш учун 40 миллион доллар йўналтирилди. 2005-2010 йилларда мамлакатимизнинг, шу жумладан, вилоятимизнинг барча туғруқ муассасалари реконструкция ва модернизация қилиниб, уларнинг инфратузилмаси такомиллаштирилди.

Қалби тоза ва самимий инсон доимо яхшилик қилишга интилади. Бу хайрли амал кимнингдир соғлиғини сақлашга, ҳаётини узайтиришга кўмак беради. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Донорларни ана шундай беғараз ёрдам кўрсатувчи эзгу ниятли инсон дейиш мумкин. Ушбу тушунчаларни Ургут аҳолиси ўртасида кенг тарғибот ишларида И.И.Ғафуров фаол иштирок этди.

Дарҳақиқат, ҳар йили 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни сифатида нишонланади. Ушбу тадбирнинг бош мақсади қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг

зарурлигини чукуррок англаб етишни шакллантиришдир. Бу кун, авваламбор, донорлик конлари ва кон компонентларига дунё бўйлаб ошиб бораётган талабга фаоллик билан жавоб кайтараётган кўнгиллиларнинг инсоният олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорлик билдиришга имконият яратади.

Мамлакатимизда беғараз донорлик ва уни ривожлантиришга катта эътибор каратилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида "Қон ва унинг таркибий кисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофик, кон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий кисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида беғараз донорликни ривожлантиришга каратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бинобарин, меҳнат жамоалари, олий ўкув юртларида кон ва кон маҳсулотларининг қандай хасталикларда қўлланилиши, донорликнинг организм учун фойдали жиҳатлари, ўз навбатида донорнинг саломатлигига доир маълумотлар берилмоқда. Ҳозирги кунда Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими кон банки врачи сифатида И.И.Ғафуров Қонунда белгиланган донорликни ривожлантиришга каратилган тадбирларни амалга оширишни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида кабул килиб ишламоқда.

Малакали мутахассис И.И.Ғафуров доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш максадида бир неча бор Тошкент ва Самарканд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Мамадиёрова Гулнора
## Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Булунғур қишлоқ врачлик пункти мудираси



Гулнора Мамадиёрова 1961 йил 12 апрель куни Самарқанд вилоят Булунғур туман Ҳамид Олимжон жамоа хўжалигида таваллуд топган. У 1968-1978 йиллар Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 48-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1979-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни битириб, 1986 йил Булунғур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Булунғур қишлоқ врачлик пунктида врач-педиатр сифатида фаолият бошлади. 2005 йил мазкур қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори вазифасида меҳнат қила бошлади. 2009 йил Булунғур қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимига тайинланди ва ҳозиргача меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса, "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ана шу қарорни бажариш борасида вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари қатори Булунғур қишлоқ врачлик пунктида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуна ва янги жиҳозлар билан таъминланди. Бу

борадаги ишларда малакали врач Гулнора Мамадиёрованинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли Қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 136 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган "Дори-дармон" АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шохобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда биринчилар қатори қишлоқ врачлик пункти мудираси сифатида малакали врач Гулнора Мамадиёрова фаол иштирок этди.

У ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини

таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланишини яхши тушунган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Малакали мутахассис Г.Мамадиёрова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, малакасини оширади. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Ҳозирги кунларда, тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Мамлакатимиз Президентининг тиббиётга оид Фармон ва Қарорларини ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилиб, уларни бажариш учун ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

### Бердибеков Норжигит Улуғмуратович
### Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлими мудири



Н.У.Бердибеков 1961 йил 19 апрелда Чағотой маҳалла фуқаролар йиғини, Чағотой қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1969 йилда Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 1979 йилда шу мактабни аъло баҳоларга битирган. 1979-1980 йиллар шу тумандаги "Правда" колхозида колхозчи бўлиб ишлаган. 1980-1982 йилларда армияга чақирилди ва ҳарбий хизматни Афғонистон Республикасида ўтади. Хизмат ўташ даврида давлат мукофотлари билан тақдирланган.

1982 йил ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳнинг санитария-гигиена факультетига ўқишга кириб, 1987 йилда битирди ва Самарқанд вилоят Иштихон туман санитария-эпидемиология станцияси (ҳозир туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази)га врач интерна бўлиб ишлади. 1989 йилдан эпидемиология бўлимида врач-эпидемиолог лавозимида ишлади.

Туманда ва санитария-эпидемиология станциясида ўтказиладиган жамоат ишларида фаол қатнашди. 1992-2011 йиллар туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим мудири, 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар эса мазкур марказнинг эпидемиология бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Давлатимиз халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунини келтириш мумкин.

Мунтазам равишда ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Ижтимоий саломатлик

ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

2000 йилдан буён олий тоифали врач-эпидемиолог Н.У.Бердибеков Иштихон туманида ўта хавфли юқумли касалликларга, ичтерлама ва паразитар касалликларга қарши чора-тадбирларни олиб боришда фаол қатнашди. Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган эмлаш ишларини ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш унинг асосий фаолият йўналиши эканлигини яхши билади.

Самарали хизматлари туфайли жамоанинг ва аҳолининг ҳурматига сазовор бўлди. Бир неча бор вилоят ва туман раҳбариятининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Болибеков Шокир Нарзуллаевич**
**Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси Боқон қишлоқ врачлик пункти мудири**



Ш.Н.Болибеков 1961 йил 18 май куни Самарқанд вилоят Иштихон туман Қўрли қишлоқ фуқаролар йиғини Боқон қишлоғида таваллуд топган. У 1968-1978 йиллар Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1979 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди ва мазкур олийгоҳни 1985 йилда тугатди. 1985-1989 йиллар Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатди. 1989 йилдан бошлаб Иштихон туман тиббиёт бирлашмасида, кейинчалик Боқон қишлоқ врачлик пунктида ишлади. Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси Боқон қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида ҳозиргача фаолият юритиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тугрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида Ш.Н.Болибеков самарали меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғрукхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада яхши ташкил қилинган.

Ш.Н.Болибеков доимо ўз устида ишлайди, ўқийди. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатган. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини

ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги даврида имзолаган Фармон ва Қарорларини амалга ошириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

**Турсунова Барно Аброровна**
**Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали 2-шошилинч болалар бўлими ординатори**



Б.А.Турсунова 1961 йил 7 июнь куни Самарқанд вилояти Самарқанд туманида таваллуд топган. У 1978-1984 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти Педиатрия факультетида таҳсил олди. 1984-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти 2-сон клиникасида интернатура ўтаб, амалий кўникма ва назарий билимларини янада оширди. Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти 2-сон клиникасида врач-неанотолог бўлиб бошлади ва 1999 йилгача ушбу вазифада ишлади. 1999-2006 йиллар Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали 2-шошилинч болалар бўлимида ординатор, 2006-2016 йиллар Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали 2-шошилинч болалар бўлими мудири лавозимида меҳнат қилди. 2016 йидан ҳозирги вақтгача Б.А.Турсунова Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали 2-шошилинч болалар бўлими ординатори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Агар, мамлакатимизда шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг шаклланишига эътибор берадиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998

йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлигига диққатимизни қаратишимиз зарур. Мазкур фармон мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқди. Унинг асосида Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш тизимининг янги таркиби қисқа муддатларда шакллантирилди. Республика тез ва шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали 1999 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг 2-сон клиникаси негизида реконструкция туфайли яратилди ва зарур замонавий жиҳозлар, жумладан, компьютер томографияси билан жиҳозланиб, малакали кадрлар билан таъминланди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлар марказий шифохоналари таркибида шошилинч ва тез тиббий ёрдам бўлимлари тизими яратилди. Аҳолига шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун фойдаланадиган транспортлар ҳам мукаммаллаштирилди.

Б.А.Турсунова ушбу Фармон бажарилишининг иштирокчиси сифатида биринчилар қатори Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Самарқанд вилоят филиалида фаолият бошлади. Мустақиллик йилларида филиалнинг барпо қилиниши ва равнақига озми-кўпми ҳисса қўшди.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президент этиб Ш.М.Мирзиёв сайлангандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Бугун мамлакатимиз аҳолисига халқаро андозаларга жавоб берувчи сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган бепул тез тиббий ёрдам тизими малакасини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш масаласи жамият тараққиётининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги фикрларнинг амалдаги тасдиғи бўлди.

Ушбу Фармоннинг шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинганлиги Б.А.Турсуновани руҳлантирди ва унда кўрсатилган тадбирларни бажаришда иштирок этиб келмоқда. Айниқса, мазкур Фармон ҳамда у билан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириб, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши малакали мутахассис Б.А.Турсуновани бефарқ қолдирмади.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Ибрагимов Турсунбой Тошпўлатович**
**Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи**



Т.Т.Ибрагимов 1961 йил 5 сентябрда Самарқанд вилояти Иштихон тумани "Қият" қишлоқ фуқаролар йиғини Чинок қишлоғида туғилган. 1968 йилда 47-сонли саккиз йиллик мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. 1980-1982 йилларда ҳарбий хизматга чақирилди, хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, 1983 йил тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетининг 1-курсига қабул қилинди. 1989 йилда институтни тамомлаб, 1989-1990 йилларда Самарқанд вилоят ДСЭНМ (Давлат санитария-эпидемиология

назорат маркази) йўлланмаси билан Кўшработ туман ДСЭНМга санитария бўлими мудири этиб ишга юборилди.

1998-2004 йилларда Қўшработ туман ДСЭНМ бош врачи лавозимида ишлади. Иш давомида аҳолини тоза иснмлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш, аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни камайтириш борасида ўз билим ва тажрибаларини алмашди.

2004-2007 йилларда вилоят ДСЭНМда Экология ва аҳоли саломатлиги бўлими мудири вазифасида ишлади. 2007-2009 йилларда Иштихон туман ДСЭНМда "Болалар ва ўсмирлар гигиена" бўлими мудири. 2009-2012 йилларда Иштихон ДСЭНМ бош врачи вазифасида ишлади ва тумандаги ободонлаштириш, шаҳарсозлик қурилиши ишларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. 2012-2013 йилларда марказнинг даволаш-профилактика муасссасалари назорати бўлими мудири вазифасида ишлади. Туман тиббиёт бирлашмасининг реконструкция ишларида, тозалаш иншоотининг ишга туширилишида ўз билими ва тажрибаси билан ўрнак бўлди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Иштихон Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни келтириш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли

касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ҳозирги вақтда билимдон мутахассис, олий тоифали врач Т.Т.Ибрагимов туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб бормоқда.

Т.Т.Ибрагимов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

1998 йилдан буён олий тоифали врач, юқори ташкилот ва ҳокимликларнинг қатор Фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Булаев Зокир Каримович

**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



1961 йил 19 октябрь куни Самарқанд вилоят Каттақўрғон туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1979 йилда оддий ишчиликдан бошлаган. 1980–1982 йиллар ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтган.

1983–1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил олган. Олийгоҳда ўқиб юрган даврлари бир вақтнинг ўзида фельдшер бўлиб ишлаган. 1989–1990 йиллар интернатура ўтаган. 1990-1993 йиллар Самарқанд шаҳар 2-сон юқумли касалликлар шифохонасида врач-ординатор, 1993–1994 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти

юқумли касалликлар кафедраси ассистенти, 1994–1997 йиллар Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бош инфекционисти, 1997–1999 йиллар Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, 1999–2009 йиллар Самарқанд вилоят 2-сон суяк сил касалликлари шифохонаси бош врачи, 2008–2011 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач ўринбосари вазифаларида астойдил меҳнат қилди. 2013–2019 йиллар Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи лавозимида. 2019 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти бўлиб, фаолият юритиб келмоқда.

Зокир Каримович қаерда ишламасин жамоа билан бамаслаҳат иш юритиб, ходимларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб ишлади. Натижада тиббиёт жамоатчилиги орасида эътибор топди.

Зокир Каримовичнинг моҳир ташкилотчилиги ва билимдон мутахассислиги айниқса вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси биринчи ўринбосари лавозимидаги фаолияти давомида яққол кўринди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш бўйича вилоят тиббиёт тизимини ислоҳ қилишда жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 19 сентябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тиббиётда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018-ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Мазкур қарорлар асосида педагог кадрлар олдига қўйилган вазифаларни бажаришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда олийгоҳ талабаларини янги интерактив технологиялар асосида ўқитишни олиб бормоқда.

Унинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг 2 қаватли биноси тўлиқ замонавий тарзда капитал таъмирланди ва янги жиҳозлар билан таъминланди.

2004-2009 йилларда Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати этиб сайланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15-йиллиги Кўкрак нишони билан ва Афғонистон 20 йиллиги юбилей медали билан тақдирланган.

Уйланган, 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Исмоилова Л.И. Самарқанд вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими мудири.

**Ҳамидова Ҳанифа Муҳсиновна**
**Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси Сочак қишлоқ врачлик пункти мудираси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси нишондори**

Ҳанифа Муҳсиновна 1961 йил 20 декабрь куни Самарқанд вилоят Самарқанд туман Қозикўрғон кишлоғида таваллуд топган. У 1969-1979 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 21-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб ўша йили Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга дохил бўлган. Мазкур олийгоҳни битириб 1986 йил илк меҳнат фаолиятини Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Тайлоқ участка шифохонасида врач-педиатр вазифасидан бошлаган. 1989-2004 йиллар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қиров қишлоқ участка шифохонаси болалар бўлими мудири, 2004 йилдан ҳозирги вақтгача Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Сочак қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимига меҳнат қилиб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида қишлоқ аҳолисига малакали тиббий кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш учун жонбозлик кўрсатди. Айниқса унинг билимдонлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги 2004 йилда қишлоқ врачлик пунктида раҳбар этиб тайинланганидан сўнг намоён бўлди. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларда фаол қатнашиб келмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПК-

700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Малакали мутахассис Ҳанифа Муҳсиновна ёлғизлар, қариялар, уруш қатнашчиларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, фертил ёшидаги аёлларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликни аниқлаш ва соғломлаштириш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича тушунтириш ишларини фаол тарзда олиб бормоқда.

2004-2006 йиллар давомида Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Сочак қишлоқ врачлик пункти хизмат доирасида яшовчи аҳоли ўртасида оналар ва болалар ўлими камайгани, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсаткичлари бирмунча яхшилангани туфайли Сочак қишлоқ врачлик пункти 2009 йилда "Энг намунавий қишлоқ врачлик пункти" деб топилди ва диплом билан тақдирланди.

Малакали мутахассис Ҳ.М.Ҳамидова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, малакасини оширади. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатди. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Олий тоифали врач Ҳ.М.Ҳамидованинг кўпйиллик самарали меҳнати зое кетмади. Тиббиёт жамоатчилиги ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлди. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди. 2015 йилда халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашининг депутати этиб сайланди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Сувонов Облоберди Самарканд вилоят ортопедия-травматология шифохонасида бўлим мудири бўлиб ишлайди.

**Умиров Тойир Усмонович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ўрта кишлок кишлоқ врачлик пункти мудири**



Т.У.Умиров 1962 йил 4 май куни Самарканд вилоят Оқдарё туманида дунёга келган. У 1969-1977 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 99-сонли ўрта мактабда, 1977-1979 йиллар 41-сонли ўрта мактабда ўқиди ва уни "Олтин медаль" билан тугатган. 1982-1988 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 1988-1989 йиллар Латвия Республикаси Рига Давлат тиббиёт институтига қарашли 1-сонли клиникасида интернатура ўтаб амалий кўникма ва назарий билимларини янада бойитди. 1989-1991 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туман марказий шифохонаси Россия қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири лавозимида меҳнат қилди. 1991-1999 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси "Ўрта қишлок" қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири вазифасида хизмат қилган. 1999 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси "Ўрта қишлок" қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлокнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш,

қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Олий тоифали врач Т.У.Умиров доимо ўз устида ишлайди, ўқийди. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатган. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд

Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғликни сақлаш бошкаруви курсида "Соғликни саклашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Самарали ва беминнат хизматлари инобатга олиниб, Самарқанд вилоят соғликни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмаларининг бир катор фахрий ва мактов ёрликлари билан тақдирланган.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

### Аркаев Иноят Каримович
### Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси Қовунчи қишлоқ врачлик пункти мудири, "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори



1962 йил 28 май куни Самарканд вилоят Қўшработ туман Қовунчи маҳалла фукаролар йиғини Хайтонбулоқ қишлоғида таваллуд топган. У 1969-1979 йиллар Қўшработ туман халк таълими бўлимига қарашли 50-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1979-1986 йиллар давомида Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг педиатрия факультетида таҳсил олди. Институтни тугатиб 1986-1987 йилларда Самарканд вилоят 1-сон болалар шифохонасида интернатура ўтади ва ўзининг назарий билимларини амалий кўникмалар билан янада бойитди.

1987-1996 йилларда Қўшработ туман Очил Қодиров номли қишлоқ участка шифохонасида врач-педиатр, 1996-1997 йилларда эса ушбу шифохона бош врачи лавозимида фаолият юритди. 1997 йилдан бошлаб ҳозиргача Қўшработ туман Қувончи қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлаган 20 йилдан зиёд давр мобайнида мамлакатимизда, жумладан вилоят ва туман

соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури ҳақида"ги Қарори асосида қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг малакали тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун мутлақо янги типдаги тиббиёт муассасалари тармоқларини яратиш масаласи қўйилиб, мақсадли дастур қабул қилинди. Ушбу дастурни амалга оширишда Қўшработ туман тиббиёт тизимида ҳам ана шундай даволаш-профилактика муассасалари – қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилина бошланди. Шулар жумласига Қовунчи қишлоғидаги қишлоқ врачлик пункти ҳам киради. Туман марказий шифохонасидан 25 км масофада жойлашган, хизмат қилиш радиуси 6 км ни ташкил этадиган ва Қайнар, Себистон, Гавбулоқ, Жонбулоқ, Хайтонбулоқ, Тепали, Холбой, Уразмай, Чинор, Янги Қишлоқ каби, жами 4 мингдан зиёд аҳолига хизмат қиладиган Қовунчи қишлоқ врачлик пункти мудири И.К.Аркаев ушбу муассасани самарали бошқариб келмоқда.

1998 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида жонбозлик кўрсатди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги

биринчи патронаж 3 кун ичида 99–100% ни ташкил этмоқда. Профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали. АКДС вакцинацияси ва вирусли гепатит В ревакцинацияси 98-99% ни, полиомиелит, корь, БЦЖ вакцинациялари 100% ни ташкил этади.

Ёлғизлар, қариялар, уруш қатнашчиларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, фертил ёшидаги аёлларни тўлик тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликни аниклаш ва соғломлаштириш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича тушунтириш ишларини фаол тарзда олиб бормоқда.

И.К.Аркаев доимий равишда ўз устида ишлаб, малакасини ошириб келмоқда. У 1992 йилда «Педиатриянинг долзарб муаммолари» мавзусида 1,5 ойлик, 1996 йилда «Электрокардиография ва кардиологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида 1,5 ойлик малака ошириш циклларини Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг малака ошириш факультетида ўтди.

Шунингдек 1998 йил 2 октябридан 26 декабригача Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Қишлоқ врачлик пунктлари шароитида ишловчи умумий амалиёт врачлари» мавзусида 3 ой давомида малака оширди. 2004 йил 2 сентябридан 2005 йил 30 июнига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Саломатлик – 2» лойиҳаси бўйича Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультети Умумий амалиёт шифокорлари кафедрасида 10 ойлик циклни тугатди ва умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлаб келмоқда. У 2006 йилда «Саломатлик – 2» ва «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳалари асосида «6 ёшгача болаларни стационар шароитида интегриглашган усулда даволаш» мавзусида малака оширди.

2016 йилда вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Б.Н.Игамбердиевнинг ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимларини замонавий даволаш-профилактика ва бошқариш усуллари бўйича ўқитиш гуруҳлари ташкил қилинди. И.К.Аркаев биринчилар қаторида

Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи врачлар малакасини ошириш факультетида «Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингнинг моҳияти» мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида қишлоқ врачлик пунктлари ишини ташкил қилиш ва бошқариш, ходимлар бошқаруви каби долзарб мавзулар бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Унинг тиббиёт соҳасидаги хизматлари, эътиборсиз қолмади. У фидойилиги, бурчга садоқати, ўз устида тинмай ишлаши, билимини ошириб бориши ва малакали врач сифатида олиб борган ишлари билан аҳоли ўртасида обрў-эътибор топди. 2004-2009 йилларда туман кенгаши депутати этиб сайланди. 2004 йилда II даражали « Соғлом авлод учун» ордени, 2012 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Оилали, 5 нафар арзанди бор. Турмуш ўртоғи Арзиқулова Уралой Қовунчи қишлоқ врачлик пунктида доя бўлиб ишлайди.

**Асадуллаева Юлдуз Туйғуновна**
**Самарқанд вилоят сил касалликлари диспансери врачи**



Ю.ТАсадуллаева 1962 йил 29 ноябрь куни Сурхондарё вилоят Термез шаҳрида туғилган. У 1970-1981 йиллар ўрта мактабда ўқиб, 1981 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Олийгоҳни битириб, 1987 йил Қарши шаҳар поликлиникасида интернатура ўтди. 1987-1997 йиллар реабилитация марказида ишлади. 1998-2012 йиллар Самарқанд вилоят Кафтархона маҳалла амбулаториясида меҳнат қилди. 2012 йилдан ҳозирги вақтгача Сил касалликлари диспансерида фаолият юритиб келмоқда.

Республикамиз Биринчи Президентининг раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар юксак самаралар берди. Сил касаллиги билан

касалланишни камайтириш ва унинг олдини олиш дастури амалга оширилиши кейинги беш йилда касалланиш кўрсаткичини 38 фоизга, аҳолининг сил касаллиги туфайли ўлимини – 45 фоизга камайтиришни таъминлади.

Шу билан бирга, сил касаллигига қарши муассасалар фаолиятида профилактика даражасини ошириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати билан боғлиқ ҳал этилмаган масалалар ҳануз сақланиб қолмоқда. Сил касаллигига қарши муассасаларнинг аксарияти мукаммал таъмирлашни, реконструкция қилишни ва замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашни талаб қилади, ярмидан кўпи кам қувватли ва мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган. Кўпчилик муассасалар фтизиатр врачлар, айниқса тор ихтисосли мутахассислик врачлари билан етарлича таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги 62-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори сил касаллиги профилактикаси ва уни даволаш ишларини янада такомиллаштириш, сил касаллигига қарши хизматнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, республиканинг сил касаллигига қарши муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Сил касаллиги ижтимоий хавфи юқори хасталиклар тоифасига киради. Мамлакатимизда бундай беморлар давлат муҳофазасига олинган. Уларга барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади, дори-дармон бепул берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари, жумладан, вилоятлардаги шифохоналар ҳам касалликни аниқлаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий аппаратлар билан таъминланган.

Касаллик профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишлари замонавий йўлга қўйилган. Бу жараёнда жаҳон тиббиётининг илғор услулларидан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, тиббий текширувларнинг бактериологик асосда ташкил этилаётгани хасталикни эрта аниқлаш, халқаро стандартлар асосида даволаш имконини бермоқда. Мазкур касалликнинг олдини олиш, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, зарур дори воситалари билан ўз вақтида таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, чақалоқ ва болаларни махсус вакциналар билан эмлаш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

II тоифали врач Ю.ТАсадуллаева мазкур қарорни ҳаётга татбиқ этиш борасида қатор йиллардан бери аҳолига малакали беғараз тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. У, айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

## Қиличев Жиян Жаҳонович
## Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси Сафохўжа қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори



Қиличев Жиян 1963 йил 16 февраль куни Самарқанд вилоят Иштихон туман Муродобод қишлоқ фуқаролар йиғини Сафохўжа қишлоғида таваллуд топган. У 1970-1980 йиллар Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли 41-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. Ўқишни тугатиб Россия Федерациясининг

Куйбишев тиббиёт институтини ҳарбий тиббиёт факультетига таҳсил олди. Шундан сўнг Россия федерациясининг Владимир шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда 1988-1998 йиллар хизмат қилди. 1998 йилдан бошлаб Самарқанд вилоят Иштихон туман Сафохўжа қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори сифатида ҳозиргача ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Олий тоифали врач Ж.Ж.Қиличев Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури туғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада намунали ташкил қилинган. Шунингдек, аҳолини соғлом турмуш тарзини шакллантириш тамойиллари бўйича тиббий маданиятини ошириш тадбирлари самарали олиб борилмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Ибрагимова Одилабегим Одиловна
## Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи



О.О.Ибрагимова 1963 йил 25 март куни Каттақўрғон шаҳрида туғилган. У 1980 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетига ўқишга кирди. 1986 йил мазкур олийгоҳни тамомлаб санитария-гигиена врачи мутахассислигини олди. Илк меҳнат фаолиятини 1987 йилда Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг санитария-гигиена лавбораториясида врач-лаборант

сифатида бошлади. Бу вазифада 14 йил ишлаб ўзининг ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаларини бойитди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир неча бор малака оширди. 2011 йилдан ҳозирги вақтгача эса Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария бўлимида санитария врачи бўлиб меҳнат қилиб келмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш, халқимизнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлишини яхши тушунган малакали мутахассис, олий тоифали врач О.О.Ибрагимова Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада ривожлантириш ишида астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Солиева Ҳожар Ибрагимовна**
**Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси Темирак қишлоқ врачлик пункти мудираси**



Ҳ.И.Солиева 1963 йил 11 апрель куни Самарқанд вилояти Оқдарё туман Зарафшон жамоа хўжалиги Найман қишлоғида дунёга келган. У 1970-1980 йиллар Оқдарё туман халқ таълими бўлимига қарашли 19-сонли ўрта таълим мактабида таҳсил олди. 1983 йил

Самарканд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Мазкур олийгоҳни 1989 йилда тугатиб. Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида врач-иммунолог бўлиб иш фаолиятини бошлади. 2003 йил Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси Темирак қишлоқ врачлик пункти мудираси этиб тайинланди ва ҳозиргача ушбу лавозимда фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлок ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Х.И.Солиева Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700 сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

«Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида қишлоқ врачлик пункти зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари, шунингдек, аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ушбу муассасада намунали ташкил қилинган.

I тоифали врач Ҳ.И.Солиева доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Мирзаев Саъдулло Ғайбуллаевич
## Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси врачи

С.Ғ.Мирзаев 1963 йил 15 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ўрамас қишлоғида дунёга келган. У 1971-1981 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 26-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1984-1991 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1991 йил Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси врачи бўлиб бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзининг илк врачлик иш фаолиятини Республикамиз Мустақилликга эришган бир вақтда бошлаган. С.Ғ.Мирзаев мамлакатимиз

Президенти ва ҳукуматнинг соғликни саклашни ислоҳ килиш тўғрисидаги Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини яхши билади ва уларни тиббиёт ходимлари ҳамда аҳолига доимий равишда етказиб туради.

Мамлакатимиз Истиклолга эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофик ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иктисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади.

Тиббиётда ислоҳотларни амалга оширишда кескин бурилиш ясаган ушбу Фармон барча тиббиёт ходимлари қатори С.Ғ.Мирзаевни ҳам бефарқ колдирмади. Аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш тадбирларида фаол қатнашди.

2016 йилдан бошлаб тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги даври бошланди. Аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш ушбу ҳужжатлар асосида малакали мутахассис С.Ғ.Мирзаев ҳозирги вақтда, янги ислоҳотлар даврида Ургут туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

I тоифали врач С.Ғ.Мирзаев доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди 8 набираси бор.

## Улашева Дилором Қосимовна
## Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачи



Д.Қ.Улашева 1963 йил 11 май куни Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Украч қишлоғида дунёга келган. У 1970-1980 йиллар Самарқанд (Тайлоқ) туман халқ таълими бўлимига қарашли 30-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1981-1987 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1987-1988 йиллар Темирйўл туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида интернатура ўтаган. 1988 йил Ургут туман Давлат санитария-эпидемилигия назорат маркази санитария-гигиена таҳлилхона врач-лаборанти бўлиб ишлади. 1988-1991 йиллар Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена лабораторияси врач-лаборанти, 1991-1994 йиллар Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-эпидемиологи бўлиб меҳнат қилди. 1994 йил Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлими мудири, 1994-1996 йиллар шу марказда врач-эпидемиолог, 1996-2001 йиллар Сиёб туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-эпидемиологи вазифаларида хизмат қилган.

2004 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маъданиятини янада ошириш бўйича Ўзбекистонда катта ишларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Қонуннинг муҳим аҳамияти шундаки унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда, юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий хизмат билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Қонундан руҳланган тажрибали мутахассис сифатида Д.Қ.Улашева ҳозирги кунда ўз фаолиятини ана шу тадбирларни астойдил олиб бормоқда.

Мунтазам равишда ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Каримов Амри Эргашевич**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ш.Рашидов қишлоқ врачлик пункти мудири**



А.Э.Каримов 1963 йил 1 июнь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ш.Рашидов жамоа хўжалиги Қойракли махалласида таваллуд топган. 1970-1980 йилларда Ургут туман халк таълими бўлимига қарашли 26-сонли ўрта таълим мактабида сабок олди. 1988-1995 йиллар СамПИда ўкиди. 1996-2015 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қатор қишлок вралик пунктларида ишлаган. 2015 йилдан ҳозиргача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ш.Рашидов қишлоқ вралик пункти мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги карори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури хамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича таксимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида хам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш

Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700 сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида А.Э.Каримов астойдил меҳнат қилди.

«Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида қишлоқ врачлик пункти зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада намунали ташкил қилинган.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Ўринов Бурхон Жиянбоевич
## Самарқанд вилоят Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари



Б.Ж.Ўринов 1963 йил 26 июль куни Самарқанд вилояти Жомбой тумани Ҳақиқат жамоа хўжалигида таваллуд топган. 1985-1991 йилларда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида таҳсил олган. Олийгоҳни Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка

эришиш арафасида тамомлаб Самарканд вилоят болалар жаррохлик касалхонасида интернатура ўтаган. 1992 йилда Самарканд вилояти Жомбой туман марказий шифхонаси врач-реаниматологи вазифасида илк мустакил меҳнат фаолиятини бошлади. Самарали меҳнати туфайли уни 1997 йилда мазкур бўлимга мудир этиб тайинлашди. 2003 йилдан бошлаб Самарканд вилоят Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиги, бошлиқ ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатиб келди.

Соғликни саклаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар таркалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғликни саклаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғликни саклаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари қабул қилинди. Соғликни саклаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш, тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан

таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш, аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш, аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини, айниқса, қишлоқ жойларда, янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш каби тадбирларни Б.Ж.Ўринов Жомбой туман соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширишда фаол қатнашди.

2009-2014 Халқ депутатлари Жомбой туман Кенгашининг депутати этиб сайланган. 2014 йилдан Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг Жомбой туман бўйича бошланғич ташкилоти раиси вазифасини жамоатчилик асосида бажариб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор: 2 ўғил ва 1 қиз. Турмуш ўртоғи Ўринова Саломат Жомбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман кўптармоқли марказий поликлиникаси шифокори бўлиб ишлайди.

## Тайиров Актам Маматович
## Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи



Иштихон туман ДСЭНМ бош врачи Тайиров Актам Маматович 1963 йил Иштихон тумани Равот қишлоқ фуқаролар йиғини Суғат қишлоғида туғилган. У меҳнат фаолиятини Иштихон тумани “8-март” жамоа хўжалигида 1978 йилда ишчи бўлиб бошлаган. 1981-1983 йилларда Собиқ Иттифоқ қўшинларида ҳарбий хизматда бўлган. 1983-1984 йилда Иштихон тумани “8 март” жамоа хўжалигида спорт ишлари бўйича мутахассис бўлиб ишлаган.

1988-1992 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетида таҳсил олган. Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида 1992-1993 йилларда санитария ва эпидемиология врачлиги бўйича интернатура ўтаган. 1993-2001 йилларда Иштихон тумани Давлат санитария-эпидемиолгия назорат марказида врач эпидемиолог бўлиб ишлаган ва туманда тиф-паратиф ва бошка юқумли касалликларни бартараф этишда самарали фаолият кўрсатган. 2001-2007 йилларда "пуллик хизмат" бўлими бошлиги ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш бўйича бош мутахассис, 2007-2011 йилларда даволаш-профилактика муассасалари ва ОИТС профилактикаси бўлими, санитария бўлими мудири ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўйича бош мутахассис, 2011-2012 йилларда санитария бўлими мудири, 2012 йилда бош врач вазифасини бажарувчи ва санитария бўлими мудири, 2013-2014 йилларда Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи лавозимида ишлаб келган.

Давлатимиз халқимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни келтириш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Қонундан илҳомланган А.М.Тайиров хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга

қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб борди.

Олий тоифали санитария врачи А.М.Тайиров ўзининг меҳнат фаолияти давомида туманда юқумли ва паразитар касалликларни камайтириш, туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда, янги шаҳарсозлик ва қишлоқ қурилиш соҳасида, ободонлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишларида фаол қатнашиб фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси аъзоси.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Ходжаев Мирзоқул Бўриқулович
## Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш марказининг Самарқанд худудий бўлими ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари



М.Б.Ходжаев 1964 йил 1 январь куни Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Ҳуфар фуқаролар йиғини, Ҳуфар қишлоғида туғилган. У 1981 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди ва ушбу олийгоҳни 1992 йилда битирди. 1985-1992 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон поликлиникада навбатчи фельдшер, Сурхондарё вилоят Сариосиё туман шифохонаси қошидаги ўсмирлар поликлиникаси, Охунбобоев қишлоқ врачлик пунктида врач-терапевт, Ҳуфар қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлаган. 2002-2007 йиллар Самарқанд таянч тиббиёт коллежида асаб ва руҳий касалликлар фани ўқитувчиси, 2007-2009 йиллар Ургут тиббиёт коллежида ўқув-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2009-2012 йиллар Сўзангарон

тиббиёт коллежида терапия фани ўкитувчиси бўлиб меҳнат килди. 2012-2014 йиллар Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказининг Самарқанд ҳудудий бўлимида ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади ва 2014 йилдан ҳозирги вактгача Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказининг Самарканд ҳудудий бўлимида услубхона мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ходжаев Мирзокул ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашда 2002-2007 йилларда Самарканд таянч тиббиёт коллежида терапия, асаб ва руҳий касалликлар фанидан дарс бериш билан биргаликда ўз қўли билан ўкув куроллар яратди (гипсдан, кўғирчоқдан полиневрит белгилари ва картон қоғозидан ички аъзоларни ясади).

2007-2009 йилларда Ургут тиббиёт коллежида ўкув-услубий ишлар буйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб ўкув-услубий хужжатларни яратишга, ўкув хоналарини фан хоналарига мос равишда тайёрлашда ва мутахассис нопедагог ходимларга меъёрий хужжатларни тўғри юритишни йўлга қўйишда ўз ҳиссасини қўшди. 2009 – 2012 йилларда Сўзангарон тиббиёт коллежида кафедралар уюшмаси раҳбари сифатида янги кафедра мудирларини тарбиялади ва барча мутахассислик фанларига кафедралар ва кафедра мудирларини тайинлашга ўз ҳиссасини қўшди.

2012 йилдан бошлаб Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Самарқанд ҳудудий бўлимида ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари ва 2014 йилдан бошлаб бир вақтнинг ўзида Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Самарқанд ҳудудий бўлимида услубхона мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Ушбу вакт ичида бўлимда 24 та фанга маъруза матнлар (қоғоз ва электрон шакли), ўкув – услубий қўлланмалар (қоғоз ва электрон шакли), амалий кўрсатмалар (қоғоз ва электрон шакли) тайёрлашда

ўз хиссасини кўшди ва ўзи ҳам якка муаллифликда терапия, массаж, физиотерапия, даволаш, жисмоний бадан тарбия ва тиббий реабилитация, спорт ва физиотерапияда ҳамширалик иши, тиббиёт валеологияси фанларидан маъруза матнлари ва услубий қўлланмаларни яратди. Бундан ташқари "Овози Самарқанд" газетасига мақолалар ёзиб туради.

Ўз ҳаётий тажрибаларидан "Ҳамширанинг ўзгача кундалиги" деган қўлланмасини тайёрладики, барча хонандаларга манзур бўлди.

2015 йил март ойида "Баҳори Ҳуфар" бадиий ва шеърият китоби нашрдан чиқди. Иккинчи китоби ҳам нашрга тайёрланган. Бўш вақтларида шеърлар ва мақолаларни тожик ва ўзбек тилларида ёзишни хуш кўради.

2015 йил дастурлар, ишчи дастурлар, ишчи ўқув режалар фанлар кесимида жамоа билан биргаликда яратди ва мингга яқин барча фанлар бўйича презентациялар ва очиқ дарслар видеороликларини устоз-шогирд услубида яратишга муваффақ бўлди. 2016 йил ихтисослаштирилган гуруҳлар учун дастурлар асосида, ишчи дастурлар, ўқув режа асосида ишчи ўқув режаларни фанлар кесимида жамоа билан биргаликда яратди ва мингга яқин барча фанлар бўйича презентациялар видеоролик ва очиқ дарсларни видеороликларини устоз-шогирд услубида яратишга эришди.

Билимдон, малакали педагог, ҳам врач ҳам олим ва зукко шоир сифатида танилган М.Б.Ходжаев 30 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Тиббиётнинг турли долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор услубий қўлланмалари ва шеърий тўпламлари чоп этилган:

1. ВАЛЕОЛОГИЯ
2. ҲАМШИРА КУНДАЛИГИНИ ЎЗГАЧА УСЛУБИ
3. ИНФЕКЦИОН НАЗОРАТ
4. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР
5. ТИШ ТЕХНИКИ
6. МАССАЖ УСЛУБИ

7. ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ. СПОРТ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ
8. ТЕРАПИЯДА НАЗАРИЙ. АМАЛИЙ
9. ФУНКЦИОНАЛ ДИАГНОСТИКА
10. СУД-ТИББИЁТИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА ПАТАЛОГИК-АНАТОМИЯ ХИЗМАТИДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
11. СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ
12. РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР
13. ТИББИЙ СТАТИСТИКА
14. ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА
15. ПЕДИАТРИЯДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ
16. КЛИНИК ЛАБОРАТОРИЯ ВА БОШҚАЛАР.
17. КИТОБ "БАҲОРИ ҲУФАР"

Ҳозирги кунда талабаларга дарс бериш жараёнида, ислоҳотларнинг янги даврининг ҳукуқий асоси саналмиш соҳага оид Президент Фармон, Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган дастурлардан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, М.Б.Ходжаев давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сонли "Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини мамнуният билан қабул қилиб ҳозирги кунда ўз педагогик фаолиятини мазкур Қарор асосида олиб бормоқда.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Бекбаева Мохира Садиновна
## Самарқанд вилоят Пахтачи туман марказий касалхонаси туғруқхона бўлими врач-неонатологи



М.С.Бекбаева 1964 йил 13 мартда Самарқанд вилоят Пахтачи туман Ўргич маҳалласида туғилган. 1971 йилда Пахтачи туман халқ таълими бўлимига қарашли 37-ўрта таълим мактабнинг 1-синфига бориб, уни 1981 йил олтин медал билан тугатди. 1982-1988 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни тугатиб, 1 йил давомида Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар шифохонасида педиатрия бўйича интернатура ўтади.

1989-1997 йиллар Самарқанд вилоят Пахтачи туман марказий касалхонаси туғруқ бўлимида микропедиатр бўлиб ишлади. 1997-1999 йилларда Пахтачи туман ҳокимлигида туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида меҳнат қилди. 1999 йилдан ҳозирги вақтгача Пахтачи туман марказий касалхонаси туғруқхона бўлимида врач-неонатолог вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

М.С.Бекбаева Пахтачи туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида фаолият юритган даврида аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, тиббиёт муассасалари материал техник базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида анча ижобий ишларни амалга оширди. Айниқса, мамлакатимиз Мустақилликка эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда

амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади.

Тиббиётда ислоҳотларни амалга оширишда кескин бурилиш ясаган ушбу Фармон барча давлат ҳокимияти ва тиббиёт ходимлари қатори Пахтачи туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, олий тоифали врач М.С.Бекбаева ҳам мазкур фармонни ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди. Аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш тадбирлари туманда жадал равишда олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Қарордан

руҳланган билимдон мутахассис оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишида ундан самарали фойдаланиб келмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси;

2019-2022 йилларда юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланди.

Тиббиёт соҳасининг энг долзарб масалаларидан ҳисобланмиш ноинфекцион касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш борасида малакали мутахассис, олий тоифали врач М.С.Бекбаева тиббиёт жамоатчилиги ва аҳолининг кенг қатлами орасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Кўп йиллик самарали фаолияти муносиб тақдирланган. Вилоят ва туман ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг Фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан мукофотланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Мелибаев Эркин Муродович**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлим мудири**

Э.М.Мелибаев 1964 йил 4 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут туманида дунёга келган. У 1971-1981 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1982-1988 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1988-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қарашли 1-сонли клиника реанимация бўлимида интернатура ўтаган. Меҳнат фаолиятини 1989 йил Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими мудирлигидан бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш

тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади.

Тиббиётда ислоҳотларни амалга оширишда кескин бурилиш ясаган ушбу Фармон барча тиббиёт ходимлари қатори олий тоифали врач Э.М.Мелибаевни ҳам бефарқ қолдирмади. Аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш тадбирларида фаол қатнашди.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Унинг кўпйиллик самарали хизматлари муносиб баҳоланиб, бир неча бор Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 4 нафар набираси бор.

**Норматов Облоберди Хазраткулович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Узун**
**қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори**

О.Х.Норматов 1964 йил 11 май куни Самарқанд вилоят Ургут туман Узун маҳалласида дунёга келган. У 1980 йил Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 78-сонли ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди ва мазкур олийгоҳни 1986 йил битирди. 1986-1987 йиллар Самарқанд вилоят шифохонасида интернатура ўтди. 1987-1997 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасида врач бўлиб меҳнат қилди. 1997 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Узун қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ва Ургут туманида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

О.Х.Норматов Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури туғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон

Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари қатори Ургут туман Узун қишлоқ врачлик пункти ҳам «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» лойиҳаси асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди.

Узун қишлоқ врачилик пунктида ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада яхши ташкил қилинган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш услублари, уларнинг тиббий саводхонлиги ва маданиятини янада ошириш ҳақида мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

I тоифали врач О.Х.Норматов доимо ўз устида ишлайди, ўқийди. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатган. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида, 2017 йилда эса "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва

амалий кўникмаларга эга бўлди. О.Х.Норматов "Мустакилликнинг 10 йиллиги" нишони билан такдирланган.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

**Асадова Мастура Азизовна**
**Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси Гулистон қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори**

М.А.Асадова 1964 йил 25 июнь куни Самарканд вилоят Самарканд тумани Мароканд жамоа хўжалиги (собик "Ленин байроғи" колхози) Сари-Мозор маҳалласида таваллуд топган. У 1971-1980 йиллар Самарқанд туман 17-ўрта мактабда ўкиган. 1981-1988 йиллар Самарканд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олган. 1989 йилдан то ҳозиргача Самарканд туман Гулистон қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. У врачлик фаолиятининг илк davриданоқ умумий амалиёт шифокори сифатида қишлоқ врачлик пунктида фаолиятини бошлади ва уни Биринчи Президентимиз Фармон, Қарорлари асосида олиб бормокда.

Қишлоқнинг иктисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун кулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда кишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ана шу қарорни бажариш борасида вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари қатори Самарқанд туман Гулистон қишлоқ врачлик пунктида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуна ва янги жиҳозлар билан таъминланди. Бу борадаги ишларда малакали врач М.А.Асадова ҳам катта ҳисса қўшди.

ҚВПларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишдир. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келади.

М.А.Асадова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси,

диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофик ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланишини яхши тушунган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Бозоров Фахриддин Мажитович**
**Самарқанд вилоят Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими бошлиғи**



Ф.М.Бозоров 1964 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Чайжовул маҳалласи, Чайжовул қишлоғида туғилган. У 1972 йил Иштихон туманидаги 2-сонли ўрта мактабнинг 1-синфига бориб, 1982 йилда шу мактабни

аъло баҳоларга тамомлаган. 1983 йили армия сафига ҳарбий хизматга чақирилди ва 1985 йилда Москва шаҳрида хизматни тугатди. 1985 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетига ўқишга кириб, 1991 йилда ўқишни тамомлади. Шу йилнинг ўзида Самарқанд вилоят санитария-эпидемиология станциясига интернатура ўташ учун юборилди. 1992 йили интернатурани тугатиб, Иштихон туман санитария-эпидемиология станцияси экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш бўлимида санитария врачи бўлиб иш бошлади. 1994 йилдан бошлаб коммунал гигиена бўлимида санитария врачи бўлиб ишлади. Ишга бўлган ижобий муносабати, меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилигини ҳисобга олган раҳбарият 1996 йилда туман санитария-эпидемиология станциясининг паразитология бўлими бошлиғи вазифасига тайинлади. Шу давр мобайнида Иштихон туман аҳолиси орасида инфекцион ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш борасида фидокорона меҳнат қилиб бормоқда. 1998 йили ва 2008 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро паразитологлар анжумани қатнашчиси.

Безгак касаллиги ва гижжа касалликларини олдини олиш борасида кўпгина ишлар олиб борди. Ҳозирги кунга қадар Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида паразитология бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги "2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар орасида гельминтозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 9-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган ҳолда харид қилиши учун ажратиладиган маблағлари хисобидан антигельминт препаратлари сотиб олиниши ва йилда 2 маротаба республиканинг барча 2-6 ёшли ва 7-10 ёшли болалар орасида дегельминтизация тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган.

Қарорда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда бутун вилоят тиббиёт ходимлари қатори Иштихон туман Давлат

санитария-эпидемиология назорат маркази туман даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда ўқийдиган барча талаба ёшларни лаборатория текширувидан ўтказиб гельментлар топилган болаларни зудлик билан дегельментизация (гижжани тушириш) қилиш чора-тадбирларини ўтказишди. Шунингдек, болалар ўртасида гижжа касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида тушунтириш ишлари амалга оширилди. Иштихон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири сифатида Ф.М.Бозоров бу тадбирларни ўтказишда фаол қатнашиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 3 нафар набираси бор.

## Ҳайдаров Машраб Абдуғаниевич
## Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиенаси бўлими санитария врачи



М.А.Ҳайдаров 1965 йил 10 март куни Самарқанд вилоят Тайлоқ туманида таваллуд топган. У 1971-1981 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 92-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1986 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтига кириб, 1992 йил 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатган. 1992-1993 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида интернатура ўтаб амалий кўникма ва назарий билимларини янада бойитди. 1993-1996 йиллар Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи, 1996-1999 йиллар Боғишамол туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал бўлимида ишлади. 1999-2010 йиллар Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал бўлими санитария врачи, 2010-2016

йиллар Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария бўлими мудири вазифасида меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиенаси бўлими санитария врачи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бу эса хизмат тизимини жойларда қонуний тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Санитария қонунлари бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони чиқди. Бу муҳим ҳужжат аҳолининг соғлом турмуш тарзини юзага келтириш ўз ҳудуди озодалигини сақлаш масъулиятини кучайтиришга хизмат қилди.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунлардан руҳланган олий тоифали врач М.А.Ҳайдаров унда белгиланган тадбирларни бажаришда фаол қатнашди.

Мамлакатимизда кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди. Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ҳозирги вақтда малакали мутахассис М.А.Ҳайдаров тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Президентимизнинг янги

Фармон ва Қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Кудрина Елена Владимировна**
**Врач-лаборант санитарно-гигиенической лаборатории Самаркандского областного центра Государственного санитарно-эпидемиологического надзора**



Е.В.Кудрина родилась 29 апреля 1965 года в городе Самарканде Самаркандской области. Она 1972-1982 годах училась в средной школе №34 Самаркандского городского отдела народного образования. 1987 году окончила биологический факультет Самаркандского Государственного Университета. После окончания высщего учебного заведения с 1987 года до настоящего времени работает врачом лаборантом Самаркандского областного центра Государственного санитарно-эпидемиологического надзора.

В целях регулирование отношений в области санитарно-эпидемиологического благополучия населения принят Закон Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения» от 26 августа 2015 года за № ЗРУ-393.

Согласно настоящего закона государственная санитарная служба Республики Узбекистан руководит санитарно-эпидемиологической службой, определяет основные задачи и приоритетные направления осуществления государственного санитарного надзора, утверждает санитарные правила, нормы и гигиенические нормативы, нормативно-техническую документацию по определению влияния факторов окружающей среды на организм человека, выдает разрешения на ввоз в Республику Узбекистан и производство новых пищевых добавок, специально вводимых биологически активных веществ,

химических веществ, биологических средств и материалов, полимерных и пластических масс, парфюмерно-косметической продукции на основании их токсиколого-гигиенической оценки, а также производить выемку пищевых продуктов, изделий, предметов и материалов для санитарно-гигиенической экспертизы, лабораторных исследований, проводить необходимые лабораторные и инструментальные исследования непосредственно на объектах. Все выщеуказаное мероприятия невожможно без проведения лабораторно-инструментальных обследований объектов и анализов на соответсвие ГОСТ, что обязывает Е.В.Кудриной участвоват и провести исследование.

Она постоянно занимается над повышением своего знания. Неоднократно прошла усовершенствование в городах Ташкенте и Самарканде. Последный раз 2018 годе прошла усовершенствования в курсе общественное здоровья и организация здравоохранения Самаркандского Государственного медицинского института по циклу "Валеология" и повышала свои теоритические знания и практические навыки.

Врач высшей категории Е.В.Кудрина своим долголетным и безупречным трудом внесла большой вклад в развитие Государственной санитарно-эпидемиологической службы Самаркандской области. Неоднократно награждена почетной грамотой и дипломами руководство Самаркандской области.

**Мухаммадалиева Нигора Абдусаломовна**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 38-сонли А.Навоий қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири**



Н.А.Мухаммадалиева 1965 йил 30 апрель куни Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Талибарзу маҳалласида дунёга келган. У 1992 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битириб, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли

Даштаки боло қишлоқ врачлик пункти врач-педиатри сифатида иш бошлади ва шу вазифада 1997 йилгача меҳнат қилди. 1997-2016 йиллар Самарқанд шаҳар 2-сон болалар поликлиникаси врач-педиатри вазифасида хизмат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 38-сонли А.Навоий қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Врачлик фаолиятини Республикамиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ бошлаган Н.А.Мухаммадалиева тиббиётда ислоҳларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари ҳамда тиббиётга оид Қонунлар асосида иш ташкил қилишни чуқур ўрганиб олди.

Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш республикамиз Президенти ва ҳукуматининг доимий диққат марказида туради. Айникса, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ва даволаш-диагностика комплекс чора-тадбирларини янада кучайтириш, айникса, қишлоқ жойларда оналар ва болалар саломатлиги патронаж тизимини такомиллаштириш, педиатрия ва туғруққа тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғликни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича Давлат дастури маъқулланди. Дастурнинг асосий мақсади этиб аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, нонормал ривожланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб қилиш каби тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Ана шу белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида кўп йилдан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Айниқса, Н.А.Мухаммадалиева тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Республика Президенти томонидан чиқарилган Фармон ва Қарорларнинг амалга оширишда катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2857-сонли қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 136 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган “Дори-дармон” АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини

тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда биринчилар қатори ташкил қилинган А.Навоий қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири Н.А.Мухаммадалиева фаол иштирок этиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

**Муштакова Гулчеҳра Мурадовна**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 7-сонли оилавий поликлиника врачи**

Г.М.Муштакова 1965 йил 30 июль куни Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Ҳазора маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида таваллуд топган. У 1972-1982 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 49-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1982-1988 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олди. 1988-1989 йиллар Самарқанд вилоят шифохонасида интернатура ўтаган. Меҳнат фаолиятини 1990 йил Самарқанд қариялар ва ногиронлар интернатида бошлаган ва 1996 йилгача шу муассасада хизмат қилди. 1996 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 7-сонли оилавий поликлиникаси врачи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Г.М.Муштакова Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат

тиббиёт институти ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Г.М.Муштакова билимдон мутахассис шифокор сифатида ўзининг иш фаолиятини ана шу Фармон ва Қарорлар асосида олиб бормоқда.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Нуфузли конференция ва анжуманларда қатнашган. Охирги марта 2017 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Арабова Гулшод Жўраевна**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори**



Г.Ж.Арабова 1965 йил 30 июль куни Қашқадарё вилоят Қарши тумани Бешкент шаҳрида таваллуд топган. У 1972-1982 йиллар Бешкент шаҳри халк таълими бўлимига қарашли Ойбек номли 12-сонли ўрта мактабда ўкиган. 1982-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. 2012 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Олий тоифали умумий амалиёт шифокори Г.Ж.Арабова ўзининг иш фаолиятини ана шу Фармон ва Қарорлар асосида олиб бормоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Хатамов Дилмурод Ширинбаевич
## Самарқанд таянч тиббиёт коллежи "Ҳамширалик иши" бўлими бошлиғи



Дилмурод Ширинбаевич 1965 йил 10 сентябрь куни Пойарик тумани Халқобод жамоа хўжалиги, Туркмановул қишлоғида туғилган. Пойариқ туманида ўрта мактабни тугатган.

1985-1986 йилларда Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумані Ҳамза деҳқон хўжалигида ишчи. 1986-1988 йилларда Қуролли кучлар сафида, 1989-1994 йилларда Самарқанд тиббиёт институти талабаси, 1994-1995 йилларда Самарқанд шаҳри тез тиббий ёрдам марказида врач интерна, 1995-2002 йилларда Самарқанд тиббиёт коллежида хирургия фани ўқитувчиси, 2002-2010 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи Ҳамширалик иши бўлими бошлиғи, 2010-2015 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи ўқув ишлари бўйича директор муовини, 2015-2016 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директори, 2016-2018 йилларда жарроҳлик фани ўқитувчиси, 2018 йилдан бошлаб Ҳамширалик иши бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, Илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони қабул қилинди.

Қарорда илғор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш

тизимини ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланиши қайд этилган.

Махсус клиникалар ва тиббий марказларга қўйиладиган талабларга эътибор берадиган бўлсак, улар яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиши, юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиши ҳамда ўз тиббий амалиётида юксак жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллашни амалга ошириши зарур. Қарорда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун тиббиёт коллежлари олдида чуқур билимли ва тажрибали ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш масъулияти юкланган. Бу каби ўта долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд таянч тиббиёт коллежи Ҳамширалик иши бўлими бошлиғи сифатида Дилмурод Ширинбаевич коллеж ўқитувчилари ва талабалар ўртасида кенг муҳокама қилишда жонбозлик кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Уларга 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, босқичма-босқич пулли

тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, 2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, шифокор кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга бўлган қўшимча эҳтиёжлар ҳамда 1999-2005 йилларда тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурлари киради.

Ҳозирги кунда тажрибали ва моҳир педагог Дилмурод Ширинбаевич ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш юқоридаги фармон ва қарорларни дастуруламал қилиб фаолият олиб бормоқда. Тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” (Тошкент. 2016 й.) ва “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” (Тошкент. 2017 й.) номли китобларини ўқитувчилар ва талабалар ўртасида кенг муҳокама қилиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини барчага етказишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Унинг таълим тарбиявий маънавий-маърифий ишларидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг «Фидойи мураббий» кўкрак нишони, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари ва Самарқанд таянч тиббиёт коллежи маъмуриятининг қатор «Фахрий ёрлиқ»лари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 2 нафар невараси бор.

## Ҳотамов Ҳоликул Рузиқулович
## Самарқанд вилоят Ургут туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи



Ҳ.Р.Ҳотамов 1965 йил 15 сентябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Узун маҳалласида дунёга келган. У 1971-1981 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 58-сонли ўрта мактабда

ўқиган. 1989-1995 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1995-2000 йиллар Ургут туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиолог-врач бўлиб ишлади. 2000-2016 йиллар ушбу марказнинг дезинфекция бўлими мудири лавозимида меҳнат килди. 2017 йилдан ҳозирги вактгача Ургут туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз халкимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида катор Қонун ва карорлар кабул килиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда кабул килинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш максадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни келтириш мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза килиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун кулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш оркали юқумли касалликларга карши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Билимдон мутахассис Ҳ.Р.Ҳотамов туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши устидан каттиқ назорат олиб бормоқда.

Ҳ.Р.Ҳотамов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат

тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

Ҳозирги кунда, тиббиётдаислоҳотларнинг янги даврида мамлакатимиз Президентининг тиббиётга оид Фармон ва Қарорларини амалга ошириш борасида меҳнат қилиб келмоқда

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Худайназаров Давранбой Назарович
## Самарқанд вилоят Булунғур туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи

Д.Н.Худайназаров 1965 йил 20 сентябрь куни Сирдарё вилоят Янгиер туманида дунёга келган. У 1972-1982 йиллар Самарқанд вилоят Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 13-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1983-1989 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетида таҳсил олган. 1991-1992 йиллар интернатура ўтаган. 1992-2016 йиллар Самарқанд вилоят Булунғур туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-эпидемиологи бўлиб ишлади. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача ушбу марказнинг бош врачи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг давлатимиз раҳбарияти томонидан халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келинмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни келтириш мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ

умр кечириши учун кулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмокда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юкумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва таркалишининг олдини олиш, эмлаш оркали юкумли касалликларга карши курашишда сезиларли натижаларга эришилмокда. Билимдон мутахассис Д.Н.Худайназаров туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юкумли касалликлар ва овкатдан захарланишларнинг пайдо бўлиши ва таркалишининг олдини олиш максадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена коидаларининг бажарилиши устидан каттиқ назорат олиб бормокда.

Д.Н.Худайназаров доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш максадида бир неча бор Тошкент ва Самарканд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғликни саклашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғликни саклашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

Д.Н.Худайназаров 2017 йил Конституциянинг 25 йиллиги кўкрак нишони билан такдирланган. У Халк демократик партияси аъзоси.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 2 набираси бор.

**Қаландарова Муҳаббат Дурдибоевна**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Янгиарик қишлок врачлик пункти мудири**

М.Д.Қаландарова 1965 йил 29 сентябрь куни Бухоро вилоят Олот туман Чандир қишлоғида таваллуд топган. У 1972-1982 йилларда Олот туман халк таълими бўлимига карашли 7-сонли ўрта таълим мактабида сабок олди. 1983-1989 Самарканд Давлат тиббиёт

институтига ўқишга кирди. 1989-1990 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг 1-сон поликлиникасида бир йиллик интернатура ўтди. 1991 йилдан Ургут туман Янгиариқ қишлоқ участка шифохонасида врач-педиатр, 2007 йилдан умумий амалиёт шифокори, 2011 йилдан қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва фармойишларини амалга ошира бориб хизмат доирасидаги аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини оширишга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

М.Д.Қаландарова Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт

муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғрукхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада яхши ташкил қилинган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш услублари ҳақида доимо профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қатор Фармон ва Қарорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида чиқарган Фармон ва Қарорларини бажара бориб, ҳудуддаги мактаб ва коллежлар ўқувчилари ҳамда маҳаллалар аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг бу борадаги тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Олиб борилган кўпйиллик самарали меҳнати туфайли аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини анчагина яхшилашга эришди.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни

ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Ачилов Каримжон Абдурахмонович**
**Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария бўлими мудири**



К.А.Ачилов 1965 йил 6 декабрь куни Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. У 1988-1994 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳида ўқиган. 1994 йилдан то ҳозиргача Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида санитария бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш, халқимизнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Буни яхши тушунган малакали мутахассис, олий тоифали врач К.А.Ачилов Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада ривожлантириш ишида астойдил хизмат қилмоқда.

Каттақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари, шу жумладан, К.А.Ачилов ҳам санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, овқатдан

заҳарланишларнинг, хавфли юкумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва таркалишининг олдини олиш, эмлаш оркали юкумли касалликларга карши курашишда сезиларли натижаларга эришиб келмокда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Бабанова Зайнаб Эшниязовна**
**Самарканд вилоят Самарканд шаҳар 2-сон оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори**



З.Э.Бабанова 1965 йил 21 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳрида туғилган. У 1973-1983 йиллар Хўжайли шаҳар халк таълими бўлимига қарашли 2-сонли ўрта мактабда сабоқ олди. 1985-1991 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олди. 1991-1992 йиллар Самарқанд вилоят болалар шифохонасида интернатура ўтаб, амалий кўникма ва назарий билимларини янада оширди. 1992-1993 йиллар Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида врач, 1993-2014 йиллар Самарқанд вилоят 5-сон болалар поликлиникасида врач-педиатр бўлиб ишлади. 2014-2016 йиллар Шарқона даволаш марказида врач бўлиб меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят 2-сон оилавий поликлиникасида умумий амалиёт шифокори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи

перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Қарордан руҳланган билимдон мутахассис оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишида ундан самарали фойдаланиб келмоқда.

Кўпйиллик меҳнатлари туфайли диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

I тоифали умумий амалиёт шифокори.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Тилавова Клара Остановна
## Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Ҳакимкул қишлоқ врачлик пункти мудири



К.О.Тилавова 1965 йил Самарқанд вилоят Пахтачи туман Зиёвуддин шаҳарчаси Амир Темур маҳалласида таваллуд топган. У Пахтачи туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта мактабда ўқиди. Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. 1991 йил дастлабки иш фаолиятини Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Ҳакимкул қишлоқ врачлик пунктида бошлади. 2011 йил ушбу қишлоқ врачлик пунктида мудира этиб тайинланди ва ҳозиргача шу лавозимда ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва фармойишларини амалга ошира бориб, хизмат доирасидаги аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини оширишга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилишни бошлашда катта аҳамият касб этди.

К.О.Тилавова Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги

биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чукур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер хисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада яхши ташкил қилинган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш услублари ҳақида доимо профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қатор Фармон ва Қарорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида чиқарган Фармон ва Қарорларини бажара бориб, ҳududдаги мактаб ва коллежлар ўқувчилари ҳамда маҳаллалар аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг бу борадаги тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Олиб борилган кўпйиллик самарали меҳнати туфайли аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини анчагина яхшилашга эришди.

Олий тоифали врач қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида ушбу даргоҳнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди. Қишлоқ врачлик пункти биноси 2012 йил капитал таъмирланди ва замонавий тиббий асбоб ва ускуна ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Каримов Абдуҳамид Тешабоевич**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Меҳнатобод қишлоқ врачлик пункти мудири**

А.Т.Каримов 1966 йил 20 февраль куни Самарқанд вилоят Ургут туман Почвон қишлоқ фуқаролар йиғини Бешкапа-2 маҳалласида таваллуд топган. У 1973-1983 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. 1986-1992 йиллар давомида Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. 1992-1993 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти 2-поликлиникасида интернатура ўтаб олийгоҳда ўқиш даврида олган назарий билимларини амалий кўникмалар билан янада бойитди. 1993 йили Ургут туман тиббиёт бирлашмаси марказий касалхона реанимация бўлимида иш бошлади. 2015 йилдан Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Меҳнатобод қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимда меҳнат қилиб келмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилиш катта аҳамият касб этди.

А.Т.Каримов Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат

дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида самарали меҳнат қилди. Мунтазам меҳнат қилиб келди.

Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктининг фаолият кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Қишлоқ врачлик пунктининг тиббий кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозирги кунда туғруқхонадан чиққандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни диспансер ҳисобига олиш ҳамда соғлиғини қайта тиклаш тадбирлари ушбу муассасада яхши ташкил қилинган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш услублари ҳақида доимо профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Олий тоифали врач Т.У.Умиров доимо ўз устида ишлайди, ўқийди. Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 10 ойлик циклини тугатган. Шунингдек, охирги марта 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлаш бошқаруви курсида "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака оширди. Ўқиш жараёнида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни замонавий усуллари бўйича зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Маҳмудов Ахмат Давурбоевич
## Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Бешариқ қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори



А.Д.Маҳмудов 1966 йил 25 февраль куни Самарқанд вилоят Булунғур тумани Ҳ.Олимжон жамоа хўжалигида туғилган. У 1972-1982 йиллар Самарқанд вилояти Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1984-1986 йиллар Армия сафида хизмат қилган. 1987-1994 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олди. 1994-1995 йиллар Жиззах вилоят шифохонасида интернатура ўтаб, амалий кўникма ва назарий билимларини янада оширди. 1995 йилдан ҳозирги вақтгача Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Бешариқ қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Ушбу қарор бутун мамлакатимиз қатори Самарқанд вилоятида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилиш катта аҳамият касб этди.

А.Д.Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат

дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғликни саклаш тизимини ислох килишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони хамда 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Карорини бажариш борасида самарали мехнат килди.

Вилоятдаги барча кишлок врачлик пунктлари катори Бешарик кишлок врачлик пункти хам «Саломатлик – 1» ва «Саломатлик – 2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуна ва жихозлар билан таъминланди. Кишлок врачлик пункти худудидаги ахолининг саломатлик кўрсаткичлари хам яхшиланди. Хозирги кунда туғрукхонадан чиккандан кейинги биринчи патронаж, профилактик эмлаш ишлари хам намунали йўлга кўйилган. Ахолини чукур тиббий кўрикдан ўтказиш, аникланган касалларни диспансер хисобига олиш хамда соғлигини кайта тиклаш, фукаролар тиббий саводхонлиги ва маданиятини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш тадбирлари ушбу кишлок врачлик пунктида яхши ташкил килинган.

Олий тоифали умумий амалиёт шифокори А.Д.Махмудов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўкийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш максадида бир неча бор Тошкент ва Самарканд шахарларида малакасини оширган. Охирги марта 2016 йилда Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғликни саклашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғликни саклашни ташкиллаштиришда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг мохияти" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Саидмуродов Хаким Бобохонович**
**Самарқанд вилоят Ургут туман 1-сонли шифохона врач-педиатри**

Х.Б.Саидмуродов 1966 йил 10 август куни Самарқанд вилоят Ургут туман Қуйиқишлоқ маҳалласида дунёга келган. У 1989-1998 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. Иш фаолиятини 1998 йил Ургут туман 1-сонли шифохонасида врач-педиатрликдан бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Х.Б.Саидмуродов ушбу Қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилди ва ўзининг иш фаолиятини ана шу қарор асосида олиб борди.

Шунингдек, малакали врач-педиатр сифатида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш

ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилиб келди.

II тоифали врач Х.Б.Саидмуродов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Нурманова Рано Жўраевна**
**Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси Зафаршон қишлоқ врачлик пункти мудири**



Рано Жўраевна 1966 йил 10 октябрь куни Самарқанд вилоят Пахтачи туман Мичит қишлоғида таваллуд топган. У 1973-1983 йиллар Пахтачи туман халқ таълими бўлимига қарашли 25-сонли ўрта мактабда сабоқ олди. 1986 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, 1993 йил олийгоҳни тугатди. Илк меҳнат фаолиятини

Каттақўрғон шаҳар шифохонаси терапия бўлимида врачликдан бошлади. Кейинчалик Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Зарафшон қишлоқ врачлик пункти мудираси этиб тайинланди.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чукурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. Рано Тўраевна қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПда 4–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Рано Тўраевна

қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Рано Жўраевна доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Кўп йиллик ва самарали меҳнати ҳисобга олиниб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Исроилова Сохиба Бўрибоевна
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси "Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" курси мудири



С.Б.Исроилова 1966 йил Самарқанд шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. У 1973-1983 йилларда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 29-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1983-1989 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 1989-1990 йилларда Жиззах вилоят шифохонасида терапия мутахассислигидан интернатура ўтаган. 1990-1991 йилларда Ғаллаорол тиббиёт коллежи ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1992-1994 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти эпидемиология кафедрасида илмий тадқиқотчи, 1994-1997 йилларда эса Самарқанд Давлат тиббиёт интитути юқумли касалликлари кафедрасида ассистент лавозимида ишлаган. 1997 йилдан бошлаб СамТИ ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедрасида ассистент ва 1999 йилдан ҳозиргача катта ўқитувчи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган 10 дан ортиқ Халқаро илмий-амалий конференцияларга қатнашган ва маъруза қилган. Ўзининг олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир неча бор малака ошириш курсларини ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарорини ижро этиш ҳамда

мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Мазкур қарорлар асосида педагог кадрларни малакасини ошириш мақсадида Тошкент Тиббиёт Академиясида махсус ташкил қилинган ўқиш марказида 2017 йил март-апрель ойларида малака ошириб сертификат олди. Ҳозирги кунда олийгоҳ талабаларини янги интерактив технологиялар асосида ўқитишни олиб бормоқда.

Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш, педагогик кадрларни тайёрлаш, тиббиёт тарихи, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзуларига бағишланган 80 га яқин илмий ишлар муаллифи. Ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида ислоҳотларнинг янги даври йўналиши бўйича илмий мақола ва услубий қўлланмалар тайёрлаб чоп эттирган. Унинг олиб бораётган номзодлик диссертацияси мавзуси: «Узоқ умр кўрувчиларни ижтимоий гигиеник ўрганиш».

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Жўраев Шавкат Абдулвоҳидович Самарқанд Давлат тиббиёт институти юқумли касалликлар кафедраси ассистенти лавозимида ишлайди.

**Эшқобилова Рахима Мажидовна**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза**
**қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори**



Р.М.Эшқобилова 1966 йил Жиззах вилоят Ғаллаорол туманида таваллуд топган. У 1983-1989 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1980 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори бўлиб бошлаган ва шу вазифада ҳозирги вақтгача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Р.М.Эшқобилова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ худуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

I тоифали умумий амалиёт шифокори Р.М.Эшқобилова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини

тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали. 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Дўстов Мадиқул Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ҳамза қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида ишлайди.

### Шомурадов Шайхзода Ҳамдамович
### Самарқанд вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси бошлиғи



Ш.Ҳ.Шомурадов 1967 йил 1 январь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Украч қишлоғида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1993 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг профилактика факультетини битириб, 1994 йилгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология станциясида интернатура ўтаган. 1994-1996 йиллар мазкур муассасанинг санитария врачи, 1996-1999 йиллар меҳнат гигиенаси бўлимининг мудири, 1999-2002 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология станцияси Тайлоқ тумани санитария врачи, 2002-2012 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология станцияси меҳнат гигиенаси санитария врачи ва меҳнат гигенаси бўлим мудири, 2012-2014 йиллар санитария бўлимининг мудири сифатида ишлади. Давлат санитария назорати соҳасида самарали хизмати туфайли 2014 йилда Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачининг санитария масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг Олий мажлис томонидан 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

қабул қилинди. Мазкур қонун жами 6 бўлим ва 32 банддан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бандлари муайян масалаларга бағишланган. Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, Давлат санитария назорати бу – санитария ва эпидемиология хизмати томонидан санитария қонунчилигини бузишнинг олдини олиш, бузиш ҳолларини аниқлаш, огоҳлантириш билан боғлиқ фаолият бўлиб, ушбу қонун воситасида тартибга солиб борилади. Ш.Ҳ.Шомуродов Қонуннинг ушбу талаблари мазмун-моҳиятини бобма-боб вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари ва назорат остидаги объектларда ишловчи ходимларга тушунтириб, улар билан ўкув-амалий машғулотлар ўтказди.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сонли "Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида давлат санитария назорат марказлари иккита ташкилотга бўлиниб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида санитария-эпидемиология осойишталик агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида давлат санитария-

эпидемиология назорат инспекцияси ташкил қилинди. 2019 йил 30 декабрдан Шомурадов Шайхзода Ҳамдамович Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида давлат санитария-эпидемиология назорат инспекциясининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди ва ҳозиргача ушбу лавозимда фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлаш, яшаш муҳити хавфсизлигини ва инсон соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария-эпидемиология назорати хизмати тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, битта давлат органи доирасида бир вақтнинг ўзида давлат санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш функцияларининг ушбу соҳада рухсат бериш ва назорат функциялари билан бирга амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар юзага келишига олиб келди.

Ушбу фармон аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, унинг институционал салоҳиятини ошириш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши соҳасида таъсирчан мониторинг ва назоратни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қабул қилинган.

Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил етиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасини тугатиш ва унинг штат бирликларини Агентликка ўтказиш;

қайта ташкил этилаётган Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатория хизмати негизида, молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда, Агентлик ҳузуридаги Лаборатория комплексини ташкил этиш топширилган.

Шунингдек, Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

санитария-эпидемиология назорати соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида қонунбузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

озиқ-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

хавф-хатарларни барвакт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш;

тармоқнинг тегишли кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш.

Ушбу фармонни амалга ошириш учун малакали мутахассис, моҳир ташкилотчи раҳбар Ш.Ҳ.Шомурадов Самарқанд вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси бошлиғи сифатида вилоят, шаҳар ва туман инспекцияларини ташкил қилиш борасида ташкилий, хўжалик ва молиявий ишларни фаол равишда олиб бормоқда. Фармонда кўзда тутилган асосий вазифаларни дастуриламал қилиб, 2020 йилдан бошлаб чора-тадбирлар асосида ишни йўлга қўйиб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Ахмедова Махсуна Абдуҳакимовна Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Паразитология бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

## Қаюмов Орзиқул Абдивоитович
## Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси координатори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси нишондори



О.А.Қаюмов 1967 йил 6 январь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Қайроқли маҳалласида дунёга келган. У 1990-1996 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1997-1998 йиллар Ургут шаҳар шифохонасида ишлаган. 1998-2016 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қуйи Тегана қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт

бирлашмаси координатори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. У ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ўқишда бўлган. Шунингдек, малака ошириш мақсадида Ҳиндистон давлатида ҳам бўлган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

О.А.Қаюмов Мустақиллик даврида соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар бошлангандан бери Ургут туман халқига хизмат қилиб келади.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури ҳамда 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ва асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши тасдиқланган. Бу давр бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Ургут туманида ҳам қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилиш учун бошланиш даври бўлди. Қишлоқ врачлик пунктларини барпо қилиш тадбирлари айниқса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилингандан кейин янада кучайди. О.А.Қаюмов Қуйи Тегана қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида тиббиётда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш мамлакатимиз

Президентининг Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳолинига етказишда фаол қатнашди. Шу билан бир қаторда, ушбу ҳужжатларни амалга ошириш борасида ҳам самарали меҳнат қилди.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. О.А.Қаюмов қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПда 4–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири О.А.Қаюмов

қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Ушбу қарорларни дастуриламал қилиб олган О.А.Қаюмов Ургут туманида қишлоқ врачлик пунктларини ташкил қилиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишида ушбу соҳанинг координатори сифатида маълум даражада ҳисса қўшди.

У Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси нишондори.

Олий тоифали врач. Адолат социал-демократик партияси кенгаши раиси.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

### Холиқова Раъно
### Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси Қурилиш қишлоқ врачлик пункти мудири

Р.Холиқова 1967 йил 24 февраль куни Самарқанд вилоят Иштихон тумани Қурилиш маҳалла фуқаролар йиғини Барзувон қишлоғида таваллуд топган. У 1975-1985 йиллар Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта мактабда сабоқ олди. 1988 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1994 йил мазкур олийгоҳнинг даволаш факультетини тугатиб Иштихон туман марказий поликлиникаси терапевти вазифасида илк врачлик фаолиятини бошлади.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. Р.Холиқова қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПда 4–4.5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Р.Холиқова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига

қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Р.Холиқова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

1986 йил сайёҳ сифатида Югославия давлатида сафарда бўлди.

Халқ депутатлари Иштихон туман кенгашининг депутати этиб сайланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Қўшматова Дилдора Эргашевна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



Д.Э.Қўшматова 1967 йил 9 мартда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. Отаси Қўшматов Эргаш Қўшматович (1933-2017 йиллар яшаган), врач, узоқ йиллар Фарғона вилояти Қўқон шаҳар силга қарши кураш диспансерининг бош

врачи бўлиб ишлаган. Онаси Қўшматова Маҳфира Иргашевна 1934 йилда туғилган, врач дерматовенеролог. 1974-1984 йиллар мобайнида Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-сон ўрта мактабда сабоқ олган. У 1990 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.

Илк меҳнат фаолиятини 1990-1993 йилларда Самарққанд Давлат тиббиёт институтининг Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедрасида клиник ординатор сифатида бошлаган. 1993 йилдан то ҳозиргача шу кафедрада ассистент лавозимида ишлаб келмоқда.

Институтнинг жамоат ишларига фаол қатнашади. «Олий ҳамширалик иши» факультети касаба уюшмаси раиси, кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш буйича масъул ходим, қабул комиссияси аъзоси ва давлат имтиҳонлари қатнашчиси сифатида танилган.

Ёш, билимдон педагог Д.Э.Қўшматова олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Тошкент шаҳрида 3 марта малака оширди. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018-ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори асосида Тошкент Тибииёт Академиясида ташкил қилинган махсус ўқув юртида биринчилар қаторида 2 ойлик малака ошириш курсини ўтди.

Шунингдек мамлакатимизнинг Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган Халқаро конференцияларда қатнашди ва илмий мақолалар киритди.

У соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, валеология, гигиена фан йўналишлари бўйича 70 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Аҳолининг табиий ўсиши, туғилиш, ўлим ҳолатлари каби демографик жараёнлар ва соғлом турмуш-тарзини шакллантириш мавзуларидан сўнгги 5 йил ичида 24 мақола, шундан 10 таси иқтидорли талабалар билан биргаликда, 6 та ўқув-услубий ишланма ва 2 та мажмуа тайёрлади ва чоп этди.

У «Тиббий статистика дарсларини янги технологиялар асосида амалга ошириш усуллари» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

Кўп йиллик самарали педагогик фаолияти ва талаба ёшларнинг етук врач бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшганлигини ҳисобга олиб вилоят ҳокимлиги ва институт раҳбарияти Фахрий ёрлиғи ҳамда Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан тақдирланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди ва 1 нафар набираси бор.

## Сайитқулов Марупжон Низомович
## Пойариқ туман тиббиёт бирлашмаси Самарқанд қишлоқ врачлик пункти мудири



М.Н.Сайитқулов 1968 йил 4 январь куни Самарқанд вилоят Пойариқ туман Сарибой қишлоғида туғилган. У 1975-1985 йиллар давомида Пойариқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 5-сонли ўрта таълим мактабида сабоқ олган. 1989 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига кириб уни 1995 йилда битирди. 1996-1997 йиллар Қ.Азимов қишлоқ участка шифохонаси, 1997-2007 йиллар Пойариқ туман тиббиёт бирлашмаси Самарқанд қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлади. 2007-2008 йиллар Пойариқ туман тиббиёт бирлашмаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош врач муовини лавозимида фаолият юритди.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли барпо этилган. М.Н.Сайитқулов қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4,0-4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири М.Н.Сайитқулов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига

қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

I тоифали врач М.Н.Сайитқулов доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Баратова Раъно Шомуродовна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ўқитувчиси**



Р.Ш.Баратова 1968 йил 25 февраль куни Самарқанд вилояти Иштихон туманининг «8-март» жамоа хўжалиги Суғот қишлоғида таваллуд топган. У 1975-1985 йиллар давомида Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли Антон Макаренко номли 15-сон ўрта мактабда сабоқ олди. У 1991 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетини битирган. 1991-1992 йилларда Самарқанд вилоят Давлат санитария-

эпидемиология станцияси (ҳозир Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази деб номланади) қошида интернатура ўтди. 1993 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб келмоқда.

Р.Ш.Баратованинг бутун 25 йиллик педагогик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларига тўғри келади. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси саналмиш мамлакатимиз Президентининг Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини ҳамкасблари ва талабаларга етказишда астойдил меҳнат қилди. Ўқиш жараёнини ана шу ҳужжатлар асосида, янгича усулда олиб боришни ташкил қилди.

Ёш педагог доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Украина давлатининг Киев шаҳрида, мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бир неча тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференцияларида қатнашган. 2016 йил Украина давлатининг Переяслав-Хмельницкий шаҳрида ўтказилган XIX Халқаро илмий-амалий конференцияда “Рахитда ўрик данаги мойи ва аевитни қўллаганда даво самарадорлигини баҳолаш” мавзусида мақола билан қатнашди ва сертификатни қўлга киритди. Шунингдек, унинг “Вопросы охраны окружающей среды и здоровья населения при применении нового отечественного фунгицидного препарата “Фосетал” мавзусидаги мақоласи “Молодой учёный” Халқаро илмий журналида чоп этилган.

Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бир неча бор малака оширган. Охирги марта мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори асосида Тошкент Тиббиёт

Академиясида ташкил қилинган махсус ўқув юртида биринчилар қаторида 2 ойлик малака ошириш курсини ўтди.

Экология, овқатланиш гигиенаси, болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиши каби долзарб мавзуларга бағишланган жами 30 дан зиёд илмий ишлар муаллифи.

Унинг номзодлик илмий иши мавзуси: «3-7 ёшгача бўлган болаларнинг турлича экологик шароитлар таъсирида жисмоний ривожланиш ҳолати ва унинг иммунологик кўрсатгичлари». Ушбу мавзу бўйича 7 та мақола тайёрлади ва чоп эттирди. Бундан ташқари, 4 та ўқув-услубий ишланма, Республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда эса 18 та мақола тайёрлаб нашр эттирган. Жами 75 та илмий иш, шу жумладан, 12 та журнал мақолалари,14 та методик тавсияномалар ва 49 та тезислар муаллифи.

Самарқанд тиббиёти илм-у амалиёти равнақига қўшган муносиб ҳиссаси эътиборга олиниб, олийгоҳ раҳбарияти Фахрий ёрлиғи ва Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг "Ассоциация фахрийси" медали билан тақдирланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор. 1 ўғил ва 1 қиз.

**Икромова Манзура**
**Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси Мароқанд қишлоқ врачлик пункти мудираси**



Манзура Икромова 1968 йил 18 март куни Самарқанд вилоят Пойариқ туманида туғилган. У 1975-1985 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабида таълим олди. 1986-1992 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида сабоқ олди. 2003 йилдан ҳозиргача Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Мароқанд қишлоқ врачлик пункти мудираси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта рол, ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли барпо этилган. Манзура Икромова қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4,0-4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Манзура Икромова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига

қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Олий тоифали врач Манзура Икромова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Облаёров Шокир Очилович
## Самарқанд вилоят Ургут шаҳар катталар поликлиникаси офтальмология бўлими бошлиғи



Ш.О.Облаёров 1968 йил 25 август куни Самарқанд вилоят Ургут туман Совғон маҳалласида дунёга келган. У 1989-1996 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1996 йил Ургут шаҳар катталар поликлиникасида бошлаган. 2002 йилдан ҳозирги кунгача Ургут шаҳар катталар поликлиникаси офтальмология бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Фармон ва Қарорларда белгиланган вазифаларни бажаришда астойдил меҳнат қилди.

I тоифали врач.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Амонова Дилором Шавкатовна
## Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи



Д.Ш.Амонова 1968 йил 26 октябрь куни Самарқанд вилоят Каттақўрғон тумани Р.Исломова жамоа хўжалигида таваллуд топган. У 1975-1985 йиллар Каттақўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 40-сонли ўрта мактабни тугатган. 1985-1991 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт институтининг

санитария-профилактика факультетида таҳсил олган. Олийгоҳни тамомлаб 1991-1992 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида интернатура ўтаб, ўзининг амалий кўникма ва назарий билимларини янада бойитди. Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Самарқанд вилоят Каттақўргон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи бўлиб бошлади ва ҳозиргача шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда. Доимо ўз устида ишлайди, изланади. Бир неча марта ўз мутахассислиги бўйича малака ошириб, олий тоифали врач даражасига эришди.

Мамлакатимиз Мустақилликка эришгандан сўнг аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш энг долзарб масалага айланди. Барча соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар қатори соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, профилактик тиббиётда ҳам туб ислоҳотлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бу эса хизмат тизимини жойларда қонуний тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Санитария қонунлари бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони чиқди. Бу муҳим ҳужжат аҳолининг соғлом турмуш тарзини юзага келтириш, ўз ҳудуди озодалигини сақлаш масъулиятини кучайтиришга хизмат қилди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди. Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Санитария қоидалари, нормалар ва гигиена нормативлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан ташқари фуқаролик институтларининг иштироки аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилган.

Ушбу Қонунда белгиланган тартиб ва қоидаларни амалга ошириш ҳар бир профилактик тиббиёт ходимининг зарур вазифаси эканлигини яхши тушунган Д.Ш.Амонова ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини марказ ходимлари ва шаҳардаги назорат остидаги объектлар ходимларига тушунтириш мақсадида қатор ўқув-амалий семинарлар ташкил қилиб келди.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Элмуродов Хурсанд Султонович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Камонгарон қишлоқ врачлик пункти мудири**



Х.С.Элмуродов 1968 йил 31 декабрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Камонгарон маҳалласида таваллуд топган. 1976-1986 йилларда Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта таълим мактабида сабоқ олди. Мактабни битириб, ўша йилнинг ўзида Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Мазкур олийгоҳни 1992 йилда тугатиб бир йиллик интернатура ўтди. 1993-1997 йиллар Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси, Ургут туман тиббиёт бирлашмаси болалар поликлиникасида врач бўлиб ишлади. 1997 йилдан ҳозиргача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Камонгарон қишлоқ врачлик пунктида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. Х.С.Элмуродов қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш

тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Х.С.Элмуродов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофик ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

I тоифали врач Х.С.Элмуродов доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Халқ депутатлари Ургут туман Кенгаши депутати бўлиб сайланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Шодиев Мухаммаджон Холмуродович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими мудири**

М.Х.Шодиев 1969 йил 10 июнь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Урамас қишлоғида таваллуд топган. У 1976-1986 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 133-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1987-1994 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 1995-1996 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Штоб қишлоқ врачлик пункти врач-терапевти бўлиб ишлади. 1997-1999 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими анестизиолог-реаниматологи бўлиб меҳнат қилди. 2000-2017 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими акушер-гинекологи бўлиб хизмат қилган. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача мазкур туғруқ бўлимининг мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Билим ва тажрибасини янада бойитиш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Украинанинг Харьков шаҳарларида малака оширишда бўлган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари” мавзусида малакасини оширди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимо давлатимиз раҳбариятининг диққат марказида туради. Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги

умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилишда М.Х.Шодиев катта ҳисса қўшди. Шу билан бир қаторда, ўзининг иш фаолиятини ҳам ана шу қарор асосида олиб борди.

Шунингдек, малакали врач акушер-гинеколог сифатида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун самарали меҳнат қилиб келди.

I тоифали врач.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

## Баратов Салохиддин Рустамович
## Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплекси врач акушер-гинекологи



С.Р.Баратов 1969 йил 5 сентябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ипакли маҳалласида дунёга келган. У 1977-1985 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 29-сонли ўрта мактабда, 1985-1987 йиллар шу тумандаги 34-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1991-1997 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1998 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплекси врач акушер-гинекологи бўлиб бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият юритиб келмоқда.

Олий тоифали врач акушер-гинеколог сифатида у минглаб ҳомиладор аёлларга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатди. Оилаларни минглаб чақалоқлар билан тўлдирди. Шунинг натижасида тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида хурмат-иззат топди. У илк меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг бошлади. Ўз иш фаолиятида соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Президентимиз Фармон ва Қарорлари ҳамда давлатимиз Қонунларига белгиланган соғлиқни сақлашга дахлдор вазифаларни бажаришга интилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида” ги Фармони қабул қилингандан кейин янада кучайди. Ушбу қарорларни дастуриламал қилиб олган С.Р.Баратов Ургут тумани аҳолисига тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш, жойлардаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий муассасалари ва участкада ишлайдиган врачларнинг самарали фаолият кўрсатишида

ушбу соҳанинг масъул мутахассиси сифатида маълум даражада ҳисса қўшди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарияти соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни босқичма-босқич олиб бориб, уни янада чуқурлаштириш мақсадида навбатдаги Фармон ва Қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48- сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинганлиги шунга мисол бўлади. Олий тоифали врач С.Р.Баратов соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш чора-тадбирлари белгиланган ушбу ҳужжатларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни

ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Кўп йиллик самарали меҳнати зое кетмади. Аҳоли ўртасида ҳурмат- иззат топди. Вилоят ва туман раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. "Мустакилликнинг 20 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 1 нафар набираси бор.

**Мажидова Гулчеҳра**
**Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси Қумзор қишлоқ врачлик пункти мудири**



Гулчеҳра Мажидова 1969 йил Самарқанд вилоят Самарқанд туман Ўрташайх қишлоғида туғилган. У 1976-1986 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 16-сонли умумтаълим мактабида таълим олди. 1986-1889 йиллар Сиёб тиббиёт техникумида сабоқ олди. 1990-1997 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. 1997-2010 йиллар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасида врач, 2010 йил туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қумзор қишлоқ врачлик пункти мудири этиб тайинланди ва ҳозиргача ишлаб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини

тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. Гулчеҳра Мажидова ана шундай даврда барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктларидан бирида фаолият юритиб келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Гулчеҳра Мажидова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

II тоифали врач Гулчеҳра Мажидова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўкув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни саклаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Жалилов Шакар Мухиддинович**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи**



Ш.М.Жалилов 1970 йил 14 январь куни Самарқанд вилоят Иштихон туманида туғилган. У 1977-1987 йиллар Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли 41-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. 1992-1998 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1999 йил Темирйўл туман санитария-эпидемиология станциясида бошлаган. 2004-2014 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида санитария врачи бўлиб меҳнат қилди. 2014-2016 йиллар Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида ишлади. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида санитария-врачи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2015 йил 26 августда ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун ташқи муҳитни соғломлалаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан

ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маъданиятини янада ошириш бўйича Ўзбекистонда катта ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Экология масалалари, касалликларнинг олдини олиш, аҳолига соғлом турмуш ва ишлаб чиқариш шароитини яратиш, атроф-мухитни соғломлаштириш профилактиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Ш.М.Жалилов ўз иш фаолиятида ана шу Қонунда белгиланган қоидаларни ўз назорати остидаги объектларда риоя этилишига доимо эътибор бериб келди. Ўзи ҳам фаолияти давомида Қонунни дастуриламал қилиб келди. Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий хизмат билан таъминлашга қаратилгани билан ажралиб туради. Бу мезонни яхши тушунган Ш.М.Жалилов фаолияти давомида унга риоя қилиб келди.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Нуфузли конференция ва анжуманларда қатнашган. Охирги марта 2017 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Ш.М.Жалилов Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Бердикулова Лайло**
**Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси Эски-жума**
**қишлоқ врачлик пункти мудири**



Л.Бердикулова 1970 йил 25 март куни Тожикистон Республикаси Панжакент шаҳрида дунёга келган. У 1977-1987 Панжакент шаҳридаги 15-сонли ўрта таълим мактабида ўқиди. 1987-1993 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. 1994 йилда Тайлоқ тумани қишлоқ участка шифохонасида дастлабки иш фаолиятини бошлаган. 2007 йилдан ушбу қишлоқ врачлик пунктида мудир этиб тайинланган ва ҳозиргача ушбу лавозимда ишлаб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган. Л.Бердиқулова қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда

мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир ҚВПга 4.0–4.5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Л.Бердиқулова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

I тоифали умумий амалиёт шифокори Л.Бердиқулова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Халилов Замонали Ортиқович**
**Самарқанд вилоят Каттақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи**



З.О.Халилов 1970 йил 15 май куни Самарқанд вилоят Каттақўрғон туман Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғинида туғилган. У 1990-1996 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетида таҳсил олди. 1996-2011 йиллар Каттақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врачи бўлиб ишлади. 2011-2014 йиллар Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи вазифасида меҳнат қилди. 2014 йилдан ҳозирги вақтгача Каттақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида, бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунини келтириш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Билимдон мутахассис З.О.Халилов туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишларнинг пайдо

бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб бормоқда.

I тоифали врач З.О.Халилов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

З.О.Халилов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги ва Конституциясининг 25 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Каттақўрғон шаҳар депутати.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Қаршиев Алишер Турдиқулович
## "Абу Али ибн Сино санаторияси" масъулияти чекланган жамияти директори



А.Т.Қаршиев 1970 йил 21 май куни Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Қовчун қишлоғида зиёлилар оиласида туғилган. У 1987-1993 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида ўқиш билан бирга бир вақтнинг ўзида 1990-1993 йиллар Самарқанд вилоят Гўзалкент туман марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери бўлиб ишлаган. 1993-1994 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон клиник шифохонаси хирургия бўлимида врач-интерна бўлиб, 1994 -1997 йиллар Самарқанд шаҳар 4-сон хирургия бўлими врач-хирурги вазифасида меҳнат қилди. 1995-1997 йиллар Самарканд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультети хирургия кафедрасида клиник-ординатурани тамомлади. 1998-1999 йиллар "Абу Али ибн Сино

санаторияси"да врач, бўлим бошлиғи, бош врач бўлиб хизмат қилди. 2000-2002 йиллар Гўзалкент туман марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи, янги тузилган шошилинч тез тиббий ёрдам маркази бошлиғи лавозимларида ишлади. 2002-2014 йиллар Гўзалкент туман марказий шифохона бош врачи вазифасида меҳнат қилди. 2014 йилдан ҳозирги вақтгача "Абу Али ибн Сино санаторияси" Масъулияти чекланган жамияти директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ёш иқтидорли шифокор, моҳир раҳбар А.Т.Қаршиевнинг меҳнат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги даврида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада, 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши – 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди.

Амалга оширилган кенг миқёсдаги ишлар билан бир қаторда ҳали жиддий камчилик ва етишмовчиликлар мавжуд. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг биринчи навбатда вилоят ва туман бўғинларида профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ўз ечимини топган эмас.

Ҳанузгача стационар даволаш муассасалари улуши кўпчиликни ташкил этган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бесўнақай ва самарасизлигича қолмоқда. Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари тиббиёт муассасалари фаолияти устидан етарлича ташкилий-услубий

раҳбарликни таъминламаяптилар, юқумли касалликлар профилактикаси ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича тегишли санитария-эпидемиология назорати таъминланмаяпти.

Республикада нейрохирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик, ўткир ошқозон-ичак касалликлари ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб, юқори технологик операцияларни ўтказиш бўйича алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ривожлантириш ниҳоятда зарур бўлиб, уларга нисбатан талаб-эхтиёж юқори даражада қолмоқда.

Республика ҳудуди бўйича касалликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволашнинг ғоят муҳим воситаси сифатида диагностика хизматлари тармоғи ниҳоятда суст ташкил қилинган.

Скрининг марказларнинг кенг тармоғи ташкил этилганига қарамай, бўлғуси оналарнинг соғлиғи ва ҳомиладорликнинг кечиши ҳолатини назорат қилиш тизими, айниқса, қишлоқ жойларда, сифат жиҳатдан яхшиланишни тақозо этади.

Юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳолини ОИВ/ОИТСдан ишончли ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизими доимий, жиддий эътиборни ва унинг фаолиятини ташкил этишни тубдан яхшилашни талаб қилади.

Малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштиришга муҳтождир. Тиббиёт коллежларида кадрлар тайёрлаш сифати жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда, ана шу коллежларни замонавий ўқув-услубий ва лаборатория ускуналари билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Илмий-тиббиёт мактаби анча заифлашди, илмий тадқиқотлар ҳамда уларни даволаш-диагностика амалиётига татбиқ этиш ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Кўпгина республика тиббиёт муассасаларининг барпо этилган юқори технологик моддий ва илмий базасидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишда суст фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ

қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасидаислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Юқоридаги Фармон ва Қарорлардан руҳланган А.Т.Қаршиев соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш, соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш, замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар, аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, марказий туман (шаҳар) шифохоналари, тегишли ҳудудлардаги болалар ва катталар поликлиникалари негизида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил этилиб, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга профилактика, санитария-маърифий

тадбирларни ўтказиш ҳамда соғлиқни тиклашга оид тиббий хизматлар кўрсатишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам бериш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби долзарб вазифаларни амалга оширишда тинмай меҳнат қилди ва сезиларли натижаларга эришди.

Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг юксак ишончини қозониб, унинг яқин сафдоши ва маслакдоши сифатида самарали фаолият олиб борди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг муносиб вориси сифатида мамлакатимиз Президенти этиб сайланди. Шу вақтдан бошлаб тиббиёт соҳасида ислоҳотларнинг янги даври бошланди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устивор вазифалар белгилаб олинди. Мазкур мақсад ва вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини А.Т.Қаршиев хурсандчилик билан қабул қилиб олди. Ўзи бошқараётган санаторияни тубдан таъмирлаб, даволанувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратди. Айниқса, санатория замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланди. Ҳозирги кунда санаторияда ўта замонавий бино қуриш лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, яқин орада қурилиш ишлари бошланиш арафасида.

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига катта эътибор қаратилиб, бу борада самарали фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимининг миллий модули яратилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тубдан яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга раҳбарлигининг илк кунларидан бошлаб

Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга оширган фидокорона ишларини давом эттириб, тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврини очиб берди ва қатор фармон ва қарорлар қабул қилди.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада, 1991-2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, **соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар** фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

- соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислоҳотлар тўлиқ

бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

- соғликни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;
- касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;
- аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суст ривожланган;
- амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;
- тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;
- электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда А.Т.Қаршиев ушбу фармоннинг мазмун-моҳиятини ўз жамоаси ва даволанувчилар орасида кенг муҳокама қилиб келмоқда ва ўз фаолиятида дастуриламал қилиб олган. Ўзи раҳбарлик қилаётган санаторияни замонавий тарзда тубдан таьмирлаш ва янги бинолар қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар таьминлашни бошлаб юборди.

Хизмат юзасидан Чехия, Германия, Словакия, Австрия ва Туркия давлатларида бўлган.

А.Т.Қаршиев I тоифали врач, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси. Аҳоли ва тиббиёт жамоатчилиги орасида эътиборга лойиқ. Самарали меҳнати туфайли Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 25 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 25 йиллиги кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Хомидов Ботир Рахмонович**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи**



Б.Р.Хомидов 1970 йил 27 июнь куни Самарқанд вилоят Тайлоқ тумани Нурафшон маҳалласида туғилган. У 1990-1996 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1996 йил Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачлигидан бошлади. 1997 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария врачи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2015 йил 26 августда ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маданиятини янада ошириш бўйича Ўзбекистонда катта ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Экология масалалари, касалликларнинг олдини олиш, аҳолига соғлом турмуш ва ишлаб чиқариш шароитини яратиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш профилактиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Б.Р.Хомидов ўз иш фаолиятида ана шу Қонунда белгиланган қоидаларни ўз назорати остидаги объектларда риоя этилишига доимо эътибор бериб келди. Ўзи ҳам фаолияти давомида Қонунни дастуриламал қилиб келди. Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий

хизмат билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бу мезонни яхши тушунган Б.Р.Хомидов фаолияти давомида унга риоя қилиб келди.

I тоифали врач.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Хамидов Шухрат Мусинович
## Хусусий тиббий марказ врач-дерматовенерологи



Ш.М.Хамидов 1970 йил 17 сентябрь куни Самарқанд вилоят Самарқанд туманида дунёга келган. У 1977-1987 йиллар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1987-1993 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган.

1993-1995 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти тери-таносил кафедраси клиник ординатори бўлиб хизмат қилди. 1995-2009 йиллар Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида врач бўлиб меҳнат қилди. 2009 йилдан ҳозирги вақтгача хусусий тиббий фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги карори Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасини бажариш юзасидан ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан сифатли ўтказилишини таъминлаш ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат тузилмалари билан биргаликда никоҳ тузишгача тиббий кўрикдан ўтиш масалалари долзарб

эканлигини ёшларнинг кенг қатламларига етказиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш топширилди.

Ана шуни эътиборга олиб, малакали врач-дерматовенеролог сифатида Ш.М.Хамидов "Маҳалла" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда жамоат бирлашмалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари бўйича оилалар, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини самарали олиб борди.

Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади. Тиббий кўрик Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Ш.М.Хамидов никоҳланувчи шахслар белгиланган ҳажмларда тери-таносил касалликлари юзасидан тиббий кўрикдан ўташини таъминлашда фаол қатнашиб келди.

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг бунёдкорона ишини давом эттириб, мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди ва қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди. Шулар жумласига соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғликни саклаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863- сонли Қарори ҳам киради.

Мазкур карорда соғликни саклаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб мамлакатимизнинг барча худудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг баркарор ривожланишига тўскинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий юқори технологияли усулларни кенг қўллаган ҳолда, кенг аҳоли қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга юкори малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган хизматлар кўлами ва турларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, махсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш, қулай кредит ва лизинг механизмларини фаол жалб этиш орқали хусусий тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами ва ҳажмини тубдан ошириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш, етакчи хорижий клиника ҳамда тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда даволаш-ташхис муассасаларини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Ушбу Қарордан руҳланган I тоифали врач Ш.М.Хамидов тиббиётнинг хусусий секторида олиб бораётган фаолиятини янада самаралирок бажаришга интилиб келмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

## Нормурадова Дилбар Қодировна
## Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи ўринбосари



Д.Қ.Нормурадова 1970 йил 13 октябрь куни Қашқадарё вилоят Китоб туманида дунёга келган. У Қашқадарё вилоят Китоб тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли ўрта мактабни тугатиб, 1990-1996 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Самарқанд вилоят Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врачи бўлиб бошлади ва 2016 йилгача меҳнат қилди. 2016-2019 йиллар Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи, туман бош давлат санитария врачи вазифасида ишлади. 2019 йилдан Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Давлатимиз халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни келтириш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга

эришилмоқда. Билимдон мутахассис, Д.Қ.Нормурадова туман аҳолисининг саломатлигини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун асосида санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб борди.

Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоят Бош Давлат санитария врачи ўринбосари сифатида мамлакатимиз Президентининг янги ислоҳотлар даврида чиқараётган Фармон ва Қарорларини амалга ошира бориб, аҳоли ўртасида турли хил овқатдан заҳарланиш ва юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига йўл қўймаслик борасида санитария-эпидемиологик, зарарсизлантириш ва бошқа профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича ўз жамоа аъзолари билан астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Олий тоифали врач Д.Қ.Нормурадова доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш” мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

### Хамроева Лола Кахоровна
### Самарқанд вилоят Перинатал маркази директори



Л.К.Хамроева 1971 йил 26 январь куни Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ҳамид Олимжон жамоа хўжалигида таваллуд топган. У 1990-1996 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида ўқиган. 1996-1997 йиллар Бухоро шаҳар ихтисослашган туғруқхонаси шифокор-

интернаси, 1997-1998 йиллар Бухоро тиббиёт билим юрти акушерлик ва гинекология курси ўқитувчиси, 1998-1999 йиллар Самарқанд вилоят Нуробод туман марказий шифохонаси поликлиникаси врач акушер-гинекологи бўлиб ишлаган. 1999-2005 йиллар Самарқанд вилоят Нуробод туман марказий шифохонаси туғруқ мажмуаси врач акушер-гинекологи бўлиб меҳнат қилган. 2005-2008 йиллар давомида Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедрасида аспирантурада ўқиган.

Л.К.Хамроева 2008-2010 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти, 2010-2011 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедрасида вақтинча доцент вазифасини бажарувчи, Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедраси доценти лавозимларида фаолият кўрсатди. 2012 йилдан Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ комплекси бош врачи ва бир вақтнинг ўзида 2013 йилдан Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультети акушерлик ва гинекология кафедраси ўриндош доценти бўлиб ишлаб келди. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент. 2018 йилдан бошлаб Самарқанд вилоят Перинатал маркази директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар

соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Л.К.Хамроева ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб қилиш масалаларига катта эътибор бериб келди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, сурункали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилини ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш юқоридаги фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва уни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни бажариш борасида марказ директори сифатида Лола Кахоровна жамоа аъзолари, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида фаол тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда у мамлакатимиз президентининг янги ислоҳотлар даврида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий

хизмат сифат ва самарадорлигини тубдан яхшилаш борасидаги Фармон ва Қарорларини амалга ошириш тадбирларини фаолиятининг асосий мезони хисоблаб иш олиб бормоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Хўжамуродов Ғофур Жўракулович**
**Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директори**



Хўжамуродов Ғофур Жўракулович 1971 йил 2 апрель куни Навоий вилояти Хатирчи тумани Олтинсой жамоа хўжалиги Аччи қишлоғида ишчи оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Собиқ иттифоқ Куролли Кучларида ўз йигитлик бурчини тугатиб, 1991 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Педиатрия куллиётига ўқишга кирди. 1997 йилда олийгохни тамомлаб, врач педиатр мутахассислигига эришди.

1997-1998 йилларда Самарқанд шаҳри вилоят кўп тармоқли болалар касалликлари шифохонасида врач интерна, 1998-2009 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежида жарроҳлик фани ўқитувчи, 2009-2010 йилларда Самарқанд таянч тиббиёт коллежида I курс бўлим бошлиғи, 2010 йилдан 2017 йилгача Самарқанд таянч тиббиёт коллежида ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, 2017 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директори вазифасида ишлаб келмоқда. 2018 йил май ойидан бошлаб Республика тиббиёт коллежлари директорлари Раёсат кенгаши раиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан юртимиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ҳамширалар фаолиятига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами йўналишидаги ҳамширалар хизмати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 29 декабрь куни “Аҳолининг патронаж ва профилактик кўрикларини ташкиллаштириш бўйича йўриқнома”ни тасдиқланди.

Мазкур йўриқнома Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида профилактик тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида ўтказиладиган "Аҳолининг патронаж ва профилактик кўрикларини ташкиллаштириш" тартибини белгилайди.

Патронаж ва профилактик кўриклар комплекс чора-тадбирлар ҳисобланиб, бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширилиб, бир-бирини тўлдириб туради ва қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади.

1. Хонадоннинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш.
2. Патронажга эҳтиёжи баланд бўлган контингент патронажи.
3. Аҳолининг профилактик кўриклари.
4. Аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари.
5. Диспансер кўриклари.
6. Мақсадли тиббий кўриклар.

Асосий мақсад – аҳолига кўрсатилаётган профилактик тадбирларни янада такомиллаштириш, хонадонларда касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш, фертиль ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар билан биргаликда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларни тизимли патронаж билан қамраб олиш, профилактик ҳамда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ёрдамида аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ва керакли ҳажмда тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни таъминлашдан иборат. Буйруқда кўрсатилган профилактик тадбирлар кўламини тўла-тўкис бажариш юзасидан коллеж талабаларига дарс ўтиш жараёнида кенг тушунтириш ишларини олиб боришда Ғофур Жўракулович астойдил иш олиб бормоқда.

Истиклолимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига катта эътибор қаратилиб, бу борада самарали фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимининг миллий модули яратилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тубдан яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга раҳбарлигининг илк кунларидан бошлаб Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга оширган фидокорона ишларини давом эттириб, тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврини очиб берди ва қатор фармон ва қарорлар қабул қилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, тиббиёт ташкилотларини чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, шунингдек, республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича муайян мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб, олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини тизимли асосда белгилаш ишларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 январдаги 14-сон "Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, сурункали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилини ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги

112-сонли "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш юқоридаги фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва уни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни бажариш борасида коллеж директори сифатида Ғофур Жўракулович ўқитувчилар ва талабалар ўртасида фаол тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устивор вазифаларни белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" мавзусидаги маърузасида таҳлил қилинган барча соҳалар бўйича танқидий фикрлар билдирилди. Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал бўлмаган муаммолар ва тўлиқ ишлатилмаган заҳираларни батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда 2017 йилдаги Республиканинг иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим стратегик вазифалари ва устивор йўналишлари бўйича таклиф киритди.

Хўжамуродов Ғофур Жўракулович Самарқанд таянч тиббиёт коллежи директори сифатида устивор вазифалар қаторида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллашини

яхши тушуниб, ушбу мавзуда коллеж ўқитувчилари ва талабалари орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тиббий таълим сифатини янада ошириш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тиббий таълими тизимини энг яхши халқаро амалиёт даражасида босқичма-босқич шакллантириш, тиббий ёрдам даражасини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарорда тиббиёт кадрларини тайёрлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тиббий таълим муассасаларига, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим, соғлиқни сақлаш тизими учун мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимига методик раҳбарлик қилиш,олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тиббий таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, олий малакали илмий-педагог тиббиёт кадрларини тайёрлаш учун давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, тиббий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг назарий ва амалий тайёргарлигини, касбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув машғулотлари ҳамда клиник ўқув амалиётини кенгайтириш ҳисобига яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар юклатилган. Ҳозирги вақтда ушбу қарордан руҳланган коллеж жамоаси директор Ғофур Жўракулович раҳбарлигида талабаларга дарс бериш жараёнини инновацион технологиялар асосида олиб бормоқда.

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари, олийгоҳ ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг кийиниш одоби ва муомала маданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим

муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ва "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 4 апрелдаги соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг бошқарув аппарати, вазирлик тасарруфидаги тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ташкилот, корхона ходим ва талабаларининг "Одоб-ахлоқ қоидалари" тасдиқланди. Мазкур буйруқ асосида Самарқанд таянч тиббиёт коллежида этика ва деонтология қонун-қоидалари асосида талабаларга маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.

У «Ёш педагоглар мактаби»нинг машғулотларида педагогика ва методиканинг долзарб муаммоларига ҳамда таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаб, таълим самарадорлигини ошириш ва мустақил фикрловчи мутахассисларни тайёрлашга доир мавзуларда маърузалар билан қатнашиб келмоқда.

Хўжамуродов Ғ.Ж. «Хирургик касалликларда ҳамширалик парвариши» фанидан 2 та амалий ва назарий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланма, «Катталарда (терапевтик касалликлар ва клиник текширувлар)да ҳамширалик парвариши» фанидан амалий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланмалар яратган. Коллежнинг қатор илғор ўқитувчи ва ўқувчилари "Инновация"танловининг шаҳар, вилоят ва Республика босқичлари совриндори бўлишининг бевосита раҳбаридир. 2017 йилда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияга 25 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Мирзаева Шоира Пардаевна**
**Самарқанд вилоят Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи**



Ш.П.Мирзаева 1971 йил 23 апрель куни Самарқанд вилоят Пастдарғом туманида дунёга келган. У 2-Тошкент Давлат тиббиёт институни битириб, меҳнат фаолиятини 1997 йил Пастдарғом санитария-эпидемиология станцияси лаборатория бўлим мудираси бўлиб бошлаган ва 2016 йилгача шу вазифада меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Пастдарғом туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. У немис ва рус тилларида бемалол гаплаша олади.

Доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Нуфузли конференция ва анжуманларда қатнашган. 2017 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтитининг Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани", 2018 йилда эса "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзуларида малакасини оширди.

Олий тоифали врач Ш.П.Мирзаева туман бўйича жуда кўп озиқ-овқат ва савдо, мактабгача болалар муассасалари, меҳнат корхоналари ва бошқа назорат остидаги объектлардан олинган анализларни моддаларни сифатли анализдан ўтказиб, Давлат стандарти талабларига жавоб беришини аниқлашда ўрнатилган тартиб-тамойилларга асосланиб ишлайди. Бу ўз йўлида аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишига, шунингдек, аҳоли ўртасида турли хил овқатдан заҳарланишлар ва юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олди олинишига олиб келади.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонундан руҳланган Ш.П.Мирзаева унда белгиланган тадбирларни бажаришда фаол қатнашди.

Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратди.

Корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, кимёвий ва биологик моддаларни зарарсизлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланишини яхши билган Пастдарғом туман Бош Давлат санитария врачи, олий тоифали санитария врачи сифатида ушу тадбирларни амалга оширишда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Асламова Санобар Бахронқуловна**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплекси врач-неонотологи**

С.Б.Асламова 1971 йил 15 июнь куни Самарқанд вилоят Ургут шаҳрида дунёга келган. У 1978-1988 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1989-1995 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1996 йил Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплекси врач-неонотологи бўлиб бошлаган ва ҳозиргача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Билимдон мутахассис врач-неонотолог сифатида туман аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун доимо интилиб ишлади. Айниқса, у давлатимиз раҳбарияти томонидан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий асослари саналмиш Фармон ва Қарорлар ҳамда Республика Қонунлари асосида ўз фаолиятини олиб борди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий равишда давлатимиз раҳбарияти диққат-эътиборида туради. "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг

роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Олий тоифали неонотолог туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва боликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда аҳолини: оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб қилиш масалаларига катта эътибор бериб келди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Насруллаева Хатича Сайфуллоевна
## Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиникаси врач лаборанти



Х.С.Насруллаева 1971 йил 15 июнь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Самарқанд жамоа хўжалиги Почвон маҳалласида туғилган. У 1978-1986 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 27-

сон ўрта мактабда, 1986-1989 йиллар Самарқанд шаҳар Таянч тиббиёт коллежида ўқиган. 1990-1998 йиллар Самарқанд Давлат Университети биология факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1989 йил Ургут туман марказий юқумли касалликлар шифохонасида бошлади ва 1990 йилгача шу муассасада ишлади. 1998 йилдан ҳозиргача Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиника врач лаборанти бўлиб ишлаб келмоқда.

Дорулфунунда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида дипломдан кейинги таълим курсларида ўқиди. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани " мавзусида малака оширди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарордан руҳланган ёш мутахассис-врач ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика

ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Олий тоифали врач-лаборант Х.С.Насруллаева ҳозирги вақтда, тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврида давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари асосида ўз иш фаолиятини олиб бормоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 3 нафар набираси бор.

**Худжамбердиев Олимжон Абдурасулович**
**Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**



О.А.Худжамбердиев 1971 йил 17 июль куни Самарқанд вилоят Пастдарғом туманида туғилган. 1991-1997 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган.

1997-1998 йиллар Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида врач-интерна, 1998-2001 йиллар эпидемиология гуруҳи раҳбари ва вилоят бош лепрологи, 2001-2017 йиллар ушбу диспансерда бош врач бўлиб ишлади. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавомизида фаолият кўрсатиб келмоқда.

О.А.Худжамбердиев Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансери бош врачи бўлиб ишлаган 2001-2017 йилларда ушбу муассаса ҳудуди ва бинолари жуда ночор аҳволда, асбоб-ускуна ва жиҳозлар эскирган, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Бош врач даволаш-профилактика ва диагностик фаолият билан бир қаторда диспансер ҳудудини ободонлаштириш ва биноларни таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Янги

замонавий бинолар қуриб фойдаланишга топширди, шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиш яхшиланди. Беморларга даволаниш ва дам олиш учун ҳамда тиббиёт ходимлари ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ушбу қарор асосида Самарқанд вилоят дерматология диспансерида тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Диспансер янги замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бутун жамоа аъзолари қатори диспансер бош врачи сифатида О.А.Худжамбердиевнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Мазкур қарордан руҳланган ташкилотчи раҳбар ва малакали мутахассис ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли

касалликлардан ҳимоя қилиш, онкологик беморларни эрта аниқлаш, ҳисобга олиш ва даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Республикада соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига дерматологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди. Дерматология хизматининг ягона вертикал интеграциялаштирилган тизими яратилди, дерматология муассасаларини замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий илмий мактаби шакллантирилган.

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган

касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда, мазкур фармондан руҳланган О.А.Худжамбердиев Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бошғлиғи сифатида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигинги ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликлар олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширишда бош-қош бўлиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Камалова Дилфуза Бахриевна
## Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиника мудири ўринбосари



Д.Б.Камалова 1971 йил 25 сентябрда Самарқанд шахрида таваллуд топган. 1978-1988 йиллар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 3-сон ўрта умумтаълим мактабда ўқиган. 1988 -1994 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 1994-1995 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида врач-интерна вазифасида ишлаган. 1995-1997 йиллар Самарқанд шахар 1-сон болалар шифохонасида врач-педиатр, 1997-2010 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида ЛОР врач, 2010-2011 йиллар шу шифохонанинг консультатив-диагностика бўлими бошлиғи, 2011-2012 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, 2012-2013 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон катталар поликлиникаси бош врачи, 2013-2017 йиллар Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош врачи лавозимларида ишлаган. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар марказий

кўп тармоқли поликлиника мудири ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1652-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Самарканд шаҳар ҳокимининг 2013 йил 29 апрелдаги 638-Қ сонли қарорлари асосида Шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиника ташкил қилинди. Билимдон врач, моҳир раҳбар Д.Б.Камалова Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликникаси қошида репродуктив марказ қуйидаги тузилмалардан таркиб топган бўлим ва хоналарни ташкил қилди:

- ТМЭ бўйича бош врач ўринбосари;
- Даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари;
-УТТ хоналари, ЭКГ хоналари, таҳлилхона, эндоскопия хонаси, рентген хонаси, флюрография хонаси, ЭЭГдан иборат диагностика бўлими;
-Поликлиника мутахассислари хоналари: кардиолог, ревматолог, ЛОР, нефролог, гематолог, эндокринолог, ревматолог, невропатолог, гасроэнтеролог, психиатр, кожвенеролог, аллерголог, инфекционист, жарроҳ, онколог, травматолог, ортопед, уролог, офтальмолог, акушер-гинеколог, стоматолог, педиатрлар, ўсмирлар врачлари, иммунолог,
- зарарсизлантириш бўлими;
- Физиотерапия бўлими ва б.лар.

Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси 529900 аҳолига хизмат кўрсатади. Шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли 75 та мактаб, 96 та мактабгача таълим муассасалари, 5 та махсус интернат, 1 та меҳрибонлик уйи бўлиб, 3-18 ёшли болалар сони 97414 та. Шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли 36 та коллеж, 8 та академик лицей, 6 та олийгоҳлар мавжуд бўлиб, талабаларга тиббий хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 6 январдаги 6-сонли «Аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ҳамда профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига асосан мактаб, мактабгача таълим муассасалари, коллеж ва лицейларда тармоқ режа асосида тўлиқ сифатли тиббий кўриклар ўтказилиб, аниқланган касаллар соғломлаштирилди.

2017 йил январ ойида вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси буйруғига биноан Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи этиб тайинланди. Иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 март 2017 йилдаги **«Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ПК-2857-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2 та қишлоқ оилавий поликлиника, 7 та қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими ташкил қилинди. Гинекология бўлими иши қайтадан йўлга қўйилди. Шошилинч тез тиббий ёрдам машиналари учун алоҳида шахобча қурдирилди. Тумандаги чекка қишлоқларда яшайдиган аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги анча яхшиланди.

2017 йил сентябрдан Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиника мудири ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Д.Б.Камалова Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси Низомига асосан самарали фаолиятни олиб бормоқда. Замонавий фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда шаҳар аҳолисига поликлиника шароитида малакали ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида касалликлар, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш шулар жумласига киради.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун шаҳар марказий кўптармоқли поликлиникаси қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Касалликларни эрта аниқлаш учун аҳолини тиббий текширишдан малакали тарзда ва тўла ҳажмда ўтказиш, даволашни янги турлари ва усулларини кенг миқёсда жорий этиш, тиббий кўрикларни ташкил этиш ва уларни юқори савияда ўтказиш, ўсмирлар саломатлигини мунтазам кузатиб бориш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини ўрганиш, даволаш, соғломлаштириш ва зарур профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашув чоғида белгилаб берилган устивор вазифаларни амалга оширишда фаол қатнашиш тибиёт ходимларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланишини яхши билган Д.Б.Камалова хозирги кунда иш фаолиятини асосий мезони сифатида кабул килиб ишлаб келмокда. Ушбу устивор вазифаларга куйдагилар киради:

1.Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш сифат ва самарасини тубдан яхшилаш.

2.Аҳолига шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини мукаммаллаштириш.

3.Ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилишида вилоят ва туманлар кесимида, аҳоли учун қулай ва юқори малакали тиббий хизматни ташкил этиш.

4.Оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифат ва самарадорлигини ошириш.

5.Кадрлар таъминотини яхшилаш ва уларнинг малакасини оширишда алоҳида ёндашув тизимини жорий қилиш.

6.Аҳолини сифатли, арзон дори-дармон ва тиббий жихозлар билан таъминлаш ҳамда даволанишнинг таннархини пасайтириш;

7.Даволаш ва профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлаш.

Камалова Дилфуза Бахриевна олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида “Валеология

соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани” мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Унинг тиббиёт соҳасидаги самарали ва беминнат хизматлари зое кетмади. 2013 йил 6 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиги, 2014 йил март ойида «Тиббиёт аълочиси» кўкрак нишони ва 2015 йилда Самарқанд вилоят соғликни саклаш бошқармасининг «Фидокорона меҳнатлари учун» фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят врачлар ассоциацияси фаолиятига фаол иштироки ва унинг равнақига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан мукофотланган.

**Махмудов Пирмухаммад Эшназарович**
**Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи**



Махмудов Пирмухаммад Эшназарович 1971 йил 20 октябрь куни Самарқанд вилоят Қушробот туман Жуш ҚФЙ Тоз қишлоғида оддий ўқитувчи оиласида туғилган. 1979 йил Тоз қишлоғида жойлашган 39 сонли тўлиқсиз ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб 3-синфгача ушбу мактабда таълим олди. 4-синфдан 8-синфгача қўшни Тоз қишлоғида жойлашган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли 17- сон ўрта мактабда таълим олди. 1987-1988 йиллар Жиззах вилоят Арнасой туман Алишер Навоий номли 6-сон ўрта мактабда 9-10 синфни тугатди. 1988 йил Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтига ўқишга кириб, шу институти санитарияґгигиена ва эпидемиология мутахассислиги бўйича 1994 йил тўлиқ курсини тугатди. 1994-1995 йиллар Жиззах вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонасида бир йиллик интернатурани тугатди.

1995-1997 йиллар Кўшработ туман Марказий шифохонасига қарашли Тоз қишлоқ врачлик амбулаториясида болалар врачи лавозимида иш фаолиятини бошлади.1997-2004 йиллар давомида Тоз қишлоқ врачлик Пунктида мудир лавозимида фаолият олиб борди. 2004-2006 йиллар Самарқанд шаҳар Давлат санитария эпидемология назорат марказида врач- эпидемиолог лавозимида фаолият олиб борди. 2006-2018 йиллар Самарқанд шахар ДСЭНМда бош врач муовини лавозимида фаолият олиб борди. 2018 йил август ойидан Самарқанд шахар ДСЭНМда бош врач лавозимида ишлаб келмоқда. Ўтган йиллар давомида ўз вақтида малака ошириб, олий тоифали врач сертификатини олган. Ўз иш фаолияти даврида, яъни 2019 йил январь ойидан шаҳар ДСЭНМ капитал таъмирланган 4 қаватли бинога кўчиб ўтказилди. Моддий техник базаси мустаҳкамланди, мебель, копметерлар олинди, ҳоналарга совутгичлар ўрнатилди, ходимлар учун барча шароитлар яратилди. Пуллик хизмат йўлга қўйилди. Шаҳар ДСЭНМ мутахассислари томонидан олиб борилган ҳаракат туфайли болалар ўртасида вирусли гепатит А касаллиги камайди. Бошқариладиган 12 турдаги юқумли касалликларга қарши тўлиқ эмлаш ишлари олиб борилмоқда. 9-13 ёшдаги қизларни ВПЧ (бачадан бўйни саратонга қарши эмлаш ишлари эмлаш календарига киритилиб, эмлаш ишлари олиб борилди. Ўта хавфли юқумли касалликлар шаҳримиз аҳолиси ўртасида қайд қилинмади. Иш фаолияти давомида вилоят ССВ, вилоят ДСЭНМ хамда шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Халилова Шоира Нематовна**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази иммунопрофилактика бўлими врачи**



Ш.Н.Халилова 1972 йил 8 январь куни Самарқанд вилоят Самарқанд туманида туғилган. У 1979-1989 йиллар Самарқанд туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли ўрта мактабни олтин

медал билан тугатган. 1990-1996 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1997 йил Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида бошлаган ва 2008 йилгача шу ерда ишлади. 2008 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази иммунопрофилактика бўлимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўз билим ва тажрибасини янада орттириш мақсадида бир неча марта малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт инситути Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани“ мавзусида малака оширди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Олий мажлис томонидан 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун жами 6 бўлим ва 32 банддан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бандлари муайян масалаларга бағишланган. Қонунда кўрсатиб ўтилганидек Давлат санитария назорати бу – санитария ва эпидемиология хизмати томонидан санитария қонунчилигини бузишнинг олдини олиш, бузиш ҳолларини аниқлаш, огоҳлантириш билан боғлиқ фаолият бўлиб, ушбу қонун воситасида тартибга солиб борилади. Ш.Н.Халилова Қонуннинг ушбу талаблари мазмун-моҳиятини бобма-боб вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари ва назорат остидаги объектларда ишловчи ходимларга тушунтириб, улар билан бир неча ўқув-амалий семинарлар ўтказди. Мамлакатимизда кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими

яратилди. Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб. бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Санитария қоидалари, нормалар ва гигиена нормативлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан ташқари фуқаролик институтларининг иштироки аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилган.

Ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятидан руҳланган малакали врач Ш.Н.Халилова иммунопрофилактика шифокори сифатида Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган вазифаларни бажаришда астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Фармонова Зухра Низомовна**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўптармоқли марказий поликлиника врач акушер-гинекологи**



З.Н.Фармонова 1972 йил 14 январь куни Самарқанд вилоят Қўшработ туманида туғилган. У 1995 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битирди. 1995-1996 йиллар Самарқанд шаҳар

бирлашган шифохонасига қарашли 1-сон туғруқхонасида врач-интерна, 1996-2001 йиллар Самарқанд шаҳар 2-сон поликлиникасида врач акушер-гинеколог бўлиб ишлади. 2001-2013 йиллар Самарқанд шаҳар 2-сон поликлинкасида гинекология бўлими бошлиғи лавозимида меҳнат қилди. 2013 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўптармоқли марказий поликлиника врач акушер-гинекологи бўлиб ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарордан руҳланган барча тиббиёт ходимлари қатори Самарқанд шаҳар 2-сон поликлиникаси гинекология бўлими мудираси сифатида малакали шифокор З.Н.Фарманова қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

2016 йилни Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига нақадар катта эътибор қаратилаётганлигини яна бир бор намоён этади.

Халқимизнинг асрий анъаналарини ҳисобга олиб, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эътибор муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2016 йил Ўзбекистон Республикасида "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сонли "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Малакали врач акушер-гинеколог сифатида З.Н.Фарманова "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифалари этиб белгиланган оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш, никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш ҳамда ушбу мақсадларда поликлиникаларни замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини аҳоли кенг қатламлари онгига сингдиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш,

санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш каби вазифаларни бажариш мақсадида З.Н.Фарманова ўзи бошқараётган бўлимнинг барча тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Жафарова Нилуфар Жахонгировна**
**Самарқанд вилоят Ургут шаҳар Умар Қурбонов номли шифохона аёллар маслаҳатхонаси акушер-гинекологи**

Н.Ж.Жафарова 1972 йил 24 июнь куни Самарқанд вилоят Ургут туманида дунёга келган. У ўрта мактабни тугатиб, 1990 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди ва мазкур олийгоҳни 1996 йилда битирди. Меҳнат фаолиятини 1997 йил Самарқанд вилоят Ургут шаҳар Умар Қурбонов номли шифохона аёллар маслаҳатхонаси акушер-гинекологи бўлиб бошлади ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи

перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Н.Ж.Жафарова ушбу Қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилди ва ўзининг иш фаолиятини ана шу қарор асосида олиб бормоқда.

Шунингдек, малакали врач акушер-гинеколог сифатида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Кўп йиллик самарали меҳнати билан вилоят аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида катта ҳисса қўшди.

Олий тоифали врач Н.Ж.Жафарова доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017

йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида “Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари” мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Файзуллаева Дилфуза Собирхоновна
## Самарқанд вилоят “Она ва бола” скрининг маркази врач-невропатологи



Д.С.Файзуллаева 1972 йил 3 июль куни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида туғилган. 1997 йил Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетини тамомлаган. 1997-1998 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти 1-сон клиникаси неврология бўлимида интернатура ўтаган. Ўзининг назарий билим ва амалий кўникмаларини янада бойитиб врач-невропатолог мутахассислигига сазовор бўлган. 1998-2005 йилларда Самарқанд вилоят “Она ва бола” саломатлик марказининг скрининг бўлимида врач-невропатолог, 2005-2013 йилларда Самарқанд вилоят “Она ва бола” скрининг марказида врач-невропатолог бўлиб ишлаб келди. 2013 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят “Она ва бола” скрининг маркази бўлим бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги

умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. Д.С.Файзуллаева ушбу Қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилди ва ўзининг иш фаолиятини ана шу қарор асосида олиб борди.

Шунингдек, малакали врач-невропатолог сифатида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилиб келди.

"Она ва бола" скрининг маркази врач-невропатологи ва моҳир мутахассис сифатида бутун вилоят бўйича ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, ҳомилада аниқланган турли хил нуқсонларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича самарали ишлаб келмоқда. Кўп йиллик самарали меҳнати билан вилоят аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида катта ҳисса қўшди.

## Саданов Баходир
## Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-экологи



Б.Саданов 1972 йил Самарқанд вилоят Қўшработ тумани Жўш маҳалласида туғилган. У Самарқанд Давлат Университети биология факультетида таҳсил олиб, уни 1996 йилда битирди. 1999 йилда Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида санитар врачи бўлиб ишлади. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-экологи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

I тоифали врач Б.Саданов доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Давлат санитария назоратининг қайси йўналишида ишламасин, доимо Республика Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Давлатимиз Қонунлари асосида фаолият юритиб келмоқда. Бунга мисол, Мамлакатимизда кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганидан руҳланган

Б.Саданов унда белгиланган тадбирларни бажаришда фаол қатнашди. Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратди.

Айниқса, унинг врач-эколог сифатида иш фаолияти тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш янги даврида Юртбошимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонидан сўнг янада жонланди. Чунки Фармонда Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш каби инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви, атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш Экология ва атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг асосий вазифалари сифатида қабул қилинган. Ҳозирги вақтда малакали мутахассис, врач-эколог Б.Саданов вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда вилоят Экология бошқармаси ходимлари билан юқоридаги Фармон ва Қарорларни бажариш юзасидан самарали иш олиб бормоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

## Арзиқулова Саодат Рахмановна
## Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон туғруқ мажмуаси ҳомиладорлар хасталиги бўлими мудири



С.Р.Арзиқулова 1973 йил 2 январь куни Қозоғистон Республикаси Жалдикўрғон туманида таваллуд топган. У Самарқанд шаҳридаги 13-сон ўрта таълим мактабини 1990 йилда тугатиб, шу йилнинг ўзида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирган. Олийгоҳни битириб, 1996-1997 йиллар интернатура ўтаган. 1997 йилдан бошлаб Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон туғруқ мажмуасида врач акушер-гинеколог, 2016 йилдан бошлаб ҳомиладорлар хасталиги бўлими мудири вазифасига тайинланган ва ҳозиргача ишлаб келмоқда. I тоифали акушер-гинеколог сифатида юзлаб тиббий ёрдамга муҳтож аёлларга бегиннат хизмат кўрсатиб, аҳоли ва тиббиёт ходимлари ўртасида ҳурмат-эътибор топди.

С.Р.Арзиқулова доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш" мавзусида малакасини оширди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди. С.Р.Арзикулова ушбу Қарорнинг мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилди ва ўзининг иш фаолиятини ана шу қарор асосида олиб борди.

Шунингдек, малакали врач акушер-гинеколог сифатида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғликни саклаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли “2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустахкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори асосида аҳолига тиббий ёрдам сифати ва

самарадорлигини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилиб келди.

Ҳомиладор аёллар хасталиги бўлими мудири ва моҳир мутахассис сифатида фақат преэклампсиянинг оғир шакли билан 12 нафар, ўта оғир даражали анемия касалликлари билан ётқизилган ҳомиладор аёлларни самарали даволади. Режали равишда 200 дан зиёд, шошилинч равишда 50дан ортиқ жарроҳлик операцияларини амалга оширди.

Кўп йиллик самарали меҳнати билан вилоят аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида катта ҳисса қўшди.

**Тошхўжаев Юнус Шодмонович**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач ўринбосари**



Ю.Ш.Тошхўжаев 1973 йил 28 февраль куни Сирдарё вилояти Оқ олтин тумани З.М.Бобур жамоа хўжалигида таваллуд топган. У 1991-1997 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг санитария-профилактика куллиётини тамомлади. 1998 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида санитария врачи, бўлим мудири, бош врач бўлиб ишлаб келди. Украина, Россия давлатларида малака ошириб, конференцияларга қатнашган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг Олий мажлис томонидан 1992 йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун жами 6 бўлим ва 32 банддан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бандлари муайян масалаларга бағишланган. Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, Давлат санитария назорати бу – санитария ва эпидемиология хизмати томонидан санитария қонунчилигини бузишнинг олдини олиш, бузиш ҳолларини

аниқлаш, огоҳлантириш билан боғлиқ фаолият бўлиб, ушбу қонун воситасида тартибга солиб борилади. Ю.Ш.Тошхўжаев Қонуннинг ушбу талаблари мазмун-моҳиятини бобма-боб вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари ва назорат остидаги объектларда ишловчи ходимларга тушунтириб, улар билан бир неча ўқув-амалий семинарлар ўтказди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди. Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан ташқари фуқаролик институтларининг иштироки аниқ кўрсатилган. Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилган.

Ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятидан руҳланган малакали врач Ю.Ш.Тошхўжаев Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини

шакллантиришга қаратилган вазифаларни бажаришда астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Салохиддинова Дилбар Жўрақуловна**
**Самарқанд шаҳар марказий кўптармоқли поликлиникаси репродуктив саломатлик маркази терапевти**



Д.Ж.Салохиддинова 1973 йил 5 март куни Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1975-1980 йиллар Самарқанд шаҳридаги 67-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбияланган. 1980-1990 йилларда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 5-сон ўрта таълим мактабида сабоқ олган. Мактабни имтиёзли тугатиб, 1990 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирган. 1996 йил олийгоҳни битириб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг 2-сон клиникаси кардиология бўлимида интернатура ўтаган. Интернатура даврида олийгоҳда олган назарий билимларини янада бойитиб, амалий кўникмалар олган. Шундан сўнг 1997 йилдан бошлаб, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон катталар поликлиникасига ҳудуд терапевти лавозимига ишга қабул қилинган. 2003-2011 йилларда поликлиниканинг 1-терапия бўлими бошлиғи, 2011-2013 йилларда мазкур поликлиника бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2013-2017 йиллар Самарқанд шаҳар марказий кўптармоқли поликлиника бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. Бир вақтнинг ўзида 2005-2011 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Умумий амалиёт шифокори кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар марказий кўптармоқли поликлиникаси Репродуктив саломатлик маркази терапевти лавозимида ишлаб келмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини янада шакллантириш мақсадида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида 2016 йил 17 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мурувват" ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасалардаги ногирон болалар учун уй-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 347-сонли қарори қабул қилинди. Бу, албатта, ушбу муассасаларда тарбияланаётган болалар ҳамда у ердаги ходимлар меҳнатига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Шу билан бирга, оналик ва болаликни янада муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги 2650-сонли "Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори қабул килинди. Моҳир шифокор Д.Ж.Салохиддинова Самарқанд шаҳар марказий кўптармоқли поликлиника бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари сифатида ушбу Қарор ижросига қаратилган қуйидаги, яъни аёллар ва болаларни патронаж хизмати билан қамраб олиш, туғруқ муассасаларини тўлиқ жиҳозлаш, ўсмир қизларга кўрсатилаётган гинекологик хизматларни яхшилаш, болаларда кузатиладиган юқумли касалликларнинг олдини олиш каби қатор муҳим масалалар тизим олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигига жиддий эътибор қаратиб келди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мутаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни

кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, сурункали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилини ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқ асосида жорий йилнинг март ойидан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жойлардаги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш" штаби ташкил қилинди. Ушбу штабларнинг тузилмаси, таркиби ва штаб аъзоларининг ҳудудлар тақсимоти ишлаб чиқилди.

Шунингдек, буйруқда аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар ҳамда патронаж ҳамшира томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар алгоритми, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш алгоритми, аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар, репродуктив саломатлик кўрсаткичлари бўйича мониторинг натижасининг кунлик ва ойлик ҳисоботлари ҳамда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш ҳолати бўйича мониторинг жадваллари ва бунинг баробарида юқоридаги вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан

маълумотларни тегишли штабларга тақдим этиб бориш вазифаси белгиланди.

Ушбу буйруқ аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилаш, жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш ва амалга оширилган ишларни тизимли, таҳлилий назорат қилиб бориш имконини беради. Албатта, бу каби соҳага оид чиқарилаётган барча меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигининг мужассам эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Буни яхши тушунган мутахассис сифатида Д.Ж.Салохиддинова ўз фаолиятида мазкур қарорларни дастуриламал қилиб ишлаб келмоқда.

Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор малака оширди. Охирги марта Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Қоржавов Нажмиддин Хамроевич
## Самарқанд вилоят Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Нажмиддин Хамроевич Қоржавов 1973 йил 5 май куни Булунғур туман собиқ Правда Востока номли колхознинг Катта Михайловка қишлоғида зиёлилар оиласида таваллуд топган.

1978-1988 йиллар Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли Бўта Расулов номли 3 ўрта мактабда ўқиди. 1988-1993 йиллар Д.Иванов номидаги тиббиёт билим юртида таҳсил олди. 1993-1994 йиллар Булунғур туман Силга қарши кураш диспансери фельдшери бўлиб ишлаган. 1994-2001 йилларда Самарқанд Давлат

тиббиёт институти Педиатрия куллиётида таҳсил олди. Олийгоҳни битириб, умумий амалиёт педиатри ихтисослигини олди.

2001-2002 йилларда Булунғур туман марказий шифохонаси тез ёрдам бўлими навбатчи шифокори, 2002-2003 йилларда Самарқанд шаҳар 2-туғруқ уйида акушер-гинеколог бўйича қайта мутахассислик бўйича ўқиб келиб, 2003-2009 йиллар Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексида акушер-гинеколог, 2005-2009 йилларда Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлади. 2009-2011 йилларда Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош педиатри, 2011-2012 йиллар Булунғур туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, 2013-2015 йилларда Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, 2015-2016 йилларда Ғўбдин қишлоқ врачлик пункти мудири вазифаларида меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳ.в.гача Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

2010 йилда ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган педиатрларнинг Халқаро VII съездида иштирок этган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Нажмиддин Хамроевич ушбу қарор асосида соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш бўйича самарали меҳнат қилди.

Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Нажмиддин Хамроевич Қарорда кўрсатилган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш масалаларини долзарб вазифалар қаторига қўйиб, ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантирди. Малакали шифокор ўзига бириктирилган ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, самарали натижаларга эришди.

Юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали

мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда белгиланган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Ноинфекцион касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Нажмиддин Хамроевич малакали шифокор сифатида Булунғур туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида фаол ишлаб келмоқда.

Самарали меҳнат фаолияти инобатга олиниб, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Булунғур туман ҳокимлиги ва туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти томонидан қатор фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанд бор.

## Орипова Фотима Одиловна
## Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач энтомологи



Ф.О.Орипова 1973 йил 7 октябрь куни Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Узун қишлоқ маҳалласида таваллуд топган. У 1991-1993 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт коллежида сабоқ олди. 2006-2010 йиллар Самарқанд Давлат Университети биология факультетида таҳсил олган. 2011-2013 йиллар Агросаноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчи вазифасида меҳнат қилди. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида энтомолог врачи вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маданиятини янада ошириш бўйича Ўзбекистонда катта ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Экология масалалари, касалликларнинг олдини олиш, аҳолига соғлом турмуш ва ишлаб чиқариш шароитини яратиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш профилактиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда, юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий хизмат билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ана шулардан руҳланган тажрибали мутахассис сифатида у ҳозирги кунда ўз фаолиятини астойдил юритиб келмоқда.

У ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётнинг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Отамуротова Манзура Турсуновна**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи, вилоят бош давлат санитария врачи**

М.Т.Отамуротова 1973 йил 30 декабрь куни Самарқанд вилоят Пойариқ туманида дунёга келган. У 1980-1990 йиллар Пойариқ халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1990-1996 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетида таҳсил олган. 1996-1997 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида интернатура ўтади. Меҳнат фаолиятини 1997 йил Самарқанд вилоят Пойариқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-эпидемиологлигидан бошлаган ва 2016-2019 йиллар шу марказнинг бош врачи лавозимида, 2019 йилдан Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи, вилоят бош давлат санитария врачи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи

Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони кабул килинди.

Ушбу Фармон Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси соғликни саклаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини маъқуллади. Ушбу Фармонга асосан мамлакатимизда шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари барпо килинди. Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини якинлаштириш максадида кишлоқ врачлик пунктлари курилишини янада жадаллаштириш ишлари олиб борилди. Аҳолини турли хил овкатдан захарланишлар ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш, айниқса мамлакатимизда ўта хавфли юқумли касалликларнинг қўшни давлатлардан кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган Давлат дастури асосида Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимларига ҳам бир мунча вазифалар, шу жумладан, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларни пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик саводхонлигини ва тиббий маданиятини янада ошириш юклатилди. М.Т.Отамуротова аҳоли ва аҳолининг табақаланган қатламини тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликда гумон қилинган шахсларни алоҳидалаш ва бошқа зарур санитария–эпидемиология хамда зарарсизлантириш тадбирларини ўтказишда самарали меҳнат қилди.

Ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимизда давлат санитария-

эпидемиология назорат хизматини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида турли хил овқатдан заҳарланишлар ва юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфининг олдини олиш, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликларнинг қўшни давлатлардан мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик борасида катта ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Олий тоифали эпидемиолог, туман Бош Давлат санитария врачи М.Т.Отамуротова доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётнинг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

У Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси

Оилали, 1 нафар фарзанди бор.

**Қудратов Обид Бозорбоевич**

**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари**

О.Б.Қудратов 1973 йил Самарқанд вилоят Ургут туман Алгар қишлоғида таваллуд топган. У 1980-1990 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли Р.Узоқова номли 100-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1992-1998 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. 2000-2016 йиллар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали болалар реанимиция бўлими врачи бўлиб меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. О.Б.Қудратов малака ошириш мақсадида Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Россия давлатида ҳам бўлган. У доимо ўз устида ишлайди, изланади,

ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш даврида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилиб, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги анча ошди. Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ғоят катта маблағлар йўналтирилаётганига қарамасдан, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорти парки етарлича ташкил этилмаган. Айрим вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари томонидан ихтисослаштирилган автотранспортдан ноoқилона ва мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, гараж хўжалиги ва транспортга техник хизмат кўрсатиш тизимлари суст ташкил этилган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд ихтисослаштирилган автотранспорт паркидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан жойлардаги соғлиқни сақлаш тизими ҳамда давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг жавобгарлигини тубдан ошириш, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 21 майдаги ПҚ-1114-сонли "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. О.Б.Кудратов ўз иш фаолиятида ушбу Қарорни дастуриламал қилиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган Ш.М.Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янги

даврини бошлаб берди. Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилишда Ургут туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари сифатида О.Б.Қудратов самарали меҳнат қилиб келмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малакасини оширган. Охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборот йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Хўжамова Феруза Туйчиевна
## Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Урамас қишлоқ врачлик пункти мудираси



Ф.Т.Хўжамова 1974 йил 10 февраль куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ўрамас маҳалласида дунёга келган. У 1981-1990 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 23-сонли ўрта мактабда сабоқ олди. 1993-2000 йиллар Самарқанд Давлат

тиббиёт институтида таҳсил олган. 2000-2005 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ўрамас қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлади. 2005 йилдан ҳозирги кунгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ўрамас қишлоқ врачлик пункти мудираси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятда қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ф.Т.Хўжамова қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,0-4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Ф.Т.Хўжамова

қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофик ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Олий тоифали врач Ф.Т.Хўжамова доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Турсунова Зарина Аброровна**
**Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-лаборанти**



З.А.Турсунова 1974 йил 8 февраль куни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида туғилган. У 1980-1990 йиллар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 21-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1990-1995 йиллар Самарқанд Давлат

Университети биология факультетида таҳсил олган. 1995 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида врач-лаборант вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунлардан руҳланган З.А.Турсунова унда белгиланган тадбирларни бажаришда фаол қатнашди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди. Олий тоифали врач З.А.Турсунова ўзининг иш фаолиятини ана шу Қонунда белгиланган мезонларни ҳамда давлат стандарти асосида объектлардан лаборатория усулида олинадиган таҳлилларни бажаришда олиб борилмоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётнинг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди ва 2 нафар набираси бор.

**Назарова Лобархон Собировна**
**Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири**



Л.С.Назарова 1974 йил 20 август куни Каттақўрғон тумани Зарафшон жамоа хўжалиги Зарқўрғон қишлоғида туғилган. У 1991-1997 йиллар Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг санитария-гигиена факультетида таҳсил олди. 1997-1998 йиллар Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида интернатура ўтди. 1998 йилдан ҳозирги вақтгача Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги "2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар орасида гельминтозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 9-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган ҳолда харид қилиши учун ажратиладиган маблағлари хисобидан антигельминт препаратлари сотиб олиниши ва йилда 2 маротаба республиканинг барча 2-6 ёшли ва 7-10 ёшли болалар орасида дегельминтизация тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган.

Қарорда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда бутун вилоят тиббиёт ходимлари катори Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази шаҳар даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда ўқийдиган барча талаба ёшларни лаборатория текширувидан ўтказиб гельментлар топилган болаларни зудлик билан дегельментизация (гижжани тушириш) қилиш чора-тадбирларини ўтказишди. Шунингдек, болалар ўртасида гижжа касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида тушунтириш ишлари амалга оширилди. Каттақўрғон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудираси,

олий тоифали врач сифатида Л.С.Назарова бу тадбирларни ўтказишда фаол қатнашиб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. 2 қиз ва 1 ўғил. Катта қизи онаси изидан бориб тиббиёт касбини эгаллаган.

**Маллаева Мавжуда Бахрамовна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



М.Б.Маллаева 1974 йил 24 сентябрда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. 1981-1991 йилларда Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 3-сон ўрта мактабда таҳсил олди. У 1995 йил Жиззах Давлат Педагогика институтининг биология факультетини тугатган. 1998 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, умумий гигиена ва экология кафедрасида катта лаборант лавозимига ишга кирди. 2002 йилдан то 2016 йилга қадар шу кафедрада ассистент бўлиб ишлаб келди. Ҳозирги вақтда фармацевтика фирмасида фаолиятини давом эттирмоқда.

2007 йил 3 сентябрдан 2007 йил 28 декабргача Самарқанд Давлат Универстети қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказида «Экология» бўйича таълим олди, «Ўзбекистондаги экологик вазият таҳлили» мавзуси бўйича диплом ишини ҳимоя қилди ва шу боис унга экология фанини ўқитиш ҳуқуқи берилди. Унинг олиб бораётган номзодлик диссертацияси мавзуси: «Изучение влияния неблогоприятных экологических факторов на систему детоксикации ксенобиотиков человека».

Маллаева М.Б. жами бўлиб 6 та илмий мақола ва 3 та услубий тавсиянома чоп эттирган.

Оилали 2 нафар ўғли бор. Турмуш ўртоғи Носиров Тўлқин шифокор.

## Махмонов Лутфулла Сайдуллаевич
## Самарқанд вилоят Булунғур
## туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи



Лутфулла Сайдуллаевич Махмонов 1974 йил 26 ноябрь куни Самарқанд вилояти Нарпай туманида таваллуд топган. 1992-1998 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 1998-1999 йиллар интернатура ўтаган. 1999-2001 йилларда Самарқанд вилоят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонаси клиник ординатурасида малака оширган.

2001-2011 йилларда Самарқанд вилоят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонаси ординатори, 2011-2014 йиллар Самарқанд вилоят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонаси пуллик хизмат бўлими мудири, 2014-2018 йиллар Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи бўлиб ишлаган. 2018 йилдан ҳ.в.гача Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ёш мутахассис раҳбар Лутфулла Сайдуллаевич Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига тайинлангандан сўнг унинг ташкилотчилик қобилияти намоён бўлди. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ва у кишининг муносиб вориси Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорларни бажаришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани

шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётганислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ушбу қарор асосида Самарқанд вилоят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонасида катта тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шифохона янги, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишларда бутун жамоа аъзолари қатори Лутфулла Сайдуллаевичнинг ҳам ҳиссаси бор.

Мазкур қарордан руҳланган ёш мутахассис врач ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, онкологик беморларни эрта аниқлаш, ҳисобга олиш ва даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Республикада соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди. Травматология хизматининг ягона вертикал интеграциялаштирилган тизими яратилди, муассасаларнинг замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий илмий мактаби шакллантирилган. Травматология муассасалари амалиётига

даволашнинг бир қанча замонавий усуллари жорий этилган, профилактика тизими такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Қарордан руҳланган Лутфулла Сайдуллаевич соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича самарали меҳнат қилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўрсатилган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш масалалари Лутфулла Сайдуллаевичнинг диққат-эътиборидаги долзарб вазифаларга айланди. Тажрибали шифокор ўзига бириктирилган ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, ижобий натижаларга эришди.

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда белгиланган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Лутфулла Сайдуллаевич малакали шифокор ва туман тиббиётининг раҳбари сифатида Булунғур туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида фаол ишлаб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Аблобердиев Умид Эсанович
## Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ғуз қишлоқ врачлик пункти мудири



У.Э.Аблобердиев 1975 йил 27 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут тумани Ғуз қишлоғида дунёга келган. У 1983-1992 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 69-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1992-1998 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олди. 1998-1999 йиллар Самарқанд шаҳар 1-сон поликлиникасида интернатура ўтаган. 2000-2004 йиллар Ғуз қишлоқ амбулаторияси ўсмирлар врачи бўлиб ишлади. 2004-2008 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Ғуз қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори, 2008-2017 йиллар ушбу ҚВПнинг мудири лавозимида меҳнат қилди. 2017 йилдан Ғуз қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) қишлоқ оилавий поликлиникаси (ҚОП)га айланди ва У.Э.Аблобердиев мазкур ҚОПнинг мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Истиқлол йилларида қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005

йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. У.Э.Аблобердиев қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири У.Э.Аблобердиев қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан

таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда астойдил хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизида кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этиш, ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган "Дори-дармон" АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилиши белгиланган. Ушбу қарорни бажаришда биринчилар қатори қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида малакали врач У.Э.Аблобердиев фаол иштирок этди.

У ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-

овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланишини яхши тушунган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти", 2017 йилда эса "Медицина статистикаси, ахборотларни йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзуларида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Уразов Нўъмон Саъдуллаевич
## Самарқанд вилоят онкология диспансерининг торакоабдаминол хирургия бўлими бошлиғи



Н.С.Уразов 1976 йил 1 март куни Самарқанд вилоят Булунғур тумани Шўрбедана қишлоғида ўқимишли оилада таваллуд топган. У 1983-1993 йиллар Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 30-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. Ўрта мактабни тугатиб Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни битириб 2000-2002 йиллар мобайнида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг онкология кафедрасида клиник ординатуранинг тўлиқ курсини тамомлади. Зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган Нўъмон Саъдуллаевич врач-хирург мутахассислигига сазовор бўлди.

Илк меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят онкология диспансерида врач-методистликдан бошлади. 2002-2008 йилларда мазкур диспансернинг жарроҳлик бўлимида онкожарроҳ бўлиб меҳнат қилди. 2008-2010 йилларда Самарқанд вилоят онкология диспансерининг ташкилий-услубий бўлимининг мудири сифатида ишлади. 2010 йилда самарали меҳнатларини ҳисобга олиб раҳбарият уни ушбу диспансернинг торакоабдаминал хирургия бўлими бошлиғи лавозимига тайинлашди. У ана шу лавозимда ҳозирги кунгача фаолият юритиб келмоқда. У онкожарроҳ сифатида жуда кўп мураккаб операцияларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ушбу қарор асосида Самарқанд вилоят онкология диспансерида кенг кўламда тубдан таъмирлаш ва обонлаштириш ишлари амалга оширилди. Диспансер янги замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бутун жамоа аъзолари қатори диспансер ташкилий-услубий бўлим мудири сифатида Н.С.Уразовнинг ҳам ҳиссаси бор.

Мазкур қарордан руҳланган ёш мутахассис врач ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада

чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, онкологик беморларни эрта аниқлаш, ҳисобга олиш ва даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Республикада соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди. Онкология хизматининг ягона вертикал интеграциялаштирилган тизими яратилди, онкология муассасаларини замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий илмий мактаби шакллантирилган. Онкология муассасалари амалиётида саратонга ташхис қўйиш ва даволашнинг бир қанча замонавий усуллари жорий этилган, онкологик патология профилактикаси тизими такомиллаштирилмоқда, бу эса касалликнинг илк босқичларида беморларни икки баравар кўп аниқлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бутун жаҳонда бўлгани сингари республикада онкологик касалликлар ўсиши қайд этилмоқда. Тиббиёт фанини ривожлантиришнинг замонавий босқичи саратон касалликларининг олдини олиш чораларини янада такомиллаштиришга ва республика аҳолисига онкологик ёрдам бериш сифатини жаҳон андозалари даражасигача оширишга йўналтирилган устувор вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади.

Ана шуларни ҳисобга олиб тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 4 апрель куни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2866-сонли Қарорни имзолади. Ушбу қарор аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, онкологик касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор усулларини жориш этиш, республика онкология муассасаларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг тузилмасини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Қарордан руҳланган Н.С.Уразов ҳозирги вақтда онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, саратон касалликларини барвақт аниқлашнинг скрининг дастурларини босқичма-босқич ҳамма жойда татбиқ этиш, аҳолининг ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларидан фойдаланишини яхшилаш, онкологик касалликларни даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш, онкология муассасаларининг дори воситалари, рентгенлар ва сарфлаш материаллари билан таъминланиш даражасини ошириш каби тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Қудратова Навбаҳор Иргашевна**
**Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бактериолок лаборатория мудири**



Н.И.Қудратова 1976 йил 15 апрель куни Самарқанд вилоят Нарпай туман Иттифоқ жамоа хўжалигида туғилган. У 1994-1999 йиллар Самарқанд Давлат Университети биология факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳар Давлат

санитария-эпидемиология назорат марказида врач-бактериолог бўлиб бошлади. 2012 йилдан ҳозирги вактгача Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бактериология бўлими мудири бўлиб меҳнат қилиб келмоқда.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарияти томонидан халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шулар қаторида бугунги кунда қабул қилинган давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонунини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жойларда фаолият юритаётган санитария назорати хизмати томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизими бажарилаётир. Болаларни юқумли касалликларга қарши бепул эмлаш бўйича миллий тақвим янги вакциналар билан бойитиляпти. Ана шу олиб борилаётган кенг қамровли тадбирларда бутун Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари қатори бактериология бўлими мудири Н.И.Қудратова ҳам баҳоли қудрат иштирок этиб келмоқда.

Энг муҳими, соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати билан кўплаб юқумли касалликларнинг олдини олиш ва камайтиришга эришилди. Масалан, 1993-1995 ва 1997-1998 йилларда Булунғур,

Тайлоқ, Ургут, Самарқанд ва Каттақўрғон туманлари ҳамда Самарқанд шаҳрида қорин тифи ва паратиф касалликлари хуружи кузатилди. Эпидемиологик ҳолат илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилгач, соҳа ходимлари бу жойларда дарҳол режали ишга киришдилар. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Юқорида номланган туманлар аҳолисининг хавфли гуруҳлари аниқланиб, Франциядан олиб келинган вакцина билан эмланди. Натижада, кейинги йилларда бу касалликнинг такрорланишига йўл қўйилмади. Ушбу тадбирлар бактериология лабораторияси ходимлари, айниқса, унинг раҳбари Н.И.Қудратова томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади. Ўзининг назарий билимларини ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида бир неча бор ўз малакасини оширди ва унга I тоифали врач даражаси берилди. Охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Дипломдан кейинги таълим факультети ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Валеология" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Мўминов Соҳибжон Рўзимуродович**
**Самарқанд таянч тиббиёт коллежи кадрлар бўлими нозири**



Соҳибжон Рўзимуродович 1976 йил 29 май куни Самарқанд вилояти Нуробод туман Жом қишлоғида таваллуд топган. 1983-1993 йиллар Нуробод туманидаги 22-сонли ўрта мактабда сабоқ олди.

1993 йилда Самарқанд вилояти Нуробод тумани 63- мактабда "Ёшл ар етакчи"си вазифасидан бошлаган, 1994-1999 йилларда Самарқанд Давлат Университети талабаси, Университетни 1999 йил имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1999 йилдан Самарқанд тиббиёт коллежининг биология фани ўқитувчиси сифатида ишга кириб, 1999-2010 йилларда коллежнинг биология ва тиббиёт генетикаси фани ўқитувчиси, 2010-2017

йилларда "Ҳамширалик иши" бўлими бошлиғи. 2017 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд таянч тиббиёт коллежи кадлар бўлими нозири вазифасида ишлаб келмоқда.

2004-2012 йилларда вилоят микёсида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари биология фани ўқитувчилари кенгаши раиси сифатида фаолият олиб борган. Кенгаш фаолиятининг шўъба машғулотларида педагогика ва методиканинг долзарб муаммоларига ҳамда таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаб, таълим самарадорлигини ошириш ва мустақил фикрловчи мутахассисларни тайёрлашга доир мавзуларда маърузалар билан қатнашиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўптармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, айрим, жойларда туман ва вилоят тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техника базаси ҳолати ўсиб бораётган замонавий талабларга ҳамон жавоб бермай келмоқда. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилишини тақозо этмоқда, уларда етакчи хорижий тиббиёт марказларининг тажрибасини, шунингдек меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шаклларини қўллаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш талаб қилинмоқда.

Аҳолининг тиббий хизматлар тури, ҳажми ва сифатига талаби ортиб бораётган бир пайтда давлат тиббиёт муассасаларининг бюджетдан молиялаштириш қатъиян чегараланган шароитларда бундай талабларга жавоб бера олмаслиги кўзга ташланмоқда. Бундай вазиятда тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг

қўшимча манбаларини топиш долзарб масалага айланди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1652-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларининг асосий йўналишларини белгилаб берди ва аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишида кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, фуқароларга касалликлар профилактикаси ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича диагностика ҳамда амбулатория-профилактика муассасаларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда энг янги ташхис ва даволаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш, замонавий мобил тиббий ускуна ва алоқа воситалари билан бутланган махсус автотранспорт билан қўшимча жиҳозлаш, аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилишнинг профилактик тадбирларини кучайтириш ҳамда ишончлилигини ошириш, онкологик ва сил касаллигига қарши хизматлар муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларининг, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш каби вазифаларини амалга оширишни кўзда тутди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ жойларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, қишлоқ врачлари ва ўрта тиббиёт ходимларининг масъулиятини ва касб фаолияти натижадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли "Қишлоқ врачлик пунктларини янада

мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда узоқдаги, бориш қийин бўлган ва чўлдаги аҳоли пунктларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт врачларига меҳнатнинг алоҳида шарт-шароитлари учун тариф ставкасига нисбатан 25 фоиз миқдорида махсус ойлик устамалар жорий этиш, қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамшираларининг узлуксиз иш стажи давомийлиги учун устаманинг энг кўп миқдорини тариф ставкасининг 20 фоизидан 40 фоизигача ошириш кўзда тутилган. Шунингдек ҳамширалик иши ташкил этилиши, дори-дармонларни ҳисобга олиш, сақлаш ва уларни тўғри сарфлаш учун масъул бўлган катта тиббиёт ҳамшираси лавозимини жорий этиш белгилаб қўйилган. Самарқанд таянч тиббиёт коллежи кадрлар бўлими нозири ва "Ҳамширалик иши" бўлими бошлиғи Сохибжон Рўзимуродович коллеж талабаларига дарс бериш жараёнида юқоридаги қарорларда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражада назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши учун ҳамкасб ўқитувчилари билан астойдил меҳнат қилди.

Иш фаолияти даврида таълим-тарбия, илмий-услубий ишлар соҳасида 20 ортиқ мақолалари шаҳар, вилоят ва республика матбуотларида чоп этилган, Самарқанд Давлат Университети ва Самарқанд Тиббиёт Институти кафедра ўқитувчилар билан ҳамкорликда 10 дан ортиқ ҳаммуаллифликларда яратган услубий қўлланмалар муаллифи.

Унинг таълим-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, ҳамда коллеж маъмуриятининг қатор "Фахрий ёрлиқ"лари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси.

## Ахророва Зухра Асроровна
## Самарқанд вилоят 8-сон оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори



З.А.Ахророва 1976 йил 2 сентябрь куни Самарқанд вилоят Оқдарё туман Янгиқўрғон шаҳарчасида таваллуд топган. У 1983-1993 йиллар Оқдарё туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. 1993-2000 йиллар Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2000 йил Самарқанд шаҳар 1-сон болалар поликлиникасида мактаб шифокори вазифасидан бошлади ва 2012 йилгача шу вазифада хизмат қилди. 2012 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд вилоят 8-сон оилавий поликлиникада умумий амалиёт шифокори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган умумий амалиёт шифокори З.А.Ахророва қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини

таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда астойдил қатнашиб келмоқда.

З.А.Ахророва доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Валеология–соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

I тоифали врач. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Мавлянова Зилола Фарходовна
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти медицина реабилитацияси ва спорт медицинаси кафедраси мудири, Дипломдан кейинги таълим факультети декани



Зилола Фарходовна 1976 йил 18 сентябрь куни Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳрида таваллуд топди. 1983-1993 йилларда Самарқанд шаҳар халк таълими бўлимига қарашли 67-сон ўрта мактбда таълим олди. 1993-2000 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни муваффақиятли битириб, 2000-2002 йиллар мобайнида врачлар малакасини ошириш факультетининг неврология кафедрасида клиник ординатура ўтди. 2002-2005 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетининг неврология кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. 2005-2007 йиллар давомида аспирантурани тугатди. 2007 йилдан бошлаб яна мазкур кафедра ассистенти бўлиб ишлади. 2014 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат

тиббиёт институти медицина реабилитацияси ва спорт медицинаси кафедраси мудири, 2015 йилдан бошлаб эса бир вақтнинг ўзида Дипломдан кейинги таълим факультети декани лавозимига тайинланди ва ҳозирги вактгача самарали ишлаб келмоқда.

Аспирантурани тугатиб, илмий изланишларини тўплаб номзодлик диссертациясини ёзди ва уни муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси 2008 йил 27 март куни Зилола Фарходовнага тиббиёт фанлари номзоди (01№010509 рақамли гувоҳнома) илмий даражасини берди. 2015 йил 30 июнь куни эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси унга Доцент илмий унвонини (03№007403 рақамли гувоҳнома) тақдим етди.

Ёш мутахассис Зилола Фарходовна олийгоҳда педагогик фаолияти билан бир қаторда амалий врачлик фаолиятини ҳам муваффақиятли олиб бормоқда. Жуда кўп беморларнинг дардига даво топиб, оиласи кучоғига қайтариб, аҳоли ўртасида ва тиббиёт жамоатчилигида обрў-эътибор топди. Институтнинг дипломдан кейинги таълим факультетининг декани сифатида қисқа вақтда ўз раҳбарлигидаги 20 дан ортиқ турли хил кафедра ва курсларнинг иши билан танишиб, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатди. Ҳозирги кунда барча кафедра ва курсларда ўқиш жараёни замонавий инновацион технологиялар асосида олиб борилмоқда. Уларнинг барчасида ўқув дастурлари, маърузалар тўпламининг янги тақдимоти ҳам қоғоз, ҳам электрон вариантлари тайёрланган. Шу билан бир қаторда маънавий-маърифий ишлар, тиббиёт коллежлари ва даволаш-профилактика муассасалари билан тузилган шартнома асосида ҳамкорлик ишлари намунали ташкил қилинган. Деканатнинг ўзида ҳам, барча кафедра ва курсларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Олий таълим вазирлигининг талаблари асосида ҳужжатларни олиб бориш ва иш юритиш ташкил қилинган.

Мунтазам равишда ўз устида ишлайди,изланади, ўқийди. 2015 йил 19-20 февраль кунлари Қозоғистон Республикаси Қарағанда шаҳрида “Инновации и тренды в современной хирургии” мавзусида

ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияга ва шу йил 21-22 май кунлари Россия давлатининг Екатеринбург шаҳрида “Национальное здравоохранение: международный диалог” мавзусида Евроосиё форуми илмий дастурида қатнашди ва Свердлов вилояти ҳукумат раиси биринчи ўринбосари В.А.Власов имзоси билан сертификат олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Ҳозирги вақтда доцент З.Ф.Мавлянова ушбу Қарорлар асосида, дипломдан кейинги таълим факультетига қарашли барча кафедра ва курсларда тингловчиларга дарс бериш жараёнини янги технологиялар асосида олиб бориш, таълим-тарбия жараёнларини янада сифатли ва самарали ўтказиш устида тинмай изланиб келмоқда.

Ёш олима 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган кўпгина илмий мақолалари мамлакатимизда ва халқаро миқёсдаги нашрларда чоп этилган. У тайёрлаган 50 дан зиёд тиббиётнинг турли соҳаларига

бағишланган услубий қўлланма ва ўқув-услубий қўлланмалари, айниқса, “Внутриутробая хламидийная инфекция как фактор риска развития патологии центральной нервной системы у детей”, “Эхография головного мозга у плодов и детей раннего возраста”, “Мигрень: клиника, диагностика, лечение (узб. яз)”, “Цереброваскулярные напушения при преэклампсии и эклампсии”, “Асаб касалликларида ҳамширалик иш (узб)”, “Перинатал инсультлар клиника, диагностикаси”, “Xirurgiyada bemorlarning tibbiy reabilitatsiyasi”, “The physical rehabilition in the spinal osteochondrosis”, “Особенности оценки антропометрических показателей и самототипирования у спортсменов”, “Медицинская реабилитация больных с ожирением”, “Маънавий-маърифий ишлар янги ислоҳотлар даврида”, “Соғлиқни сақлаш хусусий сектори янги ислоҳотлар даврида” мавзуларида чоп этилган илмий мақолалари диққатга сазовор.

З.Ф.Мавлянованинг кўп йиллик педагогик ва раҳбарий фаолияти муносиб тақдирланган. У 2013 йил “Обод турмуш йили” якуни муносабати билан Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Фахрий ёрлиғи, 2014 йилда институт жамоат ишларидаги фаол иштироки, ёш авлодни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги самарали меҳнати учун Самарқанд шаҳар ҳокимининг Фаҳрий ёрлиқлари билан мукофотланган. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони билан ва 2018 йил Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлимининг “Ассоциация фахрийси” медали билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Мавлянов Фарҳод Шавкатович Самарқанд Давлат тиббиё институти болалар хирургиси кафедраси ассистенти бўлиб ишлайди.

**Рўзиев Ғуломжон Қурбон ўғли**
**Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси Самарқанд қишлоқ врачлик пункти мудири**



Ғуломжон Қурбон ўғли 1976 йил 20 декабрь куни Самарқанд вилоят Нарпай тумани Беклар қишлоғида таваллуд топган. У 1983-1993 йиллар Нарпай туман халқ таълими бўлимига қарашли 3-сонли ўрта мактабда сабоқ олди. 1994 йил Каттақўрғон тиббиёт билим юртига кириб уни 1996 йилда тугатди. 1997 йил Нарпай туман тиббиёт бирлашмасида тез ёрдам травматологи, 2006 йилдан Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси Самарқанд қишлоқ врачлик пунктида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу қарорлардан руҳланган ёш мутахассис врач ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада

чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятда қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ғуломжон Қурбон ўғли қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда ишлади ва ўзи раҳбарлик қилаётган бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда астойдил меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти

тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача хар бир кишлок врачлик пунктига 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг асосий максади умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғликни саклаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири Ғуломжон Қурбон ўғли кишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига кадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини мухофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол катнашди.

Ғуломжон Қурбон ўғли доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган “Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти” мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

I тоифали врач.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## Жабборов Шавкат Шомирзаевич
## Самарқанд вилоят Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи



Ш.Ш.Жабборов 1976 йил Ургут туман "Чумчуқли" маҳалласида ишчи оиласида туғилган. 1983 йилда Ургут туман 64-мактабга ўқишга кириб, 1993-йилда тугатган. 1994 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кириб, 2001 йилда тамомлаган.

2001-2003 йиллар Самарқанд тиббиёт институти "Психиатрия ва тиббий психология" кафедрасида клиник ординатурани тамомлаб, 2004 йилдан 2008 йилгача вилоят психоневрология диспансерининг диспансер бўлими врачи, 2008-2010 йил 2-эркаклар бўлими бошлиғи, 2010-2014 йиллар вилоят руҳий касалликлар шифохонаси даволаш ишлари бўйича ўринбосари, 2015-2018 йилларда Самарқанд вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси кадрлар бўйича бош мутахассиси, 2018 йил 25 августдан Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди. 2016 йил декабрь ойида сайланган мамлакатимиз янги Президенти Ш.Мирзиёев аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида амалга оширилган мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларда, шак-шубҳасиз, тиббиёт ходимларининг ҳам баҳоли қудрат ҳиссаси бор.

Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, ёш ташкилотчи раҳбар Ш.Ш.Жабборовнинг ҳам фаолияти айни ана шу тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида тўғри келди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни

сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ ҳамда тиббиёт соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли фармони қабул қилинган.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-кувввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Ш.Ш.Жабборов раҳбар сифатида Пахтачи тумани аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Оилали, 2 нафар қиз, 2 нафар ўғил фарзанди бор.

## Амонов Худойберди Равшанович
## Самарқанд вилоят доимий тиббий комиссия катта врачи



Х.Р.Амонов 1977 йил 1 июль куни Самарқанд вилояти Ургут тумани Бешкапа маҳалласида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди.

1984 йил Самарқанд вилоят Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли Муқимий номидаги 22-сон ўрта мактабнинг бошланғич синфига ўқишга қабул қилинди. Мактабнинг учинчи синфини тугатиб, Ургут туман ихтисослаштирилган мактабида ўқишни давом эттирди ва ушбу мактабни 1990 йилда муваффақиятли тамомлади.

1991 йили Тошкент шаҳридаги С.Х.Сирожиддинов номли иқтидорли болалар лицейининг химия-билогия синфига ўқишга қабул қилинди. Ихтисослаштирилган лицейни 1994 йили аъло баҳоларга тугатди. Ўқиш мобайнида шаҳар ва вилоят олимпиадаларида иштирок этиб, биология соҳаси бўйича юқори ўринларни эгаллади.

1994-1995 йиллар давомида Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги тайёрлов курсида таҳсил олди. 1996 йили Давлат тест синовидан муваффақиятли ўтиб, Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш иши факультети биринчи курсига қабул қилинди. Тиббиёт олийгоҳида ўқиш давомида ёш хирурглар тўгарагида иштирок этиб, устоз ўқитувчилар қўл остида бир қанча илмий мақолалар ёзди. 2003 йили Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳини тугатди.

Шу йили Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалига хирургия йўналиши бўйича клиник ординатурага ўқишга қабул қилинди. Клиник ординатурага қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси хирургик касалликлари билан мурожаат қилган беморлар устида ишлаб, хажмли операцияларда иштирок этди. Ўқиш давомида шошилинч тиббий хизматнинг долзарб муаммоларига бағишланган клиник конференциялар ҳамда семинарларда иштирок этди.

Амалиёт давомида кўплаб шошилинч операцияларда иштирок этди ва ўз билим савиясини ошириб борди. «Қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ жароҳатланиши, паренхематоз аъзолар шикастланишида консерватив даволаш тактикаси» мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борди ва илмий мақолалар чиқарди. 2005 йили Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг хирургия йўналиши бўйича клиник ординатурани тамомлади.

Шундан сўнг Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг хирургия бўлимига ишга қабул қилинди. Хирургия бўлимида ишлаш давомида ўз малакасини ошириб борди, шошилинч хирургик ёрдамга муҳтож беморлар операцияларида иштирок этди. Мустақил равишда ҳажмли операцияларни амалга оширди.

«Қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ шикастланиши, паренхематоз аъзолар шикастланишида консеватив даволаш тактикаси», «Вентрал чурраларни аллопластик материал билан бартараф этиш», «Релапаротомия. Лапаросанация. Терминал фазада гиперитонитларда даволаш тактикаси» каби мавзуларда илмий мақолалар ёзди.

2008 йилдан бошлаб Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали масъул хирурги вазифасида ишлай бошлади.

2013 йили вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси йўлланмаси билан Нуробод туманида, 2015 йили эса Қўшработ туманида даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари вазифасида фаолият олиб борди. Туманларда илмий-амалий ишларни ташкиллаштирди ҳамда даволаш ишлари, маъмурият ишлари бўйича амалий ишларни йўлга қўйди.

2015 йилдан Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг туманлар бўйича директор ўринбосари лавозимида иш олиб борди.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди, тез тиббий ёрдам

хизматларининг малакали кадрлар, дори воситалари, тиббиёт ускунаси, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги даражаси етарли эмаслигича қолмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг замонавий механизмларини, шунингдек, шошилинч тиббиёт соҳасида маҳаллий илмий-амалий ишланмаларни жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Бугун мамлакатимиз аҳолисига халқаро андозаларга жавоб берувчи сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган бепул тез тиббий ёрдам тизими малакасини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш масаласи жамият тараққиётининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан бутланган шошилинч тиббий ёрдам беришнинг замонавий, юқори технологик ва самарали тизимини шакллантириш, шошилинч тиббиёт соҳасида илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу мақсадларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг республика хизматлари фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш, шошилинч тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий

тиббиёт асбоб-ускуналарини, диагностика воситалари ва усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенг қўллаш, шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологияларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этиш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳанинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Республикамиз Президентининг ушбу қарорида баён қилинган юқоридаги шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган вазифаларни яхши тушуниб етган Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг туманлар бўйича директор ўринбосари Х.Р.Амонов ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда уни амалга ошириш механизмларини вилоят тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

2017 йилдан бошлаб вилоят доимий тиббий комиссиясининг катта врачи лавозимида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомида чақирув ёшидаги ўсмирлар кўриги, уларни соғломлаштириш жараёнида ўз билим ва тажрибасини қўллаб келмоқда. Самарқанд вилоят ўсмирлар диспансери билан ҳамкорликда ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари асосида ташкил қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини, шу жумладан, ўсмирларга ва чақирув ёшдагиларга тиббий хизмат соҳасини ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Мустақиллик даврида тиббиётга оид бундай ҳужжатлар сони 50 дан ортиқ

бўлсада Самарқанд вилоят доимий тиббий комиссия катта врачи Х.Р.Амонов вилоят ўсмирлар диспансери ва вилоят мудофаа бошқармаси билан биргаликда куйидаги фармон ва қарорлар асосида иш олиб бормоқда:

- Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Умумий ҳарбий хизмат ва ҳарбий мажбурият тўғрисида"ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 28 июлдаги 352-сонли "Ўзбекистон Республикасида аҳолини диспансеризациядан ўтказишни келгусида такомиллаштириш чора – тадбири тўғрисида"ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 25 августдаги 520-сонли ва Мудофаа Вазирлигининг 202–сонли "Чақирув комиссияларини иш фаолиятини яхшилаш тўғрисида"ги қўшма буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 сентябрдаги 475-сонли ва Мудофаа Вазирлигининг 203-сонли "Чақирув комиссияларининг иш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 2003 йил 1 мартдаги 137-сонли "Тинчлик ва уруш даврида" тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида"ги Низоми;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 26 июндаги 287-сонли "Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида қўлланиладиган тиббий-ҳисоб ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 18 декабрдаги 365-сонли "Республикада ўсмирлар

ва чақирув ёшидагиларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 январдаги ПҚ-1684-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 23 мартдаги 159-сонли "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилиш баёни ижросини таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 3 январдаги 11-сонли "Аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий кўриги ташкиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 13 февралдаги 4-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаларидаги тиббиёт ходимининг намунавий низомини тасдиқлаш ҳакида»ги буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2221-сонли Қарори.

Билимдон тиббиёт ходими, олий тоифали хирург Х.Р.Амонов институтда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир неча бор малака оширди.

**Жонузоқов Мавсумиддин Маматбоевич**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Бешкапа**
**қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори**



М.М.Жонузоқов 1977 йил 14 ноябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туманида таваллуд топган. У 1984-1994 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 52-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1995-2002 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олган. 2002-2003 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Вагашти қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлади. 2003-2011 йиллар Ибн Сино номли 3-сонли шифохонаси реанимация бўлими врачи бўлиб хизмат қилди. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Бешкапа кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган қишлоқ врачлик пункти мудири М.М.Жонузоқов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли

касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

М.М.Жонузоқов доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2017 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Медицина статистикаси, ахборотларни йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малака ошириб ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

I тоифали врач.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Абдуллаев Камолиддин Раимкулович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Мўминобод қишлоқ врачлик пункти мудири**



К.Р.Абдуллаев 1978 йил 2 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут туман Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғини Мўминобод маҳалласида дунёга келган. У 1985-1995 йилларда Ургут туман халқ таълими бошқармасига қарашли ўрта таълим мактабида таҳсил олди. 1995-2002 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия фаъкултетида таҳсил олди. 2002 йил илк меҳнат фаолиятини Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Мўминобод қишлоқ врачлик пунктида мудир лавозимида бошлади ва ҳозиргача шу лавозимда ишлаб келмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. К.Р.Абдуллаев қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда ишлаб, ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда астойдил меҳнат қилди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоиздан кўпроғига тўғри келишини яхши англаган Юқори Сарой қишлоқ врачлик пункти мудири К.Р.Абдуллаев қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-

овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Доимо ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Ярмуҳамедова Наргиза Анваровна**
**Самарқанд давлат тиббиёт институти Юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедраси мудири**



Н.А.Ярмуҳамедова 1978 йил 25 июль куни Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топган. У 1985-1995 йиллар Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 51-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1995-2002 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бакалавр, 2002-2004 йиллар клиник ординатурада таҳсил олди. 2004-2013 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедраси ассистенти бўлиб меҳнат қилди. 2013 йилдан ҳозирги вақтгача шу кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қатор йиллар мобайнида олийгоҳ илмий кенгаши котиби, ўқув бўлими бошлиғи вазифаларида ҳам самарали меҳнат қилди. Институтнинг жамоа ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. У бир неча

йилдан бери олийгоҳ Давлат имтиҳон комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Охирги 5 йилда юқумли касалликлар ва эпидемиология фанидан ўқув дастурлар, ишчи дастурлар, ишчи ўқув режалар яратди ва 150дан зиёд презентациялар ва очиқ дарслар видеороликларини яратди. Малакали педагог, ҳам врач, ҳам олим сифатида Н.А.Ярмуҳамедова 100дан ортиқ илмий ишлар муаллифи саналади. Медицина соҳасининг турли долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб ўқув-услубий қўлланмалар чоп этди. Ўқув жараёнларини олиб боришда янги инновацион технологиялардан фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Ёш олим ва ташкилотчи Н.А.Ярмуҳамедова ушбу Қарорлардан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнларини янада сифатли ва самарали ўтказиш устида тинмай изланиб келмоқда. Институтнинг юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедраси мудири

сифатида тиббиёт коллежлари билан ҳамкорлик ишларини мунтазам равишда олиб бормоқда.

Айни вақтда талабаларга дарс бериш жараёнида, ислоҳотларнинг янги даврининг ҳуқуқий асоси саналмиш соҳага оид Президент Фармон, Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган дастурлардан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, Н.А.Ярмуҳамедова давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сонли "Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини мамнуният билан қабул қилиб, ўз педагогик фаолиятини мазкур Қарорлар асосида олиб бормоқда.

Н.А.Ярмуҳамедова иш юзасидан Туркия, Италия, АҚШ, Греция давлатлари ва Россия давлатининг Санкт-Петербург шаҳрида конференцияларда қатнашган. У илмий ишларини тўплаб, номзодлик диссертациясини ёқлади ва унга Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси ҳамда доцентлик илмий унвони берилди.

Узоқ йиллик самарали ва беминнат хизматлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги, Конституциянинг 25 йиллиги ва Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлими "Ассоциация фахрийси" кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Оилали, 2 та фарзанди бор.

**Ҳақназарова Назира Мухторовна**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи**



Н.М.Ҳақназарова 1978 йил 6 декабрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Қуйиқишлоқ маҳалласида дунёга келган. У 1986-1996 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 17-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1997-2004 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олди. 2004-2017 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Охунбобоев қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори вазифасида ишлади. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Ургут туман тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Н.М.Ҳақназарова доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2017 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Медицина статистикаси, ахборотларни йиғиш ва ахборотларга ишлов беришнинг янги технологиялари" мавзусида малакасини оширди.

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди. Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни тиббиёт ходимлари

ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилишда Ургут туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими мудири сифатида Н.М.Ҳақназарова самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Самарали ва беминнат хизматлари туфайли кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Эшдавлатова Азиза Эшниёзовна**
**Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Тошкенжаев қишлоқ врачлик пункти мудири**



А.Эшдавлатова 1979 йил 20 сентябрь куни Самарқанд вилоят Пахтачи туман Қуйбоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Тадбиркор маҳалласида зиёлилар оиласида дунёга келган. 1986-1996 йиллар мобайнида Пахтачи туман халқ таълими бўлимига қарашли 27-сонли ўрта таълим мактабида ўқиди. Шу йилнинг ўзида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кирди. 2003 йил олийгоҳни тугатиб Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Хумор қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида дастлабки иш фаолиятини бошлади. 2005-2013 йиллар Миркент қишлоқ врачлик пункти мудири бўлиб ишлади. 2013 йил Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси Тошкенжаев қишлоқ врачлик пункти мудири этиб тайинланди ва ҳозиргача ана шу лавозимда меҳнат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро

тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятда қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. А.Эшдавлатова қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай долзарб даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши англаган қишлоқ врачлик пункти мудири А.Эшдавлатова қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Доимо ўз устида ишлайди, ўкийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил килинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарканд Давлат тиббиёт олийгохи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғликни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғликни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Аминов Зафар Зайирович**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси мудири, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори**



З.З.Аминов 1979 йил 15 ноябрь куни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. У 1995-2002 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. 2003-2008 йилларда Project HOPE халқаро ташкилоти Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар бўлими мониторинг ва баҳолаш бўйича мутахассиси, 2008-2010 йилларда Нью-Йорк Давлат университети магистранти, 2010-2013 йилларда Нью-Йорк Давлат университети докторанти сифатида фаолият кўрсатиб келди. Америка Қўшма Штатларида илмий ишларини ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эришди. Ёш билимдон олим рус, инглиз тилларини мукаммал билади ва эркин сўзлашади.

2013 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси мудири ва 2014 йилдан бошлаб эса бир вақтнинг ўзида Самарқанд Давлат тиббиёт

институти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори лавозимларида ишлаб келмоқда.

У Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси мудири сифатида қисқа вақтда кафедра жамоасини жипслаштириб, ўқув-тарбиявий ва илмий салоҳиятини кўтарди. Шунингдек, кафедранинг материал-техник базасини янада мустаҳкамлашда эришди. Бинолар ва ўқув хоналари таъмирланди, янги асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Ҳудудда ободонлаштириш ва қўшимча хизмат хоналари барпо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Ёш олим ва ташкилотчи З.З.Аминов ушбу Қарорлардан руҳланиб, институтда талабаларга дарс бериш жараёнини янги технологиялар асосида олиб бориш, таълим-тарбия жараёнларини янада сифатли ва самарали ўтказиш устида тинмай изланиб келмоқда. Институтнинг проректори сифатида тиббиёт коллежлари билан ҳамкорлик ишларини доимо назоратда сақлаб келмоқда. Фақат

2017-2018 ўкув йилларида Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан Сиёб тиббиёт коллежи ўқитувчилари билан ҳамкорликда 2 та ўкув-услубий қўлланма чоп этилди ва 3 та семинар ўтказилди.

100 га яқин илмий ишлар муаллифининг тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари республика ва халқаро аҳамиятга молик илмий нашрларда чоп этилган.

Оилали, 3 нафар, 1 ўғил ва 2 қиз фарзанди бор.

**Аликулов Сухроб Ризақулович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Бахрин қишлоқ врачлик пункти мудири**

С.Р.Аликулов 1979 йил 2 декабрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Бахрин қишлоғида таваллуд топган. 1984-1994 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли Усмон Юсупов номли 84-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1997-2004 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 2004-2005 йиллар Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Бешқишлок қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлаган. 2005 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Бахрин қишлоқ врачлик пунктининг биносини ишга туширишда иштирок этади ва шу қишлоқ врачлик пунктида мудир этиб тайинланади. Мазкур қишлоқ врачлик пунктида ҳозирги вақтгача мудир лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада

чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятда қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли барпо этилган. С.Р.Алиқулов қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинаётган ана шундай даврда фаолият юритди ва ўзи бошқараётган қишлоқ врачлик пунктида ушбу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши тушунган Бахрин қишлоқ врачлик пункти мудири С.Р.Алиқулов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-

овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

Мунтазам равишда ўз устида ишлайди, ўқийди, изланади. Қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун ташкил қилинган 10 ойлик махсус ўқув курсини тугатди. 2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

II тоифали врач.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

### Халилов Ғулом Қобилович
### Самарқанд вилоят кўптармоқли тиббиёт маркази врач-эндоскописти



Ғ.Қ.Халилов 1980 йил 19 октябрь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Янгиариқ жамоа хўжалиги Тегана қишлоғида таваллуд топган. У 1987-1995 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 81-сонли ўрта мактабда, 1995-1999 йилларда Ўзбекистон-Туркия тижорат маслак лицейида сабоқ олди. 1999-2006 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олди. 2007-2010 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти болалар госпитал болалар хирургияси базасида магистратура резиденти-болалар жарроҳи бўлди. 2011 йилдан бошлаб Самарқанд вилоят кўптармоқли тиббиёт марказида врач-эндоскопист лавозимида ишлаб келмоқда. У 2010 йилда

Ўзбекистон Респуликаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида эндоскопия бўйича ихтисослашган курсни битириб, олий тоифали врач даражасига етишди.

Аҳолининг тиббий хизматлар тури, ҳажми ва сифатига талаби ортиб бораётган бир пайтда давлат тиббиёт муассасаларининг бюджетдан молиялаштириш қатъиян чегараланган шароитларда бундай талабларга жавоб бера олмаслиги кўзга ташланмоқда. Бундай вазиятда тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини топиш долзарб масалага айланди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1652-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ёш ва билимли мутахассис, олий тоифали эндоскопист Ғ.Қ.Халилов аҳолига, юқори сифатли тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишида кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, фуқароларга касалликлар профилактикаси ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича диагностика ҳамда даволаш-профилактика муассасаларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт кадрларига эга хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби тадбирларни амалга оширишда ўзи ишлаётган шифохонадаги ва республика ихтисослашган муассасалари мутахассислари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

**Бегматов Лочин Хайруллаевич**
**Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансери дерматовенеролог врачи**



Л.Х.Бегматов 1981 йил 9 январь куни Самарқанд вилоят Ургут тумани Ибн Сино жамоа хўжалиги Бешкапа қишлоғида туғилган. 2000-2007 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия куллиётида таҳсил олган. Илк меҳнат фаолиятини 2007 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти тери-таносил касалликлари кафедраси клиник ординатори сифатида бошлаган. Кейинчалик, яъни 2009 йилдан бошлаб Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига дерматовенеролог врачи бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтгача фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасини бажариш юзасидан ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан сифатли ўтказилишини таъминлаш ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат тузилмалари билан биргаликда никоҳ тузишгача тиббий кўрикдан ўтиш масалалари долзарб эканлигини ёшларнинг кенг қатламларига етказиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш топширилди.

Ана шуни эътиборга олиб Л.Х.Бегматов "Маҳалла" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда жамоат бирлашмалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари бўйича оилалар,

никоҳланувчи ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор бериб келди.

Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади. Тиббий кўрик Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Л.Х.Бегматов никоҳланувчи шахслар белгиланган ҳажмларда тери-таносил касалликлари юзасидан тиббий кўрикдан ўташини таъминлашда фаол қатнашиб келмоқда.

Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Мелиёров Облоёр Қўлдошевич**
**Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси қабул бўлими мудири**

О.Қ.Мелиёров 1981 йил 12 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут туман Бахрин қишлоғида дунёга келган. У 1987-1996 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 63-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1996-1998 йиллар Самарқанд Давлат Университети қошидаги лицейда сабоқ олди. 1998-2007 йиллар Самарқад Давлат

тиббиёт институтида таҳсил олган. 2007-2014 йиллар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиалида травматолог бўлиб ишлаган. 2014-2016 йиллар Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмаси травматологи вазифасида меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача мазкур шифохонанинг қабул бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарордан руҳланган ёш мутахассис врач О.Қ.Мелиёров ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини

вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

II тоифали врач.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Жиянов Жамшид Шукуруллаевич**
**Самарқанд вилоят Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**



Ж.Ш.Жиянов 1981 йил 15 май куни Самарқанд вилоят Иштихон туманида туғилган. 2005 йил Тошкент Педиатрия тиббиёт институти педиатрия факультетини тугатган.

2006-2011 йиллар Самарқанд вилояти Иштихон туман болалар поликлиникаси врач педиатри, 2011-2015 йиллар Самарқанд вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри, 2015-2017 йиллар Самарқанд вилоят Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, 2017-2018 йиллар Самарқанд вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассис лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилояти Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврини бошлаб берди. 2016 йил декабрь ойида сайланган мамлакатимиз янги Президенти Ш.Мирзиёев аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасини амалга оширилган мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларда, шак-шубҳасиз, тиббиёт ходимларининг ҳам баҳоли қудрат ҳиссаси бор.

Ёш ташкилотчи раҳбар Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж.Ш.Жияновнинг ҳам фаолияти айни ана шу тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврида тўғри келди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ ҳамда тиббиёт соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли фармони қабул қилинган.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувввватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063-сонли қарори қабул қилинди.

Ж.Ш.Жиянов раҳбар сифатида Нуробод туманининг олис қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликлар

профилактикаси, аҳолининг соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини ошириш, тиббий саводхонлик ва маданиятни ошириш борасида зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Арипова Ирада Нўмоновна**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиенаси бўлими мудири**



И.Н.Арипова 1982 йил 13 август куни Тошкент вилояти Янгийўл тумани Халқобод қурғонида туғилган. У 2001-2007 йилларда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти тиббий профилактика факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2007 йил Тошкент вилоят Янгийўл шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачи сифатида бошлаган. И.Н.Арипова ҳозирги вақтда Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиенаси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида ўриндошлик асосида ассистент вазифасини бажариб келмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, санитария-эпидемиология

назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юкумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юкумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, жойларда фаолият юритаётган санитария назорати пунктлари томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, корхона ишчи-ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни даврий тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари тизимли бажарилаётир. Албатта, бу тадбирларни амалга оширишда Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиенаси бўлими мудири И.Н.Арипованинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

Маълумки, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорлари қабул қилинди. Иқтидорли педагог И.Н.Арипова ҳозирги вақтда

юқоридаги қарорлар асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил қилиш ишларини астойдил олиб бормоқда. Айниқса, олийгоҳ талабалари ва тингловчиларга дарс бериш жараёнида янги инновацион технологияларни қўллашни жорий қилишда астойдил меҳнат қилмоқда.

II тоифали врач.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Ж.А.Муродов санитария врачи.

**Муродов Жамшид Абдусалимович**
**Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачи**



Ж.А.Муродов 1982 йил 6 октябрь куни Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлатобод маҳалласида таваллуд топган. У 1989-1999 йиллар Тайлоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли ўрта мактабда сабоқ олган. 2001-2007 йиллар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти тиббий профилактика факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2007 йилда Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлимида санитария врачи сифатида бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада ишлаб келмоқда.

Ташқи муҳитни соғломлалаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маъданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимизда давлат санитария-эпидемиология назорат хизматини янада ривожлантириш, аҳоли

ўртасида турли хил овқатдан заҳарланишлар ва юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфининг олдини олиш, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликларнинг қўшни давлатлардан мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик борасида катта ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Касалликларнинг олдини олиш, аҳолига соғлом турмуш ва ишлаб чиқариш шароитини яратиш, экология масалалари, атроф-муҳитни соғломлаштириш профилактиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Санитария врачи сифатида Ж.А.Муродов ана шу вазифаларни амалга ошириш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унда профилактик тиббиёт соғлиқни сақлашнинг асосий принципи сифатида, биринчи навбатда, юқумли касалликларнинг оммавий равишда тарқалишига қарши кураш сифатида намоён бўлади, кейин эса касбий касалликларнинг олдини олишга, саноат корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчиларни малакали тиббий хизмат билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Қонунда кўрсатилган ана шу вазифалардан руҳланган тажрибали мутахассис сифатида у хозирги кунда ўз фаолиятини астойдил олиб бормоқда.

У доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

II тоифали санитария врачи.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи И.Н.Арипова санитария врачи.

**Хатамов Камолиддин Низомович**
**Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ғуз**
**қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори**

К.Н.Хатамов 1983 йил 9 январь куни Самарқанд вилоят Ургут туман Ғуз қишлоғида дунёга келган. 1989-1998 йиллар Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 69-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1998-2000 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги лицей-интернатда сабоқ олди. 2000-2007 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2007 йил Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Ғуз қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокорлигидан бошлаган ва ҳозиргача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилади. Ўртача ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда.

Умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келишини яхши англаган қишлоқ врачлик пункти шифокори К.Н.Хатамов қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг

гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш. тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб боришда фаол қатнашди.

2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди. К.Н.Хатамов иш юзасидан Украина давлатида семинарда қатнашган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Амридинова Парвина Собировна
## Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена лабораторияси мудири



П.С.Амридинова 1983 йил 11 июль куни Бухоро вилояти Когон шаҳрида таваллуд топган. У 2001-2007 йиллар Самарқанд Давлат Университетининг Кимё факультетини ўқиб битирган. Меҳнат фаолиятини 2005 йил Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена лабораторияси врач-лаборанти бўлиб бошлади ва 2007 йилгача меҳнат қилди. 2007 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена лабораторияси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарордан руҳланган ёш мутахассис врач ҳамкасблари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш ҳамда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

I тоифали врач-бактериолог П.Амриддинова Тошкент шаҳрида ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтида малака

ошириб, ўзининг назарий билим ва амалий кўникмаларини янада бойитди. Охирги марта 2018 йилда Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғликни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 1 нафар фарзанди бор.

### Соибназаров Орзукул Эрназар ўғли
### Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Самарканд филиали ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари



О.Э.Соибназаров 1984 йил 24 апрель куни Самарқанд вилоят Ургут тумани Шароф Рашидов жамоа хўжалигида таваллуд топган. У 2002-2009 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 2009 йил Самарқанд вилоят Ургут тумани Меҳнатобод қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокорлигидан бошлади ва шу вазифада 2011 йилгача ишлади. 2011-2014 йиллар Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Самарқанд филиалида касаба уюшмаси раиси, 2012-2014 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти болалар неврологиясида клиник ординатура ўтади. О.Э.Соибназаров 2014 йилдан ҳозирги вактгача Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Самарқанд филиали ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Соибназаров Орзуқул Эрназар ўғли Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Самарқанд ҳудудий булимида ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари ва Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни

ихтисослаштириш марказининг Самарқанд ҳудудий бўлимида услубхона мудири сифатида 24 та фанга маъруза матнлари (қоғоз ва электрон шакли), ўқув – услубий қўлланмалар (қоғоз ва электрон шакли), амалий кўрсатмалар (қоғоз ва электрон шакли) тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшди ва ўзи ҳам якка муаллифликда педиатрия, неонатология ва ЛОР касалликлари фанларидан маъруза матнлари ва услубий қўлланмаларни ёзди. Тингловчиларни аттестация (имтиҳон) қилиш учун ОСКЭ усулидан фойдаланишни жорий этди ва яхши натижага эришди.

2015 йил дастурлари, ишчи дастурлари, ишчи ўқув режаларини фанлар кесимида жамоа билан биргаликда яратди. Педиатрия, неонатология фанлари бўйича презинтациялар, видеороликлар ва очиқ дарсларнинг видеороликларини яратди. 2016 йил ихтисослаштирилган гуруҳлар учун дастурлар асосида, ишчи дастурлар, ўқув режа асосида ишчи ўқув режаларини фанлар кесимида жамоа билан биргаликда яратди. Мингта яқин барча фанлар бўйича презинтациялар, видеороликлар хамда очиқ дарсларни видеороликларини педагог ходимлар ҳамкорлигида яратишга муваффақ бўлди, шунингдек, педиатрия ,неонатология , ЛОР касалликлари бўйича услубий қўлланмалар яратди.

О.Э.Соибназаров ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда қабул қилган "Таълим тўгрисида"ги 463-1 сонли Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури асосида талабаларга сабоқ бериб келди. Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейин тиббиёт соҳасида ислоҳотларнинг янги даврини очиб берди. Ҳозирги кунда Юртбошимиз томонидан таълим соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган қатор Фармон ва Қарорларнинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказишда ҳамда дарс жараёнларини ана шу ҳужжатлар асосида янги технологияларни қўллаб олиб бормоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Қурбонов Рашид Ражабович
## Самарқанд вилоят Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена бўлими мудири



Р.Р.Қурбонов 1985 йил 7 январь куни Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Украч маҳалласида дунёга келган. У 1992-2003 йиллар Тайлоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли Ҳамид Олимжон номли 2-сонли ўрта мактабда ўқиган. 2006-2012 йиллар Тошкент Тиббиёт Академиясида таҳсил олган. 2012 йил Самарқанд вилоят Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария-гигиена бўлими санитария врачи бўлиб хизмат қилди. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача шу бўлимнинг мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимиз фуқароларининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан, айниқса, ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Буни яхши тушунган малакали мутахассис, олий тоифали врач Р.Р.Қурбонов Самарқанд туман Давлат санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада ривожлантириш ишида астойдил хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, назорат остидаги объектларда санитария қоида ва меъёрлари ҳамда давлат стандартларига риоя қилиш, аҳоли орасида турли хил овқатдан заҳарланиш ва юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик,

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш каби санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишда сезиларли натижаларга эришди.

Самарали хизматлари туфайли санитария маркази томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Воҳидов Мамалатиф Юсупович
## (1985-2018 й.й)
## Пойариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Тамайрот кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори



Мамалатиф Юсупович 1985 йил 8 февраль куни Самарқанд вилоят, Пойариқ тумани Илғор маҳалласида туғилди. Ёшлигидан тенгдошларидан ўзининг акл-заковати билан кўзга ташланиб турар, оилада кенжа(6-)фарзанд бўлишига қарамасдан ака-укалари, опа-сингиллари учун ҳатто ота-онаси, маслаҳатдош эди.

1992-2003 йилларда Пойариқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 75-сон Мирзо Улуғбек номидаги ўрта мактабни аъло баҳоларда якунлади. У билан ҳали ҳам мактаб маъмурияти фахрланади. Чунки у 75-сон мактабдан биринчи бўлиб оқ либосли, шарафли касбни танлаган ўкувчи эди. Ўқувчилик кезлариданоқ фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, мактаб шарафини юксалтиришга интилган.

2005-2013 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи педиатрия куллиётида таҳсил олган. Институтда талабалик даврида курсдошлари орасида камтарлиги, фидокорлиги ва дўстларига меҳрибонлиги билан ажралиб турар эди. Айниқса, олтин даврнинг ўзига хос пахта мавсумларида ва бошқа жамоат ишларида фаол қатнашар эди.

2013-2015 йилларда Тошкент Тиббиёт Академиясида Наркология йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиди. Академия тавсияси билан Тошкент шаҳар наркология диспансерида ўсмирлар наркологи бўлиб фаолият юритди. Ёш шифокорнинг илк фаолияти худди қанотлари энди учишни ўрганиб олган қуш парвозига ўхшар, завқли ва узоқларни кўзлар эди. Ўз касбини юрагидан севгани учун касбига доир мавзуларда мактаблар, маҳаллалар, коллеж, лицей ва бошқа ташкилотларда турли хил семинарлар, давра суҳбатлари ва маърузалар ўтказиб келган. Айниқса, "Гиёҳвандлик ёмон иллат", "Гиёҳвандликга "йўқ" деб айт", "Гиёҳвандлик – аср вабоси" каби мавзуларда ўтказган тадбирлари пойтахт газета ва телевиденияларида бир неча бор намойиш этилган.

У Тошкент шаҳар наркология диспансери ўсмирлар наркологи сифатида "Ёшлар – гиёҳвандликга карши", "ОИТСга қарши биргаликда курашайлик", "Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари" ва "Наркотик воситалар истеъмолчиларини эрта аниқлаш" каби тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган конференция ва амалий семинарларга қатнашди ва маъруза қилди.

Моҳир шифокор Мамалатиф Юсупович оғир хасталик сабаб 2017 йилда туғилиб вояга етган юрти Самарқандга қайтиб келди ва иш фаолиятини Самарқанд вилоят Пойариқ туманидаги Тамайрот кишлоқ врачлик пунктида давом эттирди.

Дунё кун сайин тараққий этмоқда. Илм-фан, техника ва технологиялар тобора ривожланмоқда, бироқ инсоният келажагига таҳдид солиб турган муаммолар қамрови ҳам кенгайишда давом этаётир. Бу эса ҳар биримиздан ҳушёрлик, сергаклик ва огоҳликни оширишни талаб этади.

Маълумки, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар ва ОИТС сингари оғир касалликлар кўринмас ришталар орқали бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Гиёҳвандликка мубтало бўлганларнинг аксарияти илгари кашандалик ёки ичкиликбозлик "таъми" ни тотиб кўрган бўлишади. ОИТСга чалинганларнинг кўпчилигини эса гиёхвандлар

ташкил этади, шу боис уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиш қийин. ОИТС/ОИВ гиёҳвандлик, носоғлом турмуш тарзи, фаҳш ва аҳлокий бузуклик сабабли вужудга келадиган касаллик эканлиги аллақачон ўз исботини топган. Статистик маълумотларга кўра, ҳар куни дунё миқёсида 7000 дан ортиқ, ҳар 12 сонияда эса бир киши ОИВ инфекциясига чалинмоқда. Буларни яхши тушунган билимдон мутахассис Мамалатиф Юсупович Пойариқ туманидаги Тамайрот кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори сифатида аҳоли ўртасида турли хил юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликлар олдини олишга қаратилган ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги тадбирларга фаол қатнашди. Шу туфайли тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Оилали, турмуш ўртоғи Саидова Фируза Саломовна Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти.

**Қурбонов Хуршед Рахматуллаевич**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



Х.Р.Қурбонов 1985 йил 4 март куни Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Туркман маҳалласида (олдинги Дўстлик жамоа хўжалиги) таваллуд топган. 1992-2001 йилларда Самарқанд тумани халқ таълими бўлимига қарашли 36-сон мактабда сабоқ олди. 2001-2003 йиллар мобайнида Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги лицей-интернатда ўқиди. 2005-2012 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия куллиётида таҳсил олди. 2012-2014 йилларда Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий

марказининг Самарқанд вилоят филиалида нейрохирургия йўналиши бўйича клиник ординатура ўтади. 2014-2017 йилларда Сиёб тиббиёт коллежи ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари, олийгоҳ ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг кийиниш одоби ва муомала маданиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ва "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 апрелдаги соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг бошқарув аппарати, вазирлик тасарруфидаги тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ташкилот, корхона ходим ва талабаларининг "Одоб-ахлоқ қоидалари" тасдиқланди. Ушбу қоидаларнинг мазмун-моҳиятини коллеж талабалари ўртасида тушунтириш ишларида фаоллик кўрсатди.

2017 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёш, иқтидорли педагог Х.Р.Қурбонов Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедрасига Республикамиз тиббиёт тизимида ислоҳотларнинг янги даврида ишга ўтиб, бор куч-ғайратини ушбу даврнинг мазмун-моҳиятини талабаларга чуқур тушунтиришга ҳаракат қиляпти.

Маълумки, мамлакатимизда олий тиббий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида самарали тизим яратилди. 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тиббиёт соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. 7та олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг худудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокор тайёрланиши таъминланди. Қонунда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишни давом эттириш ва тиббий таълим сифатини янада ошириш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тиббий таълими тизимини энг яхши халқаро амалиёт даражасида босқичма-босқич шакллантириш, тиббий ёрдам даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш юқоридаги Қонун ва Қарорларни бажарилишини таъминлаш мақсадида олийгоҳ пегагоги сифатида таълим жараёнида бир мунча ижобий ўзгаришлар қилди. Талабаларга ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Ўқув дастурларини эса янги талаблар асосида тайёрлади.

Ҳозирги вақтда кафедрада ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш, менежмент ва маркетинг ҳамда тиббиёт тарихи йўналишлари бўйича илмий ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш устида иш олиб боряпти.

Отаси Курбонов Раҳматулло 1960 йилда туғилган Самарқанд вилоят травматология ва ортопедия шифохонасида ишлайди.
Оилали, 2 нафар фарзанди бор. 1 ўғил ва 1 қиз.

**Пардакулов Асроржон Абдунаимович**
**Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи**



А.А.Пардакулов 1985 йил 6 март куни Самарқанд вилоят Тайлоқ туманида дунёга келган. У 2001-2007 йиллар Тошкент Тиббиёт Академиясида таҳсил олган. 2007-2008 йиллар Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг меҳнат гигиенаси бўлими санитария врачи, 2008-2012 йиллар шу бўлимнинг мудири вазифасида ишлади. 2012 йил шу марказнинг овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачи, 2012-2013 йиллар мазкур марказнинг меҳнат гигиенаси бўлими санитария врачи бўлиб меҳнат қилди. 2013-2016 йиллар яна шу марказнинг овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачи, 2016-2017 йилларда эса марказнинг санитария масалалари бўйича бош врач ўринбосари вазифасида хизмат қилди. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида бош врач лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, жойларда фаолият юритаётган санитария назорати пунктлари томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизими бажарилаётир. Албатта, бу тадбирларни амалга оширишда Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи А.А.Пардакуловнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида “Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш” мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 25 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## Элибаев Анвар Мардонқулович
## Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази экология ва аҳоли саломатлиги ахборот тизими бўлими мудири



А.М.Элибаев 1985 йил 27 март куни Самарқанд вилоят Булунғур туман Мўғол маҳалласида таваллуд топган. 1992-1998 Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 13-сонли ўрта мактабда ўқиди. 1998-2000 йиллар Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти қошидаги 2-сонли лицейда, 2000-2003 йиллар Самарқанд компьютер технологиялар ва гидромелиорация коллежида сабоқ олди. 20016-2010 йиллар Самарқанд Давлат

Университети тиббий фанлар факультетида таҳсил олган. 2010-2011 йиллар Самарканд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази экология ва аҳоли саломатлиги ахборот тизими бўлими врач-экологи бўлиб меҳнат қилди. 2011 йилдан ҳозирги вақтгача шу бўлимнинг мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Айникса, унинг эколог-врач сифатида иш фаолияти тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг янги даврида Юртбошимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонидан сўнг янада жонланди. Чунки Фармонда Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш каби инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви, атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг асосий вазифалари

сифатида қабул қилинган. Ҳозирги вақтда малакали мутахассис, врач-эколог А.М.Элибаев вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда вилоят экология бошқармаси ходимлари билан юқоридаги Фармон ва Қарорларни бажариш юзасидан самарали иш олиб бормоқда.

Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида "Валеология –соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малака оширди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фуқаролар тиббий маданияти ва саводхонлигини янада ошириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Солиев Қаюм Абдирасилович**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



Қ.А.Солиев 1985 йил 12 ноябрь куни Жиззах вилоят Зомин туманида туғилган. У 1992-1996 йиллар Зомин халқ таълими бўлимига қарашли 52-сонли ўрта мактабда, 1996-2003 йиллар Самарқанд вилоят Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли 50-сонли ўрта мактабда ўқиди. 2006-2013 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. 2013-2016 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти тери-таносил касалликлари кафедрасида магистратура ўтади. 2017 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иктисодиёт ва ижтимоий соҳа тармокларини юкори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган максадли дастурларини жорий этиш, тармокларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўкишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорлари қабул қилинди. Ёш педагог Қ.А.Солиев Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғликни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ўқитувчиси сифатида юқоридаги қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида иш олиб бормокда. Талабаларга дарс бериш жараёнида ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, машғулотларни замонавий янги инновацион технологиялар асосида ўтказмокда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Тўраев Фарид Шухратович**
**Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази радиология бўлими мудири**



Ф.Ш.Тўраев 1986 йил 20 июнь куни Навоий вилоят Зарафшон шаҳрида туғилган. У 1992-2003 йиллар Тайлоқ туман Ҳамид Олимжон номли 2-сонли ўрта мактабда ўқиди. 2003-2009 йиллар Тошкент Тиббиёт Академиясида бакалавр, 2009-2011 йиллар магистратурада таҳсил олган. 2011-2012 йиллар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ОИТС лабораторияси бўлими мудири лавозимида хизмат қилди. 2012-2013 йиллар Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази "Аэропорт" санитария назорати пункти врач-эпидемиологи, 2013-2015 йиллар шу марказнинг даволаш-профилактика муассасалари устидан назорат бўлими врач-эпидемиологи бўлиб меҳнат қилди. 2015 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази радиология бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Иш юзасидан Баку шаҳрига конференцияда қатнашиш учун борган.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон

Республикаси соғликни саклаш тизимини 1998–2005 йилларда ислоҳ қилишнинг Давлат дастури"ни маъқуллади. Ушбу Фармонга асосан мамлакатимизда шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари барпо килинди. Қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини якинлаштириш мақсадида кишлок врачлик пунктлари курилишини янада жадаллаштириш ишлари олиб борилди. Аҳолини турли хил овқатдан заҳарланишлар ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш, айникса мамлакатимизда ўта хавфли юқумли касалликларнинг қўшни давлатлардан кириб келишига йўл қўймаслик максадида кабул қилинган Давлат дастури асосида чегара постларида санитария назорат постлари ташкил қилинди. Ф.Ш.Тўраев Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази "Аэропорт" санитария назорати пункти врач-эпидемиологи бўлиб ишлаган даврида минглаб авиайўловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликда гумон қилинган шахсларни алоҳидалаш ва бошқа зарур санитария-эпидемиология ҳамда зарарсизлантириш тадбирларини ўтказишда самарали меҳнат қилди.

Ф.Ш.Тўраев доимо ўз устида ишлайди, изланади, ўқийди. Ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида охирги марта 2018 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедрасида "Валеология – соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани" мавзусида малакасини оширди.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Жаматов Зафар**
**Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Хўжамазгил қишлоқ врачлик пункти мудири**

З.Жаматов 1986 йил 2 сентябрь куни Самарқанд вилоят Булунғур туман Чўлпок маҳалласида таваллуд топган. Булунғур туман халқ таълими бўлимига қарашли 22-сонли ўрта таълим

мактабида сабоқ олди. 2004 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Мазкур олийгоҳнинг даволаш факультетини 2011 йилда битириб, Сўзангарон тиббиёт коллежида ўқитувчи бўлиб иш бошлади. 2013-2016 йилларда Булунғур туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими хирурги вазифасида меҳнат қилди. 2016 йилдан ҳ.в.гача Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси Хўжамазгил қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисига врачлик ёрдамини яқинлаштириш мақсадида барпо қилинган қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. З.Жаматов қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритиб, аҳолига тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш, ҳудудида истиқомат қиладиган шахсларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалларни рўйхатга олиш ва уларни саломатлигини тиклаш, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш тадбирларини амалга оширишда фаол қатнашиб келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қишлоқ

врачлик пунктларининг асосий мақсади ҳисобланади. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келади. Қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

2016 йил эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳи ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида малака ошириб, ўзининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитди.

## Гаппарова Гули Нурмўминовна
## Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти



Г.Н.Гаппарова 1987 йил 23 февраль куни Самарқанд вилоят Пастдарғом туманида дунёга келган. У 1993-2004 йиллар Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли Усмон Юсупов номли 43-

сонли ўрта мактабда ўқиган. 2005-2015 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2016 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти бўлиб бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Қарорлари қабул қилинди. Ёш педагог Г.Н.Гаппарова Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ўқитувчиси сифатида юқоридаги қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида иш олиб бормоқда. Талабаларга дарс бериш жараёнида ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, машғулотларни замонавий янги инновацион технологиялар асосида олиб бориш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

**Курбанов Анвар Аъламович**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



А.А.Курбанов 1987 йил 18 июнь куни Самарқанд вилояти Самарқанд шахар Қўшбақолли маҳалла фуқаролар йиғини худудида туғилган. 1994-2013 йиллар давомида Самарканд шаҳридаги 23-мактабда сабоқ олган. 2003-2005 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги лицей интернатда ўқиди. 2005-2012 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш куллиётида таҳсил олди. 2012-2015 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти неврология йўналиши бўйича магистратура резиденти, 2015 йилдан бошлаб ҳозиргача Самарканд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта

жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Ёш мутахассис А.А.Қурбанов Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти сифатида юқоридаги қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида иш олиб бормоқда. Талабаларга дарс бериш жараёнида ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, машғулотларни замонавий янги инновацион технологиялар асосида олиб бормоқда.

Оилали, 1 ўғил, 1 қизи бор. Турмуш ўртоғи Қурбонова Фарангиз Раббимовна тиббиёт ходими, "Неврокардиомед" тиббий марказида фаолият юритади.

**Саидова Фируза Саломовна**
**Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти**



Ф.С.Саидова 1987 йил 31 декабрь куни Бухоро вилоят Вобкент туманида дунёга келган. У 1993-2004 йиллар Бухоро вилоят Вобкент туман халқ таълими бўлимига қарашли С.Рахимов номли 9-сонли ўрта мактабда ўқиган. 2005-2012 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти педиатрия факультетида таҳсил олган. 2012-2013 йиллар Самарқанд шаҳар "ООО BIONUR medservis" МЧЖ да врач-координатор бўлиб ишлади. 2013-2015 йиллар Тошкент Тиббиёт Академиясининг I-клиникасида педиатрия йўналиши бўйича ординатура ўтади. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарорларини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация килиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Ёш мутахассис Ф.С.Саидова Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва умумий гигиена кафедраси ассистенти сифатида юқоридаги қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида ишламоқда. Талабаларга дарс бериш жараёнида ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, машғулотларни замонавий янги инновацион технологиялар асосида олиб боришни фаолиятининг асосий мезони қилиб олган.

Оилали, турмуш ўртоғи Воҳидов Мамалатиф Юсупович (1985-2018 й.й) Пойарик туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Тамайрот кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлаган.

**Саломов Нодирхон Ғиёсович**
**Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиника врач-иммунологи**



Н.Ғ.Саломов 1988 йил 15 сентябрь куни Бухоро вилоятида туғилган. У 1994-2005 йиллар халқ таълими бўлимига қарашли 17-сонли ўрта мактабда ўқиган. 2006-2013 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олган. 2013-2015 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтида клиник ординатура ўтади. 2015 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиникада шифокор бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Тиббиётда ислоҳотларни амалга оширишда кескин бурилиш ясаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг Фармон ва Қарорлари барча тиббиёт ходимлари қатори Н.Ғ.Саломовни ҳам бефарқ қолдирмади. Аҳолига тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш тадбирларида фаол қатнашди.

2016 йилдан бошлаб тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги даври бошланди. Аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилди. Н.Ғ.Саломов ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси саналмиш ушбу ҳужжатлар асосида ҳозирги вақтда, янги ислоҳотлар даврида Самарқанд шаҳар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Олийгоҳда олган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш курсида “Валеология соғломлаштириш тиббиётининг асосий фани” мавзусида малака оширди. Ҳозирги

кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

**Муродова Гулрух Фазлиддиновна**
**Самарқанд вилоят Тайлоқ туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бактериология лабораторияси врач лаборанти**



Г.Ф.Муродова 1989 йил 6 март куни Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Мулкиаё маҳалласида тадбиркорлар оиласида таваллуд топган. 2007-2011 йиллар мобайнида Самарқанд Давлат Университетида таҳсил олган.

Олийгоҳни тугатиб, Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бактериология лабораториясида врач лаборант бўлиб фаолият бошлаган ва ҳозиргача ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан халқимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор Қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шулар қаторида давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини

олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жойларда фаолият юритаётган санитария назорати хизмати томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизими бажарилаётир. Болаларни юқумли касалликларга қарши бепул эмлаш бўйича миллий тақвим янги вакциналар билан бойитиляпти. Ана шу олиб борилаётган кенг қамровли тадбирларда бутун Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари қатори бактериология лабораторияси врач-лаборанти Г.Ф.Муродова ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

## Буронова Хадича Ураловна
## Самарқанд вилоят Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач-паразитологи



Х.У.Буронова 1989 йил 16 апрель куни Самарқанд вилоят Тайлоқ тумани Нурафшон маҳалласида туғилган. 2009-2012 йиллар Самарқанд Давлат Университети биология факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2016 йил Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида врач-паразитолог сифатида бошлаган ва ҳозирги вақтгача шу вазифада меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги “2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар орасида гельминтозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 9-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган ҳолда харид қилиши учун ажратиладиган маблағлари ҳисобидан антигельминт препаратлари сотиб олиниши ва йилда 2 маротаба республиканинг барча 2-6 ёшли ва 7-10 ёшли болалар орасида дегельминтизация тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган. Қарорда

белгиланган вазифаларни бажаришда Самарқанд вилоятида бир мунча ишлар амалга оширилган. Тайлоқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг паразитология бўлими врачи сифатида у ҳозирги вақтда туман тиббиёт муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда ушбу долзарб масалаларни давом эттириб келмоқда. Мактабгача тарбия, мактаб ўқувчилари орасида гижжа касалликлари пайдо бўлиши ва тарқалишининг профилактикаси соҳасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида, шу жумладан, Давлат санитария назоратини янада кучайтириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди. Шулардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни. Қонунда ташқи муҳитни соғломлаштириш, қишлоқ ва шаҳарларни, аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, касбга оид ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли санитария маданиятини янада ошириш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай муҳим вазифаларни дастуриламал қилиб олган ёш мутахассис Х.У.Буранова ўз фаолиятини шунга асосан олиб бормоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. АбдуллаевН.А, Шомуродов Т.О. СамМИ клиникаси. Тошкент “Фан” 2009 й. – 358 б.
2. Абдуллаев Т.Умр зарварақларидан сабоқлар. Самарқанд “Зарафшон” 2011 й. – 87 б.
3. Базаров А. Развитие медицины Самарқанда. Самарқанд “Ko`makdosh-dialog” 2016 г. – 48 с.
4. Базаров А. Самарқанд вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси. “Ko`makdosh-dialog” 2017 й. – 36 б.
5. Базаров А. Ўсмирларга тиббий хизматни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари Самарқанд “Ko`makdosh-dialog”. 2017 й. – 100 б.
6. Жамилова Г. Қуёшли қалблар. Тошкент “SHARQ” 2016 й. – 543б.
7. Комилжонов М. Яхшидан ном қолади. Тошкент “Фан” 2007 й.-130 б.
8. Маҳматмуродов Ш. Оқаётган умр сарҳисоби. Тошкент “Тамаддун”, 2010 й. – 238 б.
9. Мелиев Қ. Ватанга бахшида умр. Тошкент “Янги аср авлоди” 2011 й. – 287 б.
10. КамоловН.М. Самарқанд тиббиёт институти ректорлари ҳақида. Самарқанд Сам ДТИ 2005 й. – 35 б.
11. Камолов Н.М ва б. Табиблик аъмоли. Самарқанд “Зарафшон” 1991 й. – 39 б.
12. Тошев Ф. Самибоевлар сулоласи. Самарқанд “Зарафшон” 2005 й. – 39 б.
13. Турсунов Э. Тиббиётимизнинг барҳаёт сиймолари. Тошкент “Fan va texnologiyalar” 2012 й. – 324б.
14. Турсунов Э. Тиббиётимизнинг ёрқин сиймолари. Тошкент “Наврўз” 2013 й. – 344б.
15. Ташкентский институт усовершенствования врачей. Ташкент. “EL-Press” 2007 г. – 68 с.
16. Шукуров Ҳ, Ҳамроев Х. Барқарор авлод. Самарқанд “Н.Доба” 2006 й. -63 б.
17. Ходжаев Н. Самарқанд вилоят ДСЭНМ (тарихий тажриба ва тараққиёт йўли). Тошкент “Истиқлол” 2006 й. – 110 б.
18. Ходжаев Н ва б. Самарқанд тиббиёти тарихи. Тошкент “Фан” 2007 й. I том - 559 б, II том- 415 б.

19. Ходжаев Н, Улуғов Ҳ.У. Самарқанд вилоят врачлар ассоциацияси қисқача тарихи (1982-2017 й.й). Самарқанд “Ko`makdosh-dialog” 2017й. – 93 б.

20. Ходжаев Н, Базаров А. Развитие медицины Самарқанда в годы Независимости. “Muharrir nashriyoti” 2017 й. – 303б.

21. Хўжаев Н. Самарқандлик ҳакимлар, I-китоб, Тошкент, “Мухаррир”, 2011 йил, – 272 б.

22. Хўжаев Н. Самарқандлик ҳакимлар, II-китоб, Тошкент, “Муҳаррир”, 2013 йил, – 325 б.

23. Хўжаев Н. Ёднома. Тошкент, “Turon zamin ziyo” 2017 й. – 351 б.

24. Ҳасанзода З. Азизи мардум. Тошкент “Муҳаррир” 2010 с. – 359 с.

25. Самарқанд вилоят давлат архиви материаллари.

26. Самарқанд давлат тиббиёт институти музейи материаллари.

27. Самарқанд вилоят тиббиёт муассасалари материаллари.

28. Айрим кишиларнинг хотиралари ва шахсий архиви материаллари.

## МУНДАРИЖА


Муаллифлардан ........ 3

Негматжон Ходжаев ........ 6

Ахматжон Базаров ........ 9

Тиббиётнинг турли соҳаларида ишлаган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган врачлар тўғрисида ........ 12

Тиллябаев Раим ........ 13

Саломов Иноят ........ 15

Бўрибоев Хўжамкул Бўрибоевич ........ 17

Исмаилов Кубай ........ 18

Гадаева Зевар Каримовна ........ 20

Эшқобилов Жонхўроз ........ 22

Қаршиев Турдиқул ........ 24

Қурбонова Ражаббиби ........ 28

Маҳмудова Заҳра Мамедовна ........ 30

Турдибеков Тўйчи Байдуллаевич ........ 31

Болғаев Абсодиқ Болғаевич ........ 33

Эргашев Турди Норкулович ........ 37

Мурадов Умиркул ........ 39

Зайниддинов Абдулло ........ 41

Турдиев Шавкат Турдиевич ........ 44

Джуманов Бахтияр Джуманович ........ 47

Ганиева Майре Газиевна ........ 51

Абаев Ахмат Толгатович ........ 53

Жаматов Артикбой Умрзақович ........ 54

Турсункулов Раббимқул ........ 56

Фармонов Эркин Эшбекович ........ 59

Мавланов Тоштемир Мавлонович ........ 61

Муродқосимов Саидолим Муродқосимович ........ 63

Рахимов Юсуп Турсунович ........ 65

Расулов Сайдулла ........ 67

Ярмуҳамедова Маҳбуба Қудратовна ........ 69

Намозов Шухрат Гайбуллаевич ........ 71

Алимов Ибодулло Гайбуллаевич ........ 74

Тоғаев Мамир Сатторович ........ 75

Наимова Зайнаб Саттаровна ........ 78

Нурбаев Эркин Омонтошевич ........ 80

Холиқов Нарзулло ..........................................................................83
Хакимова Хонбуви Хакимовна.........................................................86
Низомов Ахмаджон Нуъмонович ....................................................88
Ҳакимова Назира Ғафуровна ..........................................................91
Рахимова Шафоат Хакимовна ..........................................................93
Раджабов Хўжамберди Ўсарович ....................................................95
Рустамова Мамлакат Исомиддиновна................................................97
Шарипов Муҳиддин Абдухолиқович.................................................98
Исмоилояа Феруза Рахматовна.......................................................100
Дўстов Мадикул Рўзикулович ........................................................102
Шаропов Махмут Ғиёсович ............................................................104
Норкулов Сайфиддин Сайиткулович ..............................................105
Боботов Содиқ Нортожиевич...........................................................107
Бердиева Назокат Шаминовна.........................................................108
Маматова Шоира Давроновна .........................................................111
Шомуродов Ғулом Саидович...........................................................113
Юсупова Шоҳиста Абулқосимовна...................................................115
Маматқулов Камолидин Суярович...................................................116
Раҳматов Комил Асадович ..............................................................119
Эшмуродов Пардамурод .................................................................123
Азимов Қайим Қозоқович ...............................................................132
Ҳамидова Мохиба Мардоновна.......................................................135
Ғафуров Илҳом Исломович ............................................................137
Мамадиёрова Гулнора....................................................................139
Бердибеков Норжигит Улуғмуратович ...........................................141
Болибеков Шокир Нарзуллаевич.....................................................143
Турсунова Барно Аброровна...........................................................145
Ибрагимов Турсунбой Тошпўлатович ............................................147
Булаев Зокир Каримович................................................................149
Ҳамидова Ҳанифа Муҳсиновна.......................................................152
Умиров Тойир Усмонович .............................................................154
Аркаев Иноят Каримович...............................................................156
Асадуллаева Юлдуз Туйғуновна ....................................................159
Қиличев Жиян Жаҳонович..............................................................161
Ибрагимова Одилабегим Одиловна ................................................163
Солиева Ҳожар Ибрагимовна .........................................................164
Мирзаев Саъдулло Ғайбуллаевич....................................................166
Улашева Дилором Қосимовна ........................................................168

Каримов Амри Эргашевич ....................170
Ўринов Бурхон Жиянбоевич....................171
Тайиров Актам Маматович ....................173
Ходжаев Мирзокул Бўрикулович ....................175
Бекбаева Мохира Садиновна ....................179
Мелибаев Эркин Муродович ....................182
Норматов Облоберди Хазраткулович ....................184
Асадова Мастура Азизовна....................186
Бозоров Фахриддин Мажитович....................188
Хайдаров Машраб Абдуғаниевич....................190
Кудрина Елена Владимировна....................192
Мухаммадалиева Нигора Абдусаломовна ....................193
Муштакова Гулчехра Мурадовна....................196
Арабова Гулшод Жўраевна....................198
Хатамов Дилмурод Ширинбаевич....................199
Ҳотамов Ҳоликул Рузикулович ....................201
Худайназаров Давранбой Назарович ....................203
Қаландарова Муҳаббат Дурдибоевна....................204
Ачилов Каримжон Абдурахмонович ....................207
Бабанова Зайнаб Эшниязовна....................208
Тилавова Клара Остановна ....................209
Каримов Абдуҳамид Тешабоевич ....................212
Маҳмудов Ахмат Давурбоевич....................214
Саидмуродов Хаким Бобохонович ....................216
Нурманова Рано Жўраевна....................217
Исроилова Соҳиба Бўрибоевна....................220
Эшкобилова Рахима Мажидовна....................222
Шомурадов Шайхзода Ҳамдамович....................223
Қаюмов Орзикул Абдивонтович ....................227
Холиқова Раъно....................230
Қўшматова Дилдора Эргашевна ....................232
Сайиткулов Марупжон Низомович ....................234
Баратова Раъно Шомуродовна ....................236
Икромова Манзура....................238
Облаёров Шокир Очилович ....................240
Амонова Дилором Шавкатовна ....................241
Элмуродов Хурсанд Султонович....................244
Шодиев Мухаммаджон Холмуродович ....................246

Баратов Салохиддин Рустамович ......................................................248
Мажидова Гулчеҳра.......................................................................250
Жалилов Шакар Мухиддинович.........................................................252
Бердикулова Лайло .......................................................................254
Халилов Замонали Ортиқович ..........................................................256
Қаршиев Алишер Турдикулович ........................................................257
Хомидов Ботир Рахмонович ............................................................265
Хамидов Шухрат Мусинович ...........................................................266
Нормурадова Дилбар Қодировна.......................................................269
Хамроева Лола Кахоровна ..............................................................270
Хўжамуродов Ғофур Жўракулович....................................................273
Мирзаева Шоира Пардаевна ............................................................279
Асламова Санобар Бахронкуловна.....................................................281
Насруллаева Хатича Сайфуллоевна ...................................................282
Худжамбердиев Олимжон Абдурасулович .........................................284
Камалова Дилфуза Бахриевна..........................................................287
Махмудов Пирмухаммад Эшназарович ...............................................291
Халилова Шоира Нематовна............................................................292
Фармонова Зухра Низомовна...........................................................294
Жафарова Нилуфар Жахонгировна....................................................297
Файзуллаева Дилфуза Собирхоновна .................................................299
Саданов Баходир ..........................................................................301
Арзиқулова Саодат Рахмановна .......................................................303
Тошхўжаев Юнус Шодмонович .......................................................305
Салохиддинова Дилбар Жўракуловна................................................307
Қоржавов Нажмиддин Хамроевич .....................................................310
Орипова Фотима Одиловна.............................................................314
Отамуротова Манзура Турсуновна ....................................................315
Қудратов Обид Бозорбоевич...........................................................317
Хўжамова Феруза Туйчиевна..........................................................319
Турсунова Зарина Аброровна .........................................................321
Назарова Лобархон Собировна........................................................323
Маллаева Мавжуда Бахрамовна .......................................................324
Махмонов Лутфулла Сайдуллаевич...................................................325
Аблобердиев Умид Эсанович ..........................................................329
Уразов Нўъмон Саъдуллаевич.........................................................332
Қудратова Навбаҳор Иргашевна........................................................335
Мўминов Соҳибжон Рўзимуродович .................................................337

Ахророва Зухра Асроровна ....................341
Мавлянова Зилола Фархадовна ....................342
Рўзиев Ғуломжон Курбон ўғли ....................346
Жабборов Шавкат Шомирзаевич ....................349
Амонов Худойберди Равшанович ....................351
Жонузоков Мавсумиддин Маматбоевич ....................357
Абдуллаев Камолиддин Раимкулович ....................358
Ярмуҳамедова Наргиза Анваровна ....................360
Ҳақназарова Назира Мухторовна ....................363
Эшдавлатова Азиза ....................364
Аминов Зафар Зайирович ....................365
Аликулов Сухроб Ризақулович ....................368
Халилов Ғулом Қобилович ....................370
Бегматов Лочин Хайруллаевич ....................372
Мелиёров Облоёр Қўлдошевич ....................373
Жиянов Жамшид Шукуруллаевич ....................375
Арипова Ирада Нўмоновна ....................377
Муродов Жамшид Абдусалимович ....................379
Хатамов Камолиддин Низомович ....................381
Амридинова Парвина Собировна ....................382
Соибназаров Орзукул Эрназар ўғли ....................384
Қурбонов Рашид Ражабович ....................386
Вохидов Мамалатиф Юсупович ....................387
Қурбонов Хуршед Рахматуллаевич ....................389
Пардакулов Асрoржон Абдунаимович ....................392
Элибаев Анвар Мардонкулович ....................393
Солиев Қаюм Абдирасилович ....................395
Тўраев Фарид Шухратович ....................397
Жаматов Зафар ....................398
Гаппарова Гули Нурмуминовна ....................400
Курбанов Анвар Аъламович ....................402
Саидова Фируза Саломовна ....................403
Саломов Нодирхон Ғиёсович ....................405
Муродова Гулрух Фазлиддиновна ....................406
Буронова Хадича Ураловна ....................407
Фойдаланган адабиётлар ....................409

*Бадиий-публицистик нашр*

**Негматжон Ходжаев**
**Аҳматжон Базаров**

# САМАРҚАНДЛИК ҲАКИМЛАР

*Муҳаррир:*
**Дилноза Рустамова**

*Техник муҳаррир:*
**Файзулло Азизов**

*Дизайнер:*
**Василий Бурцев**

"Muharrir nashriyoti"
Лицензия: AI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 15 январда берилди.
Босишга 2020 йил 17 мартда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. " Times New Roman" гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
26 шарт. б.т. 24,2 ҳисоб нашр. таб.
Адади 100 нусха. 27-сон буюртма.

"Муҳаррир нашриёти" матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.

Muharrir nashriyoti
MN
ISBN 978-9943-6286-8-7
9 789943 628687